МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни бирлаштирган Амалий қўлланма

ОБСЕ
БДИПЧ

МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни бирлаштирган
Амалий қўлланма

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ)
томонидан нашр этилган
Al. Ujazdowskie, 19
00-557 Warsaw
Poland
www.osce.org/odihr

© ЕХҲТ/ДИИҲБ 2006 й.

ISBN 83-60190-16-X

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Ушбу нашрнинг матнидан ЕХҲТ/ДИИҲБ доимо маълумот манбаси сифатида кўрсатилиши шарти билан таълим ва бошқа нотижорат мақсадларида бепул нусҳа олиниши ва фойдаланилиши мумкин.

ДИИҲБ Хельмут Миддендорфга унинг *Einsamkeit der Köpfe* («Бошлар ёлғизлиги») суратини ушбу нашрнинг муқовасида чоп этишга розилик берганлиги учун миннатдорчилик билдиради.

Рус тилидан таржима: Тиллаев Баҳодир

Дизайн муаллифи: Homework, Варшава, Польша

Польшада чоп этилган: Sungraf

МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни бирлаштирган Амалий қўлланма

Миннатдорчилик билдириш

Ушбу Қўлланма Тедо Крёгер, Йасно Малкоч ва Бэрбел Хайде Уль томонидан тайёрланган ва ёзилган.

Муаллифлар қуйидаги шахсларга таҳлил, таклиф ва шарҳлар кўринишидаги фаолиятга қўшган ҳиссалари учун миннатдорчилик билдирадилар:

Марта Ахлер-Шеленбаум, ЕХҲТ/ДИИҲБ, Варшава
Ивета Бартункова, Қулчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ташкилот, Лондон
Алина Брашовяна, ЕХҲТ/ДИИҲБ, Варшава
Тим Дел Веккио, Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича ЕХҲТ гуруҳи, ЕХҲТ, Вена
Мона Диа, Сербия ва Черногориядаги ЕХҲТ миссияси, Белград
Джоти Канич, ЕХҲТ/ДИИҲБ, Варшава
Анжелика Картуш, Людвиг Больцман номидаги Инсон ҳуқуқлари институти
Барбара Лимановска, ЕХҲТ/ЮНИСЕФ/БМТИҲБКБ, Сараево
Элис Миллер, Колумбия Университети, Нью-Йорк
Габриэле Райтер, ЕХҲТ/ДИИҲБ, Варшава
Лилиана Соррентино, Молдовадаги ЕХҲТ миссияси, Кишинев
Кэти Томпсон, Босния ва Герцеговинадаги ЕХҲТ миссияси, Сараево

Қўлланмани нашр этишда ва таҳрир қилишда қўшган ҳиссаси учун Питер Айкерга алоҳида миннатдорчиликни билдириш лозимдир.

Кўп учрайдиган қисқартмалар рўйхати

ЕХҲТ/ДИИҲБ	Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича ЕХҲТ бюроси
БМТИҲБК	Инсон ҳуқуқлари БМТ Бош Комиссари
ИЯМ	Ички ялпи маҳсулот
ЕК	Европа Комиссяси
ЕИ	Европа Иттифоқи
СТҚ	Судлар тўғрисидаги қонун, Германия
ЖШЕҲТ	Жанубий-Шарқий Европада ҳамкорлик бўйича ташаббус
АНКБК	Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция
МХТ	Миграция бўйича халқаро ташкилот
ЖҚЙМ	Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми
НДТ	Нодавлат ташкилот
ЕХҲТ	Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ЛСИЁД	«Ла Страда» ижтимоий ёрдам дастури
ЮНИСЕФ	БМТ Болалар жамғармаси

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 8
Муқаддима 10
Кириш 11
Ушбу қўлланмадан қандай фойдаланиш зарур? 14
Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизмининг фаолияти тузилмаси 16

I. “МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ” НИМА? 18
1. Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми таърифи 19
2. ЖҚЙМнинг асосий таркибий қисмлари: идентификация ва ҳамкорлик . . 21

II. МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА? 24
1. Демократик институтларни қуришдаги ижобий намуна 25
2. ЖҚЙМни амалга ошириш тамойиллари ва ижобий амалиёт 27

III. МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ? 36
1. Дастлабки баҳолаш 37
2. Одамлар савдосига қарши курашишнинг институционал тизими 56
3. ЖҚЙМ тузилмаларини ўқитиш ва уларнинг потенциали ривожланиши 63

IV. МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ҚАНДАЙ? . . 68
1. Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари идентификацияси 69
2. Ҳамкорлик тўғрисида битимларнинг асосий тамойиллари. 76
3. Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар 81
4. Репатриация ва ижтимоий интеграция 93
5. Қонунчиликнинг махсус қоидалари 97

V. ЯКУНИЙ МУЛОҲАЗАЛАР 122

VI. БИБЛИОГРАФИЯ 126

ЕХҲТ/ДИИҲБ НИМА? 134

Сўзбоши

Одамлар савдоси инсон ҳуқуқларини жиддий бузилиши ҳисобланади ва шунинг учун ЕХҲТ ҳудудида хавфсизликка таҳдид солади. Бир неча йил олдин ушбу муаммо жиддий эътибор ва тааллуқли ҳаракатларни талаб этганлигини тан олиб, биз шунингдек ушбу муаммонинг мушкуллиги тўғрисида билиб олдик. Келишилган мантиқий ва мувофиқлаштирилган ёндашувнинг заруриятини эътиборга олган ҳолда халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар ҳукуматлари одамлар савдосига қарши курашишга қаратилган қатор чораларни ишлаб чиқмоқдалар ва амалга оширмоқдалар. Ушбу чоралар фуқаролик жамияти билан ўсиб бораётган ҳамкорлик асосида қабул қилинмоқда. Бундай ёндашувнинг муҳимлиги 2003 йилда ЕХҲТнинг иштирокчи-давлатлари томонидан қабул қилинган одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ЕХҲТ Ҳаракатлар Дастурида таъкидланади.

Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича қабул қилинган биринчи қадамлар муҳим мажбуриятлар ва ҳаракатларга айланишига қарамай, гоҳида одамлар савдосига қарши курашиш бўйича сиёсат ва чоралар амалда қўлланилмаяпти ёки кўпинча жабрланувчиларга ва бошқа заиф гуруҳларга зарар келтириб кутилмаган оқибатларга олиб келяпти. Бундай чоралар ҳаракатланиш эркинлигини чеклаши, тегишли тартибларсиз одамларни ҳибсда сақлашга имкон бериши, шахсий ҳаётни ҳурмат қилишга бепарволик билан қаралиши, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчиси хавфсизлигига уларни ўз мамлакатига қайтариб юборилгандан сўнг таҳдид солиши мумкин. Бундан ташқари кўпгина одамлар савдоси жабрланувчилари ҳимоянинг самарали механизмларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар, чунки ҳокимият органлари ёки халқаро ташкилотлар ушбу кишиларни одамлар савдоси жабрланувчиси сифатида идентификация қила олмаяптилар.

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган одамлар савдосига қарши курашиш бўйича комплекс сиёсатнинг амалга оширилишини қонун устуворлиги тамойилига асосланган демократик ва ошкора бошқарув элементи сифатида кўриб чиқиш лозим. Шундай қилиб, одамлар савдосига қарши курашишдаги самарали чораларнинг муҳим кафолати маҳаллий ва миллий даражадаларда мувофиқ институтларни қуриш ва мусаҳкамлаш ҳисобланади. Ушбу Қўлланма одамлар савдосига қарши курашиш ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва тузилмаларининг барқарор фаолиятини яратиш ва амалга оширишга ёрдам берувчи бошқарув тамойилларини тақдим этади. Шунингдек, Қўлланма ушбу механизмлар ва тузилмалар мониторингини ўтказиш ва уларнинг имкониятини ошириш тамойилларини тавсия этади.

Юқорида айтиб ўтилган чоралар Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизмларининг ишлаб чиқилган концепциялари асосига айланди (ЖҚЙМ). Механизмлар одамлар савдосига қарши курашишни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича ЕХҲТ ҳудудидаги мамлакатлар ва

бошқа мамлакатлар учун амалий восита бўлишга чақирилгандир. ЕХҲТнинг иштирокчи-давлатлари, жойлардаги ЕХҲТ ваколатхоналари, шунингдек фуқаролик жамияти субъектлари ЖҚЙМни яратиш ва амалга оширишга ёки ЖҚЙМнинг муҳим функционал таркибий қисмлари фаолиятини таъминлашга чиқириладилар. ЖҚЙМ бир неча давлатларда яратилган ва фаолият юритмоқда, ва бу Қўлланма ушбу соҳада эришилган амалий тажриба билан ҳам таништиради. Бундай комплекс муаммони ҳал этиш бўйича ҳар қандай чоралар каби, фақатгина стратегиялар ёки механизмларнинг мавжудлиги етарли бўлмайди. Ушбу муаммонинг ҳал қилиниши чораларининг янги жиҳатлари вужудга келишига қараб уларни мослаштиришни давом эттириш, шунингдек бошқа давлатлар тажрибасини эътиборга олиш зарурдир. Шунинг учун, ДИИҲБ ушбу нашр муҳим ресурс бўлишига умид қилади, шунингдек концепцияни келгусида ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида ушбу қўлланма мазмунига оид фикр-мулоҳазаларнинг билдирилишини ва ушбу соҳада тааллуқли ёрдамнинг кўрсатилишини кутиб қолади.

Элчи Кристиан Штрохаль
ДИИҲБ директори

Муқаддима

“Менга пойтахтдаги хавфсиз жойга кетишимни ва мени у ерда ҳимоя қила олишлари мумкинлигини айтмагунларича мен қандайдир кичик қишлоқда яшадим. Мен бинога кираётганлигимда унинг қандай жой эканлигини билмас эдим. Мен фақатгина бошқа қизларни кўрдим ва озгина қўрқдим. Нега уларни берк жойда ушлаб туришган?”

“Қизларда бири уни берк жойда 9 ой давомида ушлаб турганликлари сабабли ўз қўлини игналар билан санчиб ташлади. У мамлакатдан чиқиб кета олмас эди ёки ўз ватанига қайта олмас эди. Унга бир ойдан сўнг уйига қайта олиши тўғрисида ваъда беришарди. Унинг кетишига имкон беришмади, чунки унинг борадиган жойи йўқ эди.”

“Ойналар ёпиқ эди. Эшиклар бутун сутка давомида қулфланган эди. Эшиклар фақатгина полиция бизни кўргани келганда қулфланмас эди.”

“Бизда гинеколог ва психиатр бор эди. Қизларга эса психиатр ёрдамидан кўра кўпроқ психологик ёрдам керак эди. Мен нима учун психиатр келганлигини ҳеч ҳам тушунмадим.”

“Психиатр қабулига борганимда, мен унга нисбатан жуда ғазабда эдим. У мен сўзлашни истамайдиган нарсалар ҳақида сўради. Бунинг ҳаммаси менинг ғазабим ва жазавам билан тугади.”

“У эслашим лозим бўлмаган нарсаларни ёдга олишимга мажбур қилди. У қаерга ва нима учун борганлигимни сўради…, “нима учун бу ва нима учун бошқа нарса”. “Нима учун сиз бу ҳақда полицияга хабар бермадингиз…” Булар у мендан сўраши лозим бўлмаган нарсалар эди. У менинг муносабатимни кўрмоқчи эди холос. У менга тинчлантирувчи дори берди, лекин мен уни олишдан бош тортдим.”

“Сиз у билан суҳбат қуришни рад этишингиз мумкин эдими?”

“Йўқ, мумкин эмас эди. Қизларнинг ҳеч бирида бундай имконият йўқ эди.”

“Мен пойтахтдан кетганимда ва ўз ватанимга жўнаганимда қандайдир ташкилот менга ёрдам берди. Улар менга эллик доллар бериб, билет сотиб олишди ва самолётга ўтказиб юборишди. Мен самолётга ўтирганимда жуда қўрққанимдан йиғлаб юбордим.”[1]

1 2002 йил Варшавада ўтказилган Инсонийлик мезони бўйича ЕХҲТ Учрашувида кўрсатилган одамлар савдоси аёл-жабрланувчиси кўрсатмаларининг видео тасмаси. Бу ёш аёл одамлар савдоси жабрланувчисига айланганда вояга етмаган эди.

Кириш

Ушбу Қўлланманинг амалий татбиқи оммавий ахборот воситаларида ва полиция ҳисоботларида одамлар савдоси жабрланувчилари ҳақидаги ёритилган воқеалардан кейин, яъни одамлар савдоси жабрланувчиси полиция тадбирлари натижасида озод этилгандан сўнг бошланади. Афсуски, кўпинча психологик жароҳатлар, ёмон муносабат ва инсон ҳуқуқларини суистеъмол килиш одамлар савдоси жабрланувчисини озод этгандан сўнг тугамаслиги ва яшаш учун жой бериш дастури амалга оширилаётганда ҳам, ўз ватанига қайтишда ҳам давом этиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат тузилмалари, шунингдек нодавлат ташкилотларга (НДТ) кўпинча тажриба, тайёрланган мутахассислар, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчиларининг ўзига хос эҳтиёжларига нисбатан тегишли тарзда ҳаракат қилишлари учун уқув етишмайди. Ҳукуматларга одамлар савдоси жабрланувчилари билан муомала қилиш бўйича аниқ дастур етишмаслиги мумкин. Қонунчилик жабрланувчиларни мамлакат ҳудудида бўлган даврдаги қилган ҳатти-ҳаракатлари учун ушлаб туришни полиция бўлимларидан талаб этиши мумкин. Бундай талаб ҳатто ушбу ҳаракатлар мажбуран содир этилганда ёки полиция одамлар савдоси жабрланувчиларидан уюшган жиноятчилик доираларини аниқлашга оид маълумотларни олиш мақсадида ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳокимиятнинг бошқа вакиллари одамлар савдоси жабрланувчисида тегишли ҳужжатлар мавжуд эмаслигига ёки иммигрантнинг ноқонуний мақомига асосий эътиборни қаратишлари мумкин. Келиб чиқиш мамлакатлари ўз фуқароларида тегишли йўл ҳужжатлари ёки фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган вазиятларда уларни қабул қилиш масаласига хоҳишсиз қарашлари мумкин. Нодавлат ташуббусларга одамлар савдоси жабрланувчиларининг хавфсизлиги кафолати ва ижтимоий интеграцияси учун талаб этиладиган ресурслар ёки тажриба етишмаслиги мумкин. Оқибатда, ҳаттоки жабрланувчилар одамлар савдогарлари қўлларидан озод бўлганда ҳам, уларнинг аввалгидек эркинликлари чекланганлигини, уларни назорат қилаётганликларини, уларга мувофиқ тарзда муносабатда бўлмаётганликларини, шахсий ҳаётлари билан боғлиқ қарорларни ўзлари қабул қила олмаётганликларини ҳис қилишлари мумкин.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилишга асосланган одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан ёндашувнинг қабул қилиниши бундай суистеъмолликларни тугатиш учун муҳим қадам ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув одамлар савдоси муаммоси фаолиятнинг оддий ноқонуний кўриниши эмаслигини тан олади. Бу инсон ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқ бўлган ноқонуний фаолиятдир ва одамлар савдоси жабрланувчиларига ҳам, жабрланувчиларга ёрдам бериши лозим бўлган ҳукуматлар ва НДТларга ҳам алоқадордир. Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллашнинг самарали механизми жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Вазирлар Кенгашининг Маастрихт учрашувида тасдиқланган одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ЕХҲТнинг Ҳаракатлар режаси[2] ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва НДТлар орасидаги ҳамкорлик тизимини қуриш орқали, шунингдек жабрланувчиларни аниқлашга, одамлар савдосига қарши курашиш сиёсатининг йўналишини ва татбиқ этилишини ишлаб чиқа оладиган ва назорат қила оладиган соҳалараро ва фанлараро гуруҳларни тузишга имкон яратувчи бошқарув кўрсатмаларини шакллантириш орқали ЖҚЙМларни яратишни тавсия этади[3].

Ушбу Қўлланмада самарали ЖҚЙМ яратилиши ва унинг фаолияти учун доиралар белгиланган. Қўлланма ЖҚЙМни таъсис этиш учун асос ҳисобланган халқаро ҳуқуқий ва сиёсий мажбуриятларни таърифлайди. Қўлланма ЖҚЙМ кўмагида миллий даражада одамлар савдосига қарши курашиш бўйича чоралар қандай кўринишини ва амалга оширилишини белгилаб беради. Ушбу нашр самарали ЖҚЙМни яратишдаги НДТлар ва жойлардаги ЕХҲТ ваколатхоналари[4] ҳамкорлигининг бирламчи тажрибасига асосланади. Ушбу ёндашув кўпгина субъектлар, жумладан ҳам ҳукумат тузилмалари, ҳам фуқаролик жамияти одамлар савдоси жабрланувчилари ҳимоясининг ҳақиқатдан ҳам самарали ва кенг қамровли тизимини ишлаб чиқиш мақсадида ҳамкорлик қилишлари лозимлигини тан олади. Қўлланмада ЖҚЙМ турғун тузилма сифатида қолиб кетмаслиги тўғрисидаги ёндашув таъкидланади. У доимо мониторинг, шунингдек механизмдаги барча иштирокчиларнинг, жумладан, одамлар савдоси жабрланувчиларининг таклифлари ёрдамида такомиллаштирилиши мумкин.

Ушбу қўлланма давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг ЖҚЙМдаги назарда тутилган ролини белгилайди. Нашр асосий масалаларни кўтариб, одамлар савдоси жабрланувчиларига энг маъқул тарзда тақдим этилиши лозим бўлган турли дастурлар ва хизматлар таърифини беради. Шу билан Қўлланма ЖҚЙМ яратилиши жараёнида зарур бўлган сиёсий талқин, услубиёт, асосий ҳуқуқий ва амалий таркибий қисмлар таърифини тавсия этади. Етарли даражада умумий ҳужжат ҳисобланган ва маълум мамлакатнинг мисолига асосланмаган ушбу Қўлланма турли қонунчилик ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга эга бўлган давлатларда ҳам миллий хусусиятларга мослашган ЖҚЙМларни яратиш ва татбиқ этиш имконияти мавжудлигини кўрсатувчи амалий мисолларни ўз ичига олган.

Ушбу Қўлланма ЕХҲТ ҳудудида одамлар савдосига қарши курашиш бўйича турли чораларнинг солиштирма тадқиқотларни ўз ичига олмайди, шунингдек барча тегишли жиҳатларни тўлиқ ёритишга даъво қилмайди. Шу билан бир қаторда муаллифлар тажрибасига, шунингдек муаллифлар томонидан сўров ўтказилган мутахассисларнинг кенг доирасига асосланган ҳолда, Қўлланма одамлар савдоси жабрланувчиларини

2 ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг 2/03-Қарори, Одамлар савдосига қарши курашиш (2003 й. декабрь).
3 Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ЕХҲТ Ҳаракатлар дастури (2003 й. июль), V-Бўлим. Ҳимоя ва ёрдам, 3-модда.
4 Қўлланмадаги "ЕХҲТнинг жойлардаги ваколатхоналари" иборaси жойлардаги барча узоқ муддатли тадбирларни: миссиялар, офислар, ёрдам гуруҳлари, ваколатхоналар, лойиҳалар мувофиқлаштирувчилари ва бошқа шу каби муассасаларни соддалаштириш учун қўлланилган.

самарали ҳимоя қилишнинг ҳаққоний мисолларини келтириб ўтади. Мисол тариқасида, Германия, Чехия Республикаси, Сербия ва Черногориянинг тажрибаси айниқса ўринлидир, лекин бу ерда, шунингдек бошқа давлатларнинг тажрибаси ҳам кўрсатилган.

ЖҚЙМ концепцияси ва услубиёти Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясини тўлдирувчи Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш, унга барҳам бериш ва унинг учун жазо тайинлаш тўғрисидаги Протоколда (кейинги матнда Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколи – таржимон изоҳи)[5] ифодаланган одамлар савдосининг комплекс тушунчасига асосланса ҳам, келтирилган мисоллар одамлар савдогарларининг жабрланувчиларига айланган ва фоҳишалик қилишга мажбурланган аёл ва қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чораларга алоқадордир. Бунинг сабаби Европада одамлар савдоси жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўпгина дастурлар ушбу мақсад гуруҳларига йўналтирилганлигидир. Шунингдек, болалар кўпинча ЖҚЙМ томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг объекти бўлишса ҳам, Қўлланма болалар савдоси ҳолатига махсус эътиборни қаратмайди[6].

5 Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясини тўлдирувчи Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш, унга барҳам бериш ва унинг учун жазо тайинлаш тўғрисидаги Протокол (2000).

6 Болаларга нисбатан ушбу нашрда берилган ЖҚЙМ концепцияси “Жанубий-Шарқий Европада одамлар савдосининг болалар-жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ЮНИСЕФнинг бошқарув тамойиллари” (2003 й. май) билан тўлдирилиши мумкин.

Ушбу қўлланмадан қандай фойдаланиш зарур?

ЕХҲТнинг барча иштирокчи-давлатлари, келиб чиқиш, транзит ёки олиб бориш мамлакатлари бўлишларидан қатъий назар, одамлар савдоси жабрланувчилари билан иш юритишлари мажбур бўлган вазиятга дуч келишлари мумкинлиги сабабли бу давлатларнинг ҳар бирида ЖҚЙМни ишлаб чиқиш ижобий тажриба бўлар эди. Бу нарса мамлакатда ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий вазиятдан қатъий назар маънога эгадир; Мамлакат хоҳ ўтиш давлатларида бўлсин, хоҳ барқарор демократияга эга бўлсин ЖҚЙМни яратиш муҳимдир. Бу Қўлланма ЕХҲТнинг барча иштирокчи-давлатлари учун мўлжалланган дир. Ушбу Қўлланма ҳар бир мамлакатда мавжуд фарқларни тан олади. Ва шу билан ҳар бир аниқ мамлакатда ЖҚЙМни амалга ошириш жараёнини мослаштиришга имкон яратувчи қатор тамойилларни ва асосий таркибий қисмларини таклиф қилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Қўлланма қуйидаги мақсад гуруҳларига қаратилгандир:

- **Ҳукумат тузилмаси вакилларига** – услубиёт, ресурслар ёрдами ва ЖҚЙМни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш воситаси сифатида;
- **Фуқаролик жамияти суъбектига** – (ҳукумат билан ҳамкорликда) одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш тузилмаларини яратиш ва қўллаб-қувватлашнинг амалий воситаси сифатида, шунингдек ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ташаббус этиш учун воситаси сифатида;
- **Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга** – уларнинг потенциалини кўтариш мақсадида, ўқитиш учун материал ва ижобий амалиёт намунаси сифатида.

Шунингдек, ушбу Қўлланманинг мақсади ҳукуматларга кўмак берувчи жойлардаги ЕХҲТ ваколатхоналарининг потенциалини оширишдир ва бу кўмак у ёки бу мамлакатда аниқ бир вазиятга мослаштирилиши мумкин бўлган самарали қўлланма ва услубиётни тақдим этиш орқали амалга оширилади. Жойлардаги ЕХҲТ ваколатхоналари ҳукуматларга ва нодавлат ташкилотларига ЖҚЙМни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича уларнинг ҳаракатларига ёрдам беради деган умид мавжуд. Шунинг учун Қўлланма инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатлари билан боғлиқ соҳаларда фаолият юритаётган ЕХҲТ ходимлари учун ёрдамчи воситаси сифатида хизмат қилиши лозим.

Қўлланма тузилмаси тўрт асосий бўлимга бўлинади. I бўлим **“Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми нима?”** саволига жавоб беради ва ЖҚЙМга аниқ таъриф берган ҳолда, унинг тузилмасидаги асосий таркибий қисмларни таснифлайди. II бўлимда **миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчилари қайта йўлланишининг аҳамияти** тушунтирилади; ЖҚЙМ давлатнинг демократик институтларини яратишда муҳим таркибий қисм сифатида белгиланади ва бундай институтлар мавжуд бўлган давлатда ҳукумат ва фуқаролик жамияти

маълум ўринни эгаллаган ва маълум мажбуриятларни бажарган ҳолда ҳамкорликда фаолият олиб боришлари мумкин. Ушбу қўлланмада келтирилган ўн тамойил келиб чиқиш ёки олиб бориш мамлакати ва мувофиқ мамлакатнинг ривожланиши даражасидан қатъий назар барча мамлакатга насбатан қўлланилади. III бўлим ЖҚЙМни ишлаб чиқиш жараёнида зарур бўлган баҳолашнинг комплекс услубиётини инобатга олган ҳолда **миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизмлари фаолиятини қай тарзда амалга ошириш** бўйича қўлланмани ўз ичига олади. Бундай баҳолаш асосида ушбу нашрда жабрланувчиларнинг қайта йўлланиши мавжуд механизмларини яхшилаш бўйича келгуси қадамлар, шунингдек аниқ бир мамлакат учун ЖҚЙМлар яратилмаган ҳолларда уларни ишлаб чиқишнинг алоҳида, мослаштирилган стратегияларни яратиш бўйича қўлланма ва тавсиялар таклиф қилинади. Якуний қисимда IV бўлим одамлар савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш, ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тамойиллари ва бошқа таркибий қисмларни ўз ичига олган ҳолда, **миллий даражада жабрланувчиларни қайта йўллаш механизмида эътиборни қаратиш зарур бўлган асосий жиҳатларни тасвирлайди.**

Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизмининг фаолияти тузилмаси

Давра суҳбати/Ишчи гуруҳ

Миллий мувофиқлаштирувчи

Тузилма

Одамлар савдосига қарши курашишнинг институтциявий тизими
Кўп даражадаги ва фанлараро ёндашув

Тузилма

Жараён

Амалга ошириш механизми

- Дастлабки баҳолаш
- Таълим/Потенциални кучайтирмоқ
- Мониторинг
- Баҳолаш
- Амалга ошириш

Жараён

Тузилма

Давлат тузилмаси ва фуқаролик жамиятининг
профессионал ходимлари
Кўп даражадаги ва фанлараро ёндашув

Тузилма

Идентификация

Ҳамкорлик

Қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя бўйича хизматлар

Қайтиб келиш ва ижтимоий мослашув

Мамлакатда бўлиш тартиблари

Маълумотлар ҳимояси

Жабрланувчи-гувоҳлар ҳимояси

Мусодара қилиш/ Компенсация тўлаш

I. “МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ” НИМА?

1. Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми таърифи

Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми (ЖҚЙМ) одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишни рағбатлантириш бўйича давлат органларининг ўз мажбуриятларини бажариш доирасидаги ҳамкорлик тизимидир ва улар одамлар савдоси жабрланувчилари билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти ва бошқа субъектлар билан стратегик ҳамкорликда ўз ҳаракатларини мувофиқлаштирадилар.

ЖҚЙМнинг асосий мақсадлари одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш кафолати ва мувофиқ хизматларни кўрсатиш мақсадида жабрланувчиларни қайта йўллашнинг самарали услубини тақдим этишидан иборатдир. Қўшимча равишда ЖҚЙМ мамлакатда бўлиш ва репатриация, жабрланувчиларга компенсация тўлаш ва гувоҳлар ҳимояси тўғрисидаги қоидалар каби жабрланувчиларга алоқадор кенг доирадаги масалаларга нисбатан сиёсат ва тартибларни яхшилашга ёрдам кўрсатиши мумкин. ЖҚЙМ миллий даражада ҳаракатлар режаларининг ташаббускори бўлиши ва эришилган мақсадларни баҳолаш бўйича андозаларни белгилашга ёрдам бериши мумкин.

ЖҚЙМ тузилмаси мамлакатга қараб фарқланади. Шунга қарамай ЖҚЙМ ҳукумат тузилмалари ва одамлар савдоси жабрланувчилари билан шуғулланувчи нодавлат ташаббуслари ўртасидаги ҳамкорликни шакллантириш мақсадида яратилиши лозим. ЖҚЙМ одатда давлат органларининг мансабдор вакили ҳисобланган миллий мувофиқлаштирувчини, шунингдек одамла р савдоси ътибор берилиши лозимлигини аниқлашга ёрдам беради. Баҳолаш давлат тузилмаси ёки НДТ томонидан ташаббус этилиши ва амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда ЖҚЙМнинг мувофиқ тузилмасини яратилишини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иштирокчиларни аниқлаш ва ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш мумкин. ЖҚЙМни яратишда алоҳида мамлакатлардаги одамлар савдоси бўйича кенгашлар ёки бошқа орган ёхуд одамлар савдосига қарши курашиш масалалари билан шуғулланувчи махсус гуруҳларнинг мавжудлигини ҳам эътиборга олиш керакдир.

Самарали ЖҚЙМни яратиш учун ҳукумат тузилмалари ва фуқаролик жамияти орасида юқори даражадаги ҳамкорлик зарурдир. Кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар одамлар савдоси жабрланувчиларини биринчи бўлиб аниқлайдилар, лекин айнан фуқаролик жамияти суъбектлари одамлар савдоси жабрланувчиларига яшаш учун жой тақдим этадилар ва бошқа ёрдамни кўрсатадилар. Шундай қилиб ЖҚЙМ одамлар савдоси жабрланувчиларига кўрсатиладиган ёрдамнинг муҳим тузилмаси бўлиши мумкин. ЖҚЙМ фуқаролик жамияти иштирокининг фаоллигини ташаббус этиши лозим. Ички мониторинг, баҳолаш, шунингдек қайта алоқа ЖҚЙМ фаолиятининг доимий таркибий қисми бўлиши керак. Ушбу мақсадларга эришиш учун давлат органлари

ва нодавлат гуруҳларининг кенг доирасини жалб қилиш лозимдир. Шу сабабли ЖҚЙМ иштирок этиш учун очиқроқ тузилма бўлишга интилиши зарурдир.

Олиб бориш, транзит ва келиб чиқиш мамлакатларида ЖҚЙМнинг яратилиши одамлар савдосининг барча жабрланувчиларига кўмакнинг тўлиқ ва имкониятдаги тизимини тақдим этишга ёрдам бериши мумкин.

ЖҚЙМ қуйидагиларни ўз ичига олиши керак

- Одамлар савдоси жабрланувчиларини аниқ аниқлаш ва улар билан мувофиқ муомала қилишга имкон яратувчи бошқарув тамойиллари. Бу тамойиллар жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳаётларига таъсир кўрсатувчи қарорларни ўзлари қабул қилишлари имкониятини тақдим этишга асосланиши лозим;
- Яшаш учун жой, жисмоний ва психологик жароҳатдан ҳимояланишни, шунингдек жабрланувчиларни қўллаб–қувватлаш бўйича хизматларни тақдим этувчи махсуслаштирилган тузилмаларга одамлар савдоси жабрланувчиларини жўнатиш тизими. Бундай муассасалар тиббий, ижтимоий ва психологик ёрдамни, ҳуқуқий маслаҳатни ва идентификация қилиш ҳужжатларини олишдаги кўмакни тақдим этишни ўз ичига олиши, шунингдек кўнгилли репатриация ёки бошқа жойга кўчириш жараёнини енгиллаштиришга ёрдам бериши лозим;
- Жиноий ишларни тергов қилиш ва одамлар савдогарларини жиноий таъқиб қилиш бўйича ҳаракатлар билан биргаликда одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдамни мувофиқлаштиришга чақирилган, бажарилиши лозим бўлган расмий тегишли механизмларни белгилаш;
- Мувофиқ равишда одамлар савдосининг мураккаб хусусиятига эътиборни қаратиш, унинг мониторинги ва баҳоланишини амалга оширишга имконият яратувчи фанлараро ва соҳалараро иштирокни таъминловчи институтциявий доиралар.

ЖҚЙМда иштирок этувчи барча суъбектларнинг маъсулияти ва ваколати ҳар бир вазиятда одамлар савдосининг барча жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишни кафолатлаш билан белгиланган бўлиши лозим. Одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам бераётганда давлат юрисдикцияси остидаги барча одамлар улар ким бўлишидан, нима билан шуғулланишидан, қайси миллатга тегишли бўлишидан ёки уларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳиши мавжудлигидан қатъий назар улар инсон ҳуқуқларига эга эканликларини эсда тутиш лозим.

ЖҚЙМ қатъи тузилма эмасдир, балки мослашувчан механизмдир. Уларни ҳар бир мамлакатда одамлар савдоси тўғрисидаги ишлар хусусиятига, шунингдек ушбу мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий вазиятга мослаштириш мумкин. Шунинг учун, барча мамлакатлар учун ягона, умумий бўлган ЖҚЙМларни яратиш андозаси мавжуд эмас; бу жараён аниқ бир мамлакатнинг ўзига ҳос эҳтиёж ва шароитларини алоҳида эътибор билан баҳолашга асосланади.

2. ЖҚЙМнинг асосий таркибий қисмлари: идентификация ва ҳамкорлик

Ҳар бир ЖҚЙМнинг асосида одатда "одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси", деб номланувчи эҳтимолдаги одамлар савдогарлари жабрланувчиларини идентификация қилиш жараёни ётади. Бу жараёнга ЖҚЙМ фаолиятига жалб қилинган барча турли ташкилотлар киритилган ва бу ташкилотлар одамлар савдогарлари жабрланувчиларини махсуслаштирилган тегишли муассасаларга қайта йўллаш орқали ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳамкорлик қилишлари лозим.

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг қаерда эканлигини аниқлаш ва уларни идентификация қилиш одамлар савдосига қарши курашиш бўйича барча стратегияларнинг асосий муаммоси ҳисобланади. Одамлар савдоси жабрланувчиларига айланадиган одамлар кўпгина сабабларга кўра ўз мақомини ёки нимани бошидан кечирганликларини давлат органларидан яширадилар. Одамлар савдоси жабрланувчилари кўпинча расмий тузилмалар вакилларига нисбатан чуқур ишончсизлик туйғусини ҳис этадилар. Бу ишончсизлик келиб чиқиш мамлакатларида улар орттирган салбий тажрибадан келиб чиқади. Кўпинча жабрланувчилар ўзларига ёки улар оилаларининг аъзоларига нисбатан келиб чиқиш мамлакатларида одамлар савдогарлари томонидан шавқатсиз қасосдан қўрқадилар. Жабрланувчининг уйга қайтгандан сўнг зўравонликни қўллашнинг бундай таҳдидлари ўз ноқонуний мақоми туфайли депортация қилиниши олдидан қўрқув ҳиссини кучайтириши мумкин. Одамлар савдогарлари жабрланувчилари кўпинча аввалига ўзлари жабрланувчи эканликларини истамай тан олганликлари сабабли одатда "одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари" ибораси қўлланилади. Бу ибора одамлар савдоси жабрланувчилари бўлиши мумкин бўлган ва ушбу сабаб бўйича одамлар савдосига қарши курашиш дастурига киритилиши ва бундай кишиларга тақдим этиладиган махсус хизматлардан фойдаланиши лозим бўлган кишиларни таърифлаш учун қўлланилади.

Одамлар савдоси жабрланувчилари камдан кам ҳолатларда тушиб қолган вазиятларидан мустақил чиқиб кета оладилар. Кўпинча, агарда ҳокимият органлари уларга умуман эътибор берсалар, полиция, чегара хизматлари ёки бошқа давлат органлари уларни амалга ошираётган текширувлари ёрдамида аниқлашади. Одамлар савдоси жабрланувчилари билан учрашиши мумкин бўлган мувофиқ расмий тузилмалар жабрланувчиларнинг ўзига хос вазиятларини билишлари, уларга нисбатан сезгир бўлишлари ва ушбу одамларга мавжуд ҳимоя механизмларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этишлари лозим. Давлат органлари одамлар савдоси жабрланувчилари нафақат ҳамдардликка муҳтож ва инсон ҳуқуқларига эга бўлган жиноят жабрланувчилари эканликларини, балки уларни ўзларига жалб этиб ва ҳамкорлик қилишга эришиб, шу билан уюшган жиноятчиликка қарши курашишга кўмак бериш мумкинлигини эсда тутишлари лозим. Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари ўзларини аниқлашга ёрдам беришда қўлланилиши мумкин бўлган кўпгина услублар мавжуд. Бу ерга

ишонч телефонлари, одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини излаш бўйича фаол иш ва бундай одамлар ёрдам учун ҳар доим мурожаат қила оладиган махсус марказларни яратиш киради.

Одамлар савдоси жабрланувчилари идентификацияси кўп вақтни, шунингдек жабрланувчилар учун хавфсиз шароитларни яратишдаги профессионал бошқарув ва тузилмани талаб қилувчи мураккаб жараён бўлиши мумкин. Баъзида одамлар савдоси жабрланувчиси жароҳатдан сўнгги синдромни енгиб ўтиши ва сўзлай олиши учун бир неча ҳафталар ёки ойлар талаб этилади. Ушбу нашрда таърифланаётган концепция шу сабабли идентификация жараёнини ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича дастурнинг қисми сифатида кўриб чиқади. (Бу концепциялар батафсил тарзда *Одамлар савдоси жабрланувчиларининг яшаш мақоми,* IV.5.2 бўлимида кўриб чиқилади.)

ЖҚЙМнинг умумий вазифалари таркибий қисмларидан бири одамлар савдосига бўлган қарашни ўзгартириш бўлиб, бунга биноан одамлар савдоси нафақат жиноят билан боғлиқ муаммолар нуқтаи назаридан, балки жабрланувчининг инсон ҳуқуқларини жиддий бузилаётганлиги сифатида ҳам қаралиши лозим. Бундай концепциянинг қабул қилиниши нафақат гувоҳ бўлишга розилик берганларнинг, балки барча одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларининг ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини кафолатлашга имконият яратади. (Ушбу масалалар батафсил тарзда *Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини идентификация қилиши намуналари,* IV.1 бўлимида кўриб чиқилади.)

ЖҚЙМнинг бошқа асосий компоненти давлат органлари ва одамлар савдоси жабрланувчиларига хизматлар кўрсатувчи фуқаролик жамияти вакиллари орасидаги **ҳамкорлик тузилмасини яратиш услубидир.** Ушбу ҳамкорликнинг мақсади энг бошидан ўзаро низода бўлган ҳуқуқий ёндашувларни муросага келтиришдир. Бир томондан, одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисининг ноқонуний мавқеини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мажбурияти бундай одамни ноқонуний иммигрантлар билан шуғулланувчи институтларга, масалан, иммигрантларни депортация қилиш учун ҳибсда сақлаш органларига топширишдир. Ушбу ҳолат жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси мақомини жиноят жабрланувчиси сифатида тан олмаслигини билдириши мумкин. Бошқа томондан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозалар ва мажбуриятлар, шунингдек турли мамлакатларнинг кўпгина қонунчилик ҳужжатлари ушбу одамлар ҳуқуқларининг тан олиниши ва ҳимоя қилинишини талаб этади.

Ёрдам ва қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи фуқаролик жамияти тузилмаларига (НДТлар) одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини жўнатаётган ЖҚЙМлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим жабрланувчи ҳибсда сақланмай, қонун томонидан берилган ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган вазиятни яратиши мумкин. Ҳамкорликнинг бундай тузилмалари одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига хизматлардан фойдаланиш имкониятини олишга,

шунингдек расмий мақомга эришишга ёрдам бериши мумкин. Масалан, бу ноқонуний мақом ва қонунларга риоя қилмаслик билан боғлиқ бўлган жиноий соҳалардан чиқиб кетишга имкон яратувчи мамлакатда қисқа муддат давомида яшаш рухсатини олишда намоён бўлади. (Ушбу масала батафсил тарзда *Ҳамкорлик тўғрисидаги битмларнинг асосий тамойиллари,* IV.2 бўлимида кўриб чиқилади.)

II. МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

1. Демократик институтларни қуришдаги ижобий намуна

ЖҚЙМ давлатлар томонидан ўз юрисдикцияси остида бўлган одамларни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларни бажаришга ёрдам берувчи миҳим ролни ўйнаши мумкин. Бу маънода ЖҚЙМларнинг ўзлари демократик институтлар ҳисобланадилар ва уларни яратиш ҳукуматлар томонидан рағбатлантирилиши лозим. Бундан ташқари, ЖҚЙМ давлат тузилмалари ва фуқаровий жамият ўртасида узвий ҳамкорликни талаб қилганлиги туфайли уларни яратиш давлат тузилмалари ва фуқаровий жамият ўртасида самарали алоқаларни ривожлантириш орқали демократик институтларни қуришдаги ижобий намуналарни вужудга келтиришга ёрдам бериши мумкин. Ўзининг моҳияти ва фаолият юритиш услублари бўйича ЖҚЙМ жамиятнинг барча қатламларини: алоҳида кишилар, фуқаровий жамият субъектлари, маҳаллий, ҳудудий ва миллий даражалардаги давлат тузилмаларини қамраб олади.

ЖҚЙМ мамлакатдаги аниқ бир вазиятга самарали киритилиши учун у жамиятни демократлаштириш бўйича кенг миқиёсдаги дастурнинг ёки ёндашувнинг қисми бўлиши керак. ЕХҲТнинг одамлар савдосига қарши курашишнинг Бошқарув тамойилларида ушбуга қуйидагича таъриф берилган: “Одамлар савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш кенг қамровли, фанлараро муносабатни талаб қилувчи комплекс вазифа ҳисобланади… [ва] инсонийлик мезонига (…), ҳарбий-сиёсий (…) мезонга, иқтисодий мезонга [хавфсизликка] алоқадордир (…)”[7]. Агар демократлаштиришга оид жараёнлар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар тараққиётига олиб келса, одамлар савдосига таъсир этувчи омиллар аста-секин сустлашиб боради. Масалан, келиб чиқиш мамлакатларидаги иқтисодий тараққиёт ушбу мамлакатлар фуқароларининг чет элда ишга жойлашиш тўғрисидаги таклифларни қабул қилишлари зурриятини камайтиради, коррупция даражасининг пасайиши эса уюшган жиноятчилик камроқ имкониятларга эга бўладиган шароитларнинг яратилишига олиб келади. Айни вақтда жамиятнинг энг заиф гуруҳларини ҳимоя қиладиган ва қонун устуворлигини таъминлайдиган ЖҚЙМ каби институтларнинг мустаҳкамланишига демократизация жараёнлари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Одамлар савдоси жабрланувчининг инсоний ҳуқуқлари бузилишидир. Шундай қилиб, ЖҚЙМнинг асосий мақсади ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, шунингдек одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

> “(…) Кўпинча беҳаё одамлар савдогарларининг ҳимоясиз жабрланувчиларини жиноятчилар деб ҳисоблашади, уларнинг ҳаракатлари жиноят сифатида баҳолашади ва айни дамдаги жиноий иш ҳолати бўйича терговни амалга оширгунга қадар уларни депортация қиладилар ва жабрланувчилар ҳеч қандай ёрдамни ёки қўллаб-қувватлашни олмайдилар, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчила-

[7] *ЕХҲТнинг одамлар савдосига қарши курашишнинг Бошқарув тамойиллари* (2001 й. июнь).

рига кўпинча етказиладиган жиддий жароҳатларга умуман эътибор берилмайди. Кўпинча одамлар савдоси жабрланувчиларига тиббий ёрдам, асосий ҳуқуқ ҳисобланган маслаҳат олиш, таржимон хизматларидан фойдаланиш ёки ўз иш берувчиларига қарши суд даъвосини тақдим қилиш имкониятини рад этадилар (…)"[8]

ЕХҲТ ҳудуди мамлакатларида жабрланувчилар ҳимояси механизми такомиллашмаган бўлиб қолмоқда ва кўпинча одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси эҳтиёжларига нисбатан эътиборсиздир. Ушбу механизмлар одамлар савдоси ҳолатига нисбатан кенг қамровли ёндашувни ифода этмайди ва энг мақбул тарзда фаолият юритмайди. Масалан, гувоҳлар ҳимоясини тартибга солувчи қонунчиликда, шунингдек иммиграция ва чет элликларнинг мамлакатда бўлишига алоқадор қонунларда ҳали ҳам камчиликлар мавжуд. Фуқаролик жамияти қонунчиликдаги камчиликларни аниқлайдиган ва мувофиқ қонунчилик ва амалиётдаги яхшиланишни қўллаб-қувватлайдиган назорат механизмида муҳим ролни ўйнаши мумкин.

Ушбу Қўлланма барча мувофиқ давлат ва нодавлат субъектларини ўз ичига олган ва жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган одамлар савдоси жабрланувчисини ҳимоя қилиш механизмини яратиш учун концептуал доираларни белгилайди. Демократик ривожланишнинг асосларидан бири сифатида, фуқаролик жамияти муваффақиятли фаолият юритувчи ЖҚЙМларни яратишда асосий роль ўйнайди. НДТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа субъектлари кўпинча инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишнинг анъанавий соҳаларига ўз фаолиятларининг катта тажрибасини олиб келадилар. Кўпгина мамлакатларда НДТлар давлат ёрдамини ёки давлат амалга оширмаётган ижтимоий хизматларни кўрсатишдаги камчиликларни тўлдирадилар. Лекин энг муҳими улар демократлаштириш жараёнида фаол роль ўйнайдилар, чунки улар давлат тузилмаларига нисбатан вазминлик ва мувозанатлаштириш тизимини ифода этадилар, шунингдек демократик институтларни қуриш ислоҳотлари ва жараёни мониторингини ўтказадилар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатнинг ўз халқаро мажбуриятларини тўлиқроқ бажаришига кўмак берадилар[9]. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти жабрланувчилар ҳимоясининг самарали механизмларини яратиш ва уларнинг фаолият олиб боришини таъминлашда ёрдам бериши мумкин. Фуқаролик жамияти субъектлари ЖҚЙМ орқали фаолият олиб борар экан, улар ЖҚЙМга нисбатан ўз мулкининг бир қисми сифатида маъсулиятли ва алоқадор бўлишлари лозим.

Асосий вазифаларидан бири жамият ва ҳокимият органларини ўқитиш орқали одамлар савдоси тўғрисидаги тасаввурларини ўзгартиришдан иборатдир. Бунинг моҳияти уюшган жиноятчилик ва ноқонуний миграция ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги туфай-

8 Barbara Limanowska, *Trafficking in Human Beings in Southeastern Europe: Current Situation and Responses to Trafficking in Human Beings in Albania, Bosnia and Herzegovina, Bulgaria, Croatia, the Federal Republic of Yugoslavia, the Former Yugoslav Republic of Macedonia, Moldova, Romania* (ДИИҲБ/ЮНИСЕФ/БМТИҲБК, 2002 й.), XIII бет.

9 Янги Европа учун ЕХҲКнинг Париж хартияси: "Биз (иштирокчи-давлатлар) ЕХҲКнинг мақсадларига эришишда нодавлат ташкилотлар, диний ва бошқа гуруҳларнинг … муҳим ўрни ҳақида эслатиб ўтамиз… (…) Ўз муҳим вазифаларини бажариш учун ушбу ташкилотлар, гуруҳлар ва алоҳида шахслар мувофиқ тарзда ЕХҲК фаолиятига ва янги тузилмаларига жалб этилган бўлишлари керак", 1990 й.

ли миллий хавфсизликка таҳдидга оид ҳолатни ушбу жабрланувчиларнинг инсон ҳуқуқлари жиддий бузилиши ҳодисаси сифатида тушунишга ўзгартиришдир[10]. ЕХҲТ ҳудуди мамлакатларида бундай ҳаракатларни доимо қўллаш зарурдир. Ушбу тадбирда фуқаролик жамияти ўз тажрибаси, малакаси, янги ёндашувлари билан давлат тузилмалари ҳаракатини тўлдириши мумкин. Шу билан бирга келиб чиқиш, транзит ёки олиб бориш мамлакатлари қаерда бўлишидан қатъий назар, ЖҚЙМ яратилаётган ёки қўллаб-қувватланаётган вазиятда халқаро алоқалар ва тармоқларни қўллаш лозим.

2. ЖҚЙМни амалга ошириш тамойиллари ва ижобий амалиёт

Қуйида ЖҚЙМларни яратишда қўлланилиши зарур бўлган 10 тамойил ва ижобий амалиёт келтирилган:

1 Одамлар савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш одамлар савдосига қарши қўлланиладиган барча чораларда бирламчи вазифа бўлиши лозим.

“Одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқлари одамлар савдосини олдини олишга, у билан курашишга, жабрланувчиларни ҳимоя қилишга, уларга ёрдам беришга ва маблағларининг қопланишига қаратилган барча ҳаракатлар марказида бўлиши керак”[11].

Инсон ҳуқуқлари бўйича кўпгина амалдаги чоралар, декларациялар ва битимларнинг мавжудлигига қарамай амалиётда одамлар савдоси муаммосининг ҳал этилиши тарзи кўпгина инсон ҳуқуқлари тамойилларини бузиш ҳисобланади. Уларни куч билан ушлаб турган кишилардан озод этгандан сўнг, одамлар савдоси жабрланувчилари кўпинча ҳибсда сақлаб туриш марказларига ёки қамоққа жойлаштириладилар. Уларни ортиқча кечинмалар билан боғлиқ бўлган тиббий тестлардан ўтишга мажбур этишлари мумкин. Уларнинг исмлари ва улар тўғрисидаги шахсий маълумот олиб бориш мамлакатларида сақланиши ва келиб чиқиш мамлакатлар ҳокимиятларига берилиши мумкин. Шунингдек улар тўғрисидаги шахсий маълумот полиция ёки иммиграциянинг бошқарув органларининг назорат рўйхатларида ҳам жойлаштирилиши мумкин (бу рўйхатлар тўғрисидаги маълумот, шунингдек, чет элга ҳам юборилиши мумкин) ва бу нарса жабрланувчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун келгусида тўсқинликлар яратиш эҳтимоли мавжуд. Кўпинча одамлар савдоси жабрланувчиларини олиб бориш мамлакатларидан чиқариб юборадилар; гоҳида бу чораларга амал қилинмаган ҳолда содир этилади. Ушбу барча омиллар одамлар савдоси жабрланувчиларини жиноят жабрланувчилари сифатида эмас, балки жиноятчилар сифатида қаралиши давом этаётганлигини кўрсатади.

---

[10] ЕХҲТнинг Европа хавфсизлиги хартияси, Истамбул, 1999 й., 19-параграф: “Биз (иштирокчи-давлатлар) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар, демократия ва қонун устуворлиги ЕХҲТ қабул қилган хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясида марказий ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлаймиз”.

[11] БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари (БМТИҲБК): “Инсон ҳуқуқлари ва одамлар савдоси тўғрисидаги масала бўйича таклиф этилган тамойиллар ва бошқарув қоидалари” (2002 й. май), Тамойиллар, 1-модда.

Одамлар савдоси жабрланувчилари жиноий ишлар бўйича гувоҳлар сифатида такроран жароҳатларга дуч келишлари мумкин, чунки улар аноним кўрсатмалар бермай, ҳимоясиз ҳолатда жиноятчилар олдида ўз азоб-уқубатларини қайтадан тасвирлаб беришлари лозим. Уларга кўпинча меҳнат қилиш ёки таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини рад этадилар. Бу ҳолат узоқ йиллар давом этиши мумкин бўлган жиноий жараёнларда гувоҳ сифатида иштирок этаётганларда ҳам юз беради.

Келиб чиқиш мамлакатларида улар суд жараёнларининг объектларига айланишлари мумкин. Улар олиб бориш мамлакатларининг чегарасидан ноқонуний равишда ўтганлари сабабли кўп вақтларда уларнинг паспортларида ушбу мамлакатлар ҳудудига киришни таъқиқловчи муҳр мавжуд бўлади. Кўпгина мамлакатларда уларни фоҳишабозлик учун жиноий ёки маъмурий жавобгарликка жалб қилишлари мумкин. Одамлар савдоси жабрланувчилари, айниқса фоҳиша сифатида эксплуатация қилинганлар, ўз мамлакатларига қайтганларидан сўнг, кўпинча кўп вақтларда, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан яккаланиб қолган жабрланувчиларга айланадилар.

Одамлар савдогарларини жиноий таъқиб қилиш билан шуғулланувчи ҳокимият органлари, кўпинча одамлар савдоси жабрланувчиларини фақатгина потенциал гувоҳлар сифатида қарайдилар. Бироқ бундай ёндашув одамлар савдоси жабрланувчисининг ҳуқуқларига таъсир қилиши керак эмас. Одамлар савдосининг ҳар бир жабрланувчиси ҳеч қандай тазйиқсиз тергов органлари билан ҳамкорлик қилиш қилмасликни ҳал этиш имкониятига эга бўлиши лозим[12]. Одамлар савдосини жиноий таъқиб қилиш жараёнида одамлар савдоси жабрланувчисига айланган кишининг инсон ҳуқуқларига доимо риоя қилиш, шунингдек унинг танлов эркинлигини ҳурмат қилиш лозим.

2 Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича инфратузилма одамлар савдосининг турли шаклларига дарҳол жавоб бериш имкониятига эга бўлиши учун одамлар савдосининг кенг тушунчасига асосланиши лозим.

Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколида “одамлар савдоси” тушунчаси мавжуд. Унда ўз иродасига қарши мамлакатлар чегараларида ёки чет элга сотилаётган ва эксплуатациянинг турли шаклларига дучор этилаётган аёллар, эркаклар ва болалар тўғрисида сўз юритилади[13]. Протокол одамлар савдоси мамлакат ичкарисида амалга оширилиши мумкинлиги, шунингдек қонун томонидан ҳимоя қилинмаган ва тартибга солинмаган меҳнат шаклларида ишлашга мажбур қилган ҳолда одамларни эксплуатация қилинаётганлигига эътиборини қаратади.

12 Ўша жойда, Тамойиллар, 8-модда.

13 5-изоҳга қаранг, Одамлар савдоси тўғрисидаги Протокол, 3(а)-модда: “Одамлар савдоси” инсонлардан фойдаланиш мақсадида амалга оширилиб, куч ишлатиш, қўрқитиш ёки уни қўллаш ёҳуд мажбурлаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистъемол қилиш, вазиятнинг заифлигидан фойдаланиш ёки бошқа шахс назорат қилаётган кишининг розилигини олиш мақсадида тўлов ёки фойда кўринишида пора эвазига оғдириб олиш йўллари билан одамларни ёллаш, олиб ўтиш, бериб юбориш, яшириш ёки эга бўлишни билдиради. “Эксплуатация” кам деганда бошқа шахслардан фоҳишалик ёки жинсий мақсадда фойдаланишнинг бошқа шакллари эксплуатациясини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка хос анъаналарни, эрксизлик ҳолатлари ёҳуд инсон аъзоларини ажратиб олишни ўз ичига олади”.

Кўпгина Европа мамлакатларидаги одамлар савдосига қарши курашиш бўйича тузилмалар асосий эътиборни одамлар савдосининг аёл жабрланувчиларига қаратадилар ва баъзида фақатгина жинсий қуллик жабрланувчилари билан чекланишлари мумкин. Бошқа томондан АҚШда мажбурий меҳнат учун, масалан, тўқима саноати учун сотилаётган одамларга нисбатан ҳимоя чоралари ҳам қўлланилади[14]. Шундай қилиб, одамлар савдосининг кўпгина шакллари шу кўринишда тан олинмайди, чунки жабрланувчи ҳимояси билан шуғулланувчи тузилмалар, шунингдек давлат органлари ходимлари олаётган таълим моҳияти жабрланувчиларнинг фақатгина битта мақсад гуруҳига, масалан, чет элликларга ёки аёлларга эътиборни қаратади.

Шундай қилиб, одамлар савдосига қарши курашиш бўйича инфратузилма ушбу дамдаги одамлар савдосининг номаълум ҳолатларини аниқлай олиш ва мувофиқ тарзда уларга жавоб бера олиш мақсадида мослушувчан ва фаол бўлиши лозим.

3 Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар одамлар савдоси жабрланувчиларининг барча тоифалари учун имкониятли бўлиши керак.

Одамлар савдоси бўйича БМТ Протоколининг “одамлар савдоси” тушунчасида аёллар, эркаклар ва болалар ҳам мамлакат ичкарисида жабрланувчиларга айланадилар, ҳам турли эксплуатацияларга дучор этилган ҳолда давлат чегарасидан олиб чиқиладилар. Бундай ҳолат ЖҚЙМ қисми ҳисобланган ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни кенг қамровда ташкиллаштиришни талаб этади (IV бўлимдаги 3 *Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларга* қаранг).

Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларга бўлган имконият мувофиқ давлат тузилмалари ва НДТлар ёрдамида енгиллаштирилиши керак. Одамлар савдоси жабрланувчиси уни жабрланувчи деб ҳисоблашга асос яратувчи шароитларда озод этилганда, ҳамда ёрдам ва ҳимояни тақдим қилишнинг мувофиқ хизматларидан фойдаланишга юбориш мақсадида ушбу одамга аввал бошидан одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси сифатида қараш лозим. Бу шундайдир, чунки ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича профессионал хизматларсиз жабрланувчининг аниқ идентификацияси ва жиноятни ташкил этган воқеалар тўғрисидаги унинг маълумотларига эришишнинг имконияти мавжуд эмас. Бошдан кечирилган руҳий жароҳат, жиноятчиларнинг ўз турган жойларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган жиноятнинг мураккаб табиати ва унинг содир этилган жойи туфайли юз берган воқеаларни тинч ҳолатда фикрлаб кўриш мақсадида одамлар савдоси жабрланувчисига вақт бериш лозим.

---

[14] Ҳудуддаги давлатларда одамлар савдосига қарши курашиш бўйича мавжуд инфратузилма ушбу мамлакатларда одамлар савдоси ҳолати нимани ифодалаши тўғрисида аниқ хулосалар қилишга имкон яратмайди. Турли ҳудудларда одамлар савдосининг ҳар хил кўринишлари тўғрисида аниқ таърифни олишга имконият яратувчи солиштирув эмпирик маълумотлар мавжуд эмас. Кўпгина мамлакатларда одамлар савдосига қарши курашиш бўйича мавжуд инфратузилма мамлакатнинг амалдаги жиноят кодексида берилган одамлар савдосининг ҳуқуқий тушунчаси доирасида ташкиллаштирилади. Масалан, Германия ва Швецияда одамлар савдосининг мақсади фақатгина жинсий эксплуатация деб таърифланади.

Сўнгра, одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси барқарорлашиши даври бошланади ва бу нарса у нимани бошидан кечирганлигини аниқлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Ушбу жараён давомида одамлар савдоси жабрланувчилари жиноий ишда гувоҳ сифатида қатнашишини хоҳлашлари тўғрисидаги англаб етилган қарорни қабул қилишлари мумкин. Бироқ, агар улар жиноий иш бўйича гувоҳ бўлишга розилик билдирмасалар, бу нарса уларга ёрдам беришни рад этиш учун асос бўла олмайди.

4 Ҳимоя қилиш механизми ҳар бир шахснинг ўзига хос эҳтиёжларига мувофиқ келувчи қатор махсус хизматларни ўз ичига олиши керак.

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсоний қадр-қимматини тан олиш ва уларнинг жиноятчи эмас эканликларини, балки жабрланувчи эканликларини тушунишдаги асосий босқич уларнинг яшаш учун жой, махсус тиббий ва психологик ёрдам, маслаҳатлар олиш, узоқ муддатли ёрдам ва меҳнат қилиш ҳуқуқи, ўқиш ёки профессионал таълим олишни давом эттиришдан фойдаланиш имкониятларини тақдим қилишдир[15].

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига бошпана кўпинча тақдим этадиган ягона марказий жой полиция томонидан сўроқларни ўтказиш жойи сифатида ҳам қўлланилади. Ушбу жойда кўпинча тиббий ва психологик ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин. Бу нарса одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари ўз шахсий ҳаётларини бошқариш ҳиссиётини қайтара олишларини, шунингдек улар олиб бориш мамлакатида эга бўлган мақоми натижасида вужудга келган ҳаракатланишдаги чекловлар ёки хавфсизлик мулоҳазалари туфайли қўриқланаётган марказ ҳудудидан ташқарига чиқа олмасликни билдириши мумкин.

ЖҚЙМ доирасидаги ҳимоя бўйича барча чораларда, одамлар савдоси жабрланувчилари турли ҳаётий тажриба ва эҳтиёжларга эга эканликларини тушуниб етиш аниқ белгиланиши керак. Турли гуруҳ жабрланувчиларининг ҳар хил ҳаётий тажрибаси қатор маслаҳатлар ва хизматларнинг мутлақ заруриятини келтириб чиқаради. Мамлакат ичкарисида одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган кўпгина одамларга, масалан, қўриқланувчи яшаш учун жойни тақдим қилиши талаб этилмайди, чунки уларда яшаш жойлари мавжуд. Ушбу гуруҳ жабрланувчиларининг шахсий эҳтиёжларига мувофиқ равишда ёрдам кўрсатилиши ва ушбу ёрдам жабрланганларга фақатгина ихтиёрий асосда тақдим этилиши мақсадида бундай одамларга етарли даражада мослашувчан психологик ва тиббий ёрдам ташкиллаштирилиши лозим.

[15] 11-изоҳга қаранг, БМТИҲБКнинг тавсия этган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, Тамойиллар, 8-модда; 2-изоҳга қаранг, Одамлар савдосига қарши курашиш, 9-модда; 3-изоҳга қаранг, Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ЕХҲТнинг Ҳаракатлар дастури; Angelika Kartusch, *Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми* (ЕХҲТ/ДИИҲБ, Варшава, 2001 й.), 92-бет.

5 Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизмлари муваффақиятли жиноий таъқибни кафолатлашга ёрдам бериши мумкин.

Ғарбий Европа мамлакатларининг тажрибаси кўрсатишича, НДТлар ҳамкорлигида яратилган кенг қамровли ЖҚЙМлар мавжуд мамлакатларда жиноятларнининг муваффақиятли тергов қилиниши миқдори кўпаяди[16]. Ушбу вазиятларда таъсир кўрсатувчи асосий омиллар одамлар савдоси жабрланувчиларининг тергов ўтказаётган органлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги англаб етилган қарорларидир. Сўроқларни ўтказишда ва ойлар ёки йиллар давом этиши мумкин бўлган суд жараёнлари даврида профессионал, ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш жабрланувчи-гувоҳ ҳолатини барқарорлаштиришга олиб келади. Энг мақбул тарзда бундай ёрдам НДТлар билан яқин ҳамкорликда берилиши керак[17]. Шунингдек, жабрланувчи-гувоҳ фуқаролик даъвосини бериш имконияти тўғрисида ҳам хабардор этилиши лозим[18].

6 Одамлар савдосига қарши кураш кенг тармоқли ва соҳалараро ёндашувни талаб қилади ва уни амалга оширишда ҳокимият органлари ва фуқаролик жамиятининг барча мувофиқ субъектлари иштирок этиши лозим.

Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича чоралар кўпгина жиҳатларга таянувчи стратегияларни талаб қилади, масалан, ички хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича, миграция, инсон ҳуқуқлари, жиноятчиликни олдини олиш бўйича сиёсат. Муаммони ҳал қилиш жараёнида турли давлат тузилмалари ва НДТлар турли хил далилларга асосланган ҳолда турли хулосаларга келишлари мумкин. БМТ ташаббуси бўйича ўтказилган глобал тадқиқотда шундай хулоса қилинган:

> “Кўпгина мавжуд стратегиялардан олтита асосий ёндашувни белгилаш мумкин: одамлар савдоси… аҳлоқий муаммо, (уюшган) жиноятчилик муаммоси, миграция билан боғлиқ муаммо, жамоат тартиби муаммоси, меҳнат муносабатлари муаммоси ва инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида.
>
> Ушбу ёндашувларнинг ҳар бирида стратегияларнинг икки андозасини белгилаш мумкин: жиноятчилик ёки ноқонуний миграция каби “номақбул аҳлоқни” бостиришга йўналтирилган жазолаш стратегияси; шунингдек, асосан НДТлар томонидан фойдаланиладиган ва аёлларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ўрнини жамиятда кучайтиришга асосланган потенциалини ошириш бўйича стратегиялардир.
>
> Жазолаш стратегиялари жуда аҳамиятли бўла олишига қарамай, улар аёлларга қарши қаратилишининг катта хавфи мавжуд, масалан, уларнинг ҳаракатланиш

16 Германиянинг Федерал жиноий полицияси, *Trafficking in Human Beings 2002* (Висбаден, 2003 й.), 3-бет.
17 11-изоҳга қаранг, БМТИҲБКнинг тавсия этган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, Бошқарув тамойиллари 3, 7-модда.
18 Ўша жойда, Бошқарув тамойиллари 4, 9-модда.

эркинлигини чеклаши ёки аёллар учун тааллуқли ҳимояни таъминламай уюшган жиноятчиликка қарши гувоҳ сифатида улардан фойдаланиши мумкин"[19].

Миллий даражада кенг тармоқли ишчи гуруҳларини ташкиллаштириш ушбу икки андозанинг тўқнаш келишини олдини олишига ва "инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув" ва "ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёндашуви" ўртасидаги эҳтимолий ихтилофни четлаб ўтишга ёрдам бериши мумкин. Фуқаролик жамиятининг ушбу жараёндаги иштироки одамлар савдосига қарши чораларни қўллаш вақтида инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши назоратини амалга оширишга имкон яратади. Шунингдек, кенг тармоқли ишчи гуруҳлари одамлар савдосига қарши курашиш бўйича кўпгина жиҳатларга таянган чораларни ишлаб чиқишга имкон яратувчи тажрибага эга бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасдир.

ЖҚЙМ доирасида ишлаб чиқилган ҳар бир тузилма ва жараён инсон ҳуқуқлари нуқтаий назаридан мониторингни ва баҳолашни ўз ичига олиши керак. Бундай мониторинг ва баҳолаш пойдевор сифатида хизмат қилиши ва унинг асосида ўзгаришлар ва яхшиланишларни ташаббус этиш мумкин.

7 Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича тузилма баҳолашни амалга ошириши ва алоҳида давлатларнинг ҳақиқий имкониятларига асосланиши керак ва бу тузилманинг барқарор ривожланишига ва унга мансублилик ҳиссиётини рағбатлантиришга кўмак бериши лозим.

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини самарали таъминлаш ва келгусида барқарор бўлиш учун ЖҚЙМ мамлакатда мавжуд тузилмаларга, яъни давлат органлари ва фуқаролик жамиятига асосланиши керак. Бундай ёндашув давлатдаги манфаатдор тузилмаларнинг фаолият юритувчи тармоқларини яратишни кафолатлашга ва ЖҚЙМ халқаро андозаларни ва алоҳида мамлакатларнинг мажбуриятларини эътиборга олиши учун шароитларни таъминлашга ёрдам беради.

ЖҚЙМ яратилишининг дастлабки босқичида ташқи субъектлар, масалан халқаро ташкилотлар ёрдам беришса ҳам, энг бошидан шуни тушуниш лозимки, ЖҚЙМлар одамлар савдосига қарши курашишдан манфаатдор бўлган миллий субъектларга тегишли бўлади. Миллий субектлар ЖҚЙМни режалаштириш ва яратишнинг барча босқичларига жалб қилинган бўлишлари, уларнинг фикирлари ва хавотирлари қарор қабул қилишнинг барча босқичларида тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

ЖҚЙМ фаолиятидаги биринчи босқич мавжуд инфратузилма, жумладан давлат тузилмалари, қонунчилик органлари, шунингдек НДТларни баҳоланишини ўтказишдир. ЖҚЙМ фаолиятининг стратегияси мавжуд тузилмалар билан ўзаро муносабатда бўлиши ва уларга асосланиши лозим.

[19] Marjan Wijers, Lin Lap-Chew, *Trafficking in Women, Forced Labour and Slavery-like Practices in Marriage, Domestic Labour and Prostitution* (Утрехт, 1997 й.), 156-бет.

Одамлар савдоси асосан халқаро ҳолат сифатида тушунилади ва кўпинча у билан курашиш стратегияси миллий ва маҳаллий даражаларда маслаҳатларсиз халқаро ташкилотлар томонидан яратилади ва амалга оширилади. Бироқ, одамлар савдосига қарши курашишнинг узоқ муддатли ва барқарор стратегияси мавжуд миллий ва маҳаллий тузилмалар билан яқин ҳамкорликка асосланиши керак. Бу халқаро ташкилотлар ўз фаолиятини бажарганидан сўнг, ушбу тузилмаларнинг ЖҚЙМга нисбатан эгалик ҳиссиётини ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши лозим. Ушбу ёндашув маблағларни сарфлаш нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади, чунки халқаро субъектлар томонидан кўрилаётган чораларга миллий ва маҳаллий тузилмаларнинг доимий ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар билан таққослаганда кўпроқ маблағ сарф этилади.

8 ЖҚЙМнинг бошқарув тамойиллари барча жалб этилган субъектларнинг турли миссиялари билан мувофиқ равишда маъсулият ва ваколатларининг очиқ-ойдин ва аниқ тақсимланишини ўз ичига олиши лозим.

Турли субъектлар ваколатлари ва маъсулият доираларининг аниқ тақсимланиши мавжудлигида улар орасидаги ҳамкорлик самаралироқ бўлади. Турли ёндашувлар, мақсадлар ва ваколатларга асосланган кенг қамровли тузилма барча иштирокчилар томонидан аниқ белгиланган ва тан олингандагина узоқ муддатли ривожланиш самарали бўлиши мумкин.

Масулиятнинг очиқ-ойдинлиги ва аниқ тақсимланиши одамлар савдоси жабрланувчиларига профессионал ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Жабрланувчилар муносабатда бўлувчи институтларнинг қандай мақсадлар ва ваколатларга эга эканликлари тўғрисида доимо хабардор қилинишлари керак. Бундан ташқари, одамлар савдоси жабрланувчисига жиноий терговда эҳтимолдаги гувоҳлик кўрсатмаларини бериш оқибатлари тўғрисидаги маълумотни етказиш лозимдир. Бу очиқ-ойдин маълумот бериш сиёсати жабрланувчиларнинг бошпаналарда яшашлари давомида, шунингдек улар фойдаланаётган бошқа хизматлар муносабатида ҳам қўлланилиши зарур.

9 ЖҚЙМ одамлар савдосига қарши курашиш ва одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш бўйича самарали ҳудудий ва халқаро ҳамкорликнинг асоси ҳисобланади.

Халқаро ҳамкорлик одамлар савдосига карши курашишда ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга кўмак бериш учун яратилган миллий ва маҳаллий даражалардаги самарали тузилмаларнинг мавжудлигини талаб этади. Одамлар савдосига қарши курашишдаги муваффақиятли ва самарали халқаро ҳамкорлик шартлари ишончлилик, барқарорлик ва одамлар савдосига қарши курашиш чоралари учун маъсулият ҳисобланади. Шу сабабли одамлар савдосига қарши курашиш сиёсати тамойилларининг шакллантирилишини мамлакатнинг ўзи ташаббус этиши керакдир.

Халқаро ҳамкорлик турли мамлакатлар ЖҚЙМ тузилмалари орасидаги ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини ўз ичига олиши керак. Шундай қилиб, халқаро даражада жиноятчилик ва бошқа чегараларарро муаммоларини ҳал этиш мумкин. Халқаро ташкилотлар миллий даражада одамлар савдосига қарши курашишнинг асосий субъектлари бўлмаган ҳолда ҳукуматларга ва фуқаролик жамиятига зарур бўлган қўллаб-қувватлашни тақдим этиб энг яхши ёрдамни кўрсатадилар. Халқаро ҳамкорлик мамлакат ичкарисидаги потенциални ривожлантириш билан бир қаторда амалга оширилиши лозим.

10 ЖҚЙМни татбиқ қилиш қонунийликни ва ҳисобот беришни таъминлаш мақсадида демократлаштириш жараёнининг таркибий қисми бўлиш керак.

ЖҚЙМни яратиш ва уни татбиқ қилиш демократик институтларни қуриш жараёнининг ажралмас қисми бўлиши лозим. ЖҚЙМни татбиқ қилиш ёрдамида қонун устиворлиги тамойили мустаҳкамланади ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланади. Ушбу жараёнга инсон ресурслари ва моддий маблағлар талаб қилинадиган қўшимча ҳаракатлар сифатида эмас, балки ушбу мақсадларга эришиш йўлидаги тараққиёт сифатида қаралиши лозим. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва унинг турли жиҳатларини рағбатлантириш билан шуғулланувчи миллий субъектлар ЖҚЙМ фаолиятига кўпроқ жалб этилса, ЖҚЙМ шунчалик самаралироқ бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг хавфсизлик асоси тўғрисидаги ЕХҲТнинг нуқтаи назари билан мувофиқ равишда, ЖҚЙМ бутун ҳудуддаги хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кўмак беришда муҳим ҳисобланади[20].

[20] ЕХҲТнинг Европа хавфсизлиги хартияси, 19-параграф.

III. МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ?

1. Дастлабки баҳолаш

Самарали ЖҚЙМни таъсис этишдаги биринчи қадам мамлакатда одамлар савдоси табиати ва миқёсини кенг қамровда баҳолашини амалга оширишдир. Шунингдек, баҳолаш одамлар савдосига қарши курашиш ва одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш бўйича амалдаги чораларнинг мавжудлиги ва фаолият юритаётган тузилмаларнинг самарадорлигини эътиборга олиши лозим. Бу бўлим ушбу баҳолаш қандай амалга оширилиши кераклигини батафсил ёритади ва комплекс услубиётни таклиф қилган ҳолда қандай маълумотларни тўплашни ва уларни кимдан олишни кўрсатиб ўтади.

Самарали ЖҚЙМ тузилмаларининг ривожланиши тааллуқли вазиятни аниқ тушуниш ва баҳолаш, шароитнинг ўзига хослиги ва моҳиятини билишдан бошланади. Шунинг учун ЖҚЙМ тузилмаларини таъсис этишдаги дастлабки қадам одамлар савдосига қарши курашишнинг турли жиҳатлари билан шуғулланувчи ҳам ҳукумат тузилмаларини, ҳам НДТларни ўз ичига олган асосий манфаатдор субъектларнинг шароитларини ва имкониятларини ўрганиш мақсадидаги эҳтиёжларни баҳолаш ва вазият таҳлилини амалга оширишдир. Эҳтиёжларни баҳолаш, шунингдек, маълум мамлакатдаги қонун чиқарувчи, суд ва ижро этувчи тузилмаларда ва бошқарув органларидаги фаолиятнинг ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муҳитнинг асосий жиҳатлари эътиборга олиниши керак.

1.1 Маълумот манбалари

Эҳтиёжларни баҳолашни ва таҳлил қилишни амалга ошириш катта миқдордаги маълумотларни тўплашни талаб этади, жумладан:

- Амалга оширилаётган сиёсат таснифини ўз ичига олган ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари материаллари, НДТлар ҳисоботлари, ҳаракатлар миллий дастурлари, ҳуқуқий тизимлар таснифи каби мавжуд ҳужжатларни ўрганиш;
- Шароитлар, тузилмалар ва иштирокчиларни бевосита кузатиш;
- Маслаҳатлар;
- Сўровномалар;
- Сўровномалар ва тадқиқотлар.

Расмий ёки норасмий маслаҳатлар учрашувлар ЖҚЙМда бевосита ва билвосита иштирок этаётган (ёки иштирок этадиган) вакиллар билан ўтказилиши лозим. Бу одамлар ЖҚЙМ фаолият юритадиган вазият ва моҳият тўғрисида аниқ тушунчага эгалар.

Дастлабки баҳолашнинг асосий қисми маслаҳатлар ва хабардорликни ошириш учун таъсирга эга восита ва фойдали форум ҳисобланувчи мавзуга оид давра учрашувлари каби жамоат тадбирларини ташкиллаштириш бўлиши мумкин. Масалан, 2001 йил

апрел ойида Белградда ўтказилган ва ЕХҲТ миссияси томонидан Югославия Федерал Республикасида (ЮФР) амалга оширилган одамлар савдоси масалалари бўйича давра учрашуви ушбу соҳада фаолият юритувчи ҳукумат ва нодавлат тузилмалари, шунингдек халқаро ташкилотлар вакилларини баҳолашни амалга ошириш учун тўплади. Ушбу баҳолаш асосида ЕХҲТ ва бошқа иштирокчилар ЮФРда одамлар савдосига қарши курашиш жараёнидаги ўз ўринларини юқори даражада аниқлай олдилар.

Сўровномалар ва қисқа сўровлар фаолиятни ва тўпланилаётган маълумотлар миқдорини тизимлаштиришга ёрдам беради. Улар, шунингдек, фойдали ва нисбий миқдорий маълумотларни тақдим этиши мумкин. Сўровномалар мақсад гуруҳлари, шунингдек ўз вакиллари орасида тарқатиш мақсадида мувофиқ иштирокчилар, тузилмалар ва ташкилотларга юборилиши, суҳбат ўтказиш учун намуна сифатида хизмат қилиши ёки учрашув дастурларини ишлаб чиқиш учун қўлланилиши мумкин.

1.2. Баҳолашни амалга оширишнинг умумий бошқарув тамойиллари

Комплекс баҳолаш ЖҚЙМнинг имкониятдаги таркибий қисмларини аниқлаш учун восита сифатида ёки қайта йўллаш тизими мавжуд бўлган ҳолатларда, амалдаги тизимнинг тўсиқлари ва камчиликларини аниқлаш воситаси сифатида қаралиши лозим. Бундай натижага эришиш учун ушбу Қўлланма қуйида берилган бошқарув тамойилларини сўзсиз ҳисобга олишни таклиф этади.

Ҳукумат тузилмалари ва НДТлар учун ижобий амалиёт ЖҚЙМларни яратишдан бевосита манфаатдор бўлган ва уларнинг потенциал иштирокчилари ҳисобланган маҳаллий бошқарув тузилмалари ва фуқаровий жамият вакиллари билан ҳамкорликда баҳолашни ташаббус этиш ва амалга оширишдан иборатдир. Шунингдек, давлат тузилмалари баҳолаш жараёнини амалга оширишни ташқи иштирокчига, масалан, ушбу соҳада мувофиқ тажрибага эга бирор бир тадқиқот институтига топшириши мумкин.

Баъзи мамлакатларда ташқи иштирокчилар, жумладан жойлардаги ЕХҲТ ваколатхоналари бундай баҳолашни амалга оширишлари мумкин. Бироқ, бундай ҳолатларда ташқи иштирокчилар ўз муносабатлари ва хулқ-атворларида доимо ҳурматни, холисликни, хушмуомалаликни, мамлакатдаги маданий, сиёсий ва ижтимоий шароитларга бўлган ҳурматни намоён этишлари лозим.

Дастлабки таҳлилни амалга оширгандан сўнг унинг натижалари шарҳларни олиш ва муҳокама қилиш учун ҳам ҳукумат, ҳам нодавлат тузилмаларидаги мувофиқ миллий иштирокчиларга тақдим этилиши керак. Бу айниқса баҳолаш ташқи иштирокчилар ёки халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган ҳолатларда муҳимдир. Шундай қилиб, баҳолаш услубиёти мавжуд эҳтиёжлар ва муаммоларнинг барча манфаатдор тарафлар томонидан аниқ ва умумий тушунилишига ёрдам беришни ўз олдига мақ-

сад қилиб қўяди. Бунга барча имкониятдаги иштирокчиларни ўз ичига олиши мумкин бўлган ҳамкорлик ёки иштирокка асосланган ёндашувни қўллаган ҳолда, шунингдек таҳлил ва баҳолашнинг ўзаро фаол услубларидан фойдаланиш ва ушбу жараённинг натижаларини очиқ-ойдин кўриб чиқиш ёрдамида эришиш мумкин.

Одамлар савдосига қарши курашиш – комплекс ва узоқ жараёндир. Унинг баъзи жиҳатлари тез ҳал бўлмайди ва узоқ муддатли келгусида бардошлик ва содиқликни талаб этади. Бироқ, айни вақтда жараёнга қатор тузилмаларнинг жалб этилиши эски услублардан фарқ қилувчи муаммонинг замонавий қарорларини қўллашга, ҳамкорлик ва гуруҳдаги фаолиятга асосланган ёндашувларни мустаҳкамлашга имкон яратади.

Баҳолашни амалга ошириш учун маълумотларни тўплашни бошлашдан аввал қуйидаги матнда келтирилган мисолларга асосланиши мумкин бўлган аниқ чегараларни ва сўровномаларни ишлаб чиқиш зарур. Бундай чегараларнинг мавжудлиги маълумотларнинг келгусидаги қайта ишланиши ва таҳлилига ёрдам бериши керак.

Статистика, ҳисоботлар тадқиқотлар натижалари, сўровлар, мувофиқ қонунчилик, битимлар ёки (федерал, миллий, ҳудудий ёки маҳаллий даражадаги) бошқа маълумотлар каби ўрганилаётган мамлакат тўғрисидаги асосий маълумотларни тўплаш баҳолашни амалга ошириш жараёнидаги дастлабки қадамлардан бири ҳисобланиши керак. Бироқ барча нашрлар орқасида турган муаллифлар ёки ташкилотларнинг ишончлилигига жиддий эътибор бериш жуда муҳимдир.

1.3. Кутилаётган натижа

Баҳолаш ЖҚЙМнинг яратилиши учун асосларнинг ва шароитларнинг аниқ тушунчасини ва қандай тузилма ЖҚЙМ учун энг самарали бўлиши тўғрисидаги маълумотни бериши керак. Бундан ташқари, баҳолаш натижалари ЖҚЙМ тузилмасига жалб этилиши мумкин бўлган иштирокчиларнинг тажрибаси ва имконияти тўғрисида умумий тасаввурни бериши лозим. Шунингдек, баҳолаш натижалари одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллашнинг мавжуд тадбирларини ўзгартириш ёки мустаҳкамлаш бўйича, ҳамда мамлакат миллий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларига мослаштирилган жабрланувчилар қайта йўлланишининг турли ва такомиллашган механизми тўғрисидаги янги ғояларни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатларни ўз ичига олиши зарур.

Ушбу мақсадларга эришиш учун барча маълумотлар маҳаллий манфаатдор субъектлар ва яратилувчи ЖҚЙМнинг потенциал иштирокчилари билан яқин ҳамкорликда тўпланиши ва таҳлил этилиши керак. Маҳаллий ҳамкорлар баҳолаш жараёнининг барча босқичларига: баҳолашни амалга ошириш тўғрисидаги қарордан уни ишлаб чиққунча, маълумотларни тўплаш, маълумотларни таҳлил қилиш, уларни текшириш, тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқиш ва ЖҚЙМ лойиҳасини тузиш босқичларига тўлиқ равишда жалб этилиши лозим. Ушбу жараённинг вазифалари ва мақсадлари бўйича

ўзаро келишувга эришиш лозим. Фақатгина шу ҳолатда якуний мақсадга, яъни мавжуд ЖҚЙМларни яхшилашга ёки янги ЖҚЙМларни тузишга ва бу билан келгусида уларнинг барқарор ривожини кафолатлашга эришиш мумкин. Демократик институтларни қуришнинг ҳар қандай жараёни каби ЖҚЙМларнинг мувафақиятли барқарор фаолияти учун унга жалб этилган барча суъбектларнинг иштироки ва ташкилот олдидаги маъсулият ҳисси зарурдир.

1.4. Баҳолашнинг таркибий қисмлари

Вазиятни баҳолаш жараёни икки қисмга бўлинади:

- ➔ Умумий вазиятни ва эҳтиёжларни баҳолаш; ва
- ➔ Яратилувчи ЖҚЙМлардаги тузилмалар ва потенциал иштирокнинг таҳлили.

Иштирок таҳлили ЖҚЙМнинг келгусидаги тузилмасига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи барча иштирокчиларни ўз ичига олади.

1.5. Вазият ва эҳтиёжларни баҳолаш

Мавжуд маълумотлар ва статистика тадқиқоти

“Тирик” иштирокчиларни жалб қилишни назарда тутувчи маълумотларни тўплашдан аввал, маълум мамлакатда жабрланувчини ҳимоя қилиш масаласи бўйича қандай умумий маълумотлар ва далиллар мавжудлигини аниқлаш муҳимдир. Дастлабки тадқиқ-

от аввал ўтказилган бўлиши мумкин[21]. Статистика тадқиқотлари натижалари ёки аниқ ишлар таҳлили мисоллари мавжуд бўлиши мумкин. Бошқа қўшимча иштирокчиларни жалб қилгунча материаллар маълумотларини ўрганиш жуда муҳим жиҳат ҳисобланади.

Баҳолашни амалга оширувчиларнинг институтциявий тизим тўғрисидаги билимлари даражасига қараб қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганиш зарурдир:

- Миллий даражадаги ҳокимият тузилмаси ва унинг ресурслари;
- Миллий қонунчилик (одамлар савдосига қарши курашиш, иммиграция, жиноий соҳаларидаги қонунчиликка, виза режими тўғрисидаги қоидаларга, юридик ёрдам олиш имкониятига ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилиши лозим);
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва уларнинг ресурслари;
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ратификация қилинган халқаро шартномалар ва мувофиқ механизмлар;
- Халқаро ташкилотлардаги аъзолик;
- Бандлик ва ишчи кучи миграцияси бўйича статистика (жинсий мансублик, ёш ва этник келиб чиқишга мувофиқ равишда);
- Ижтимоий хизмат кўрсатишга ажратилган ресурслар тўғрисида маълумотлар, айниқса соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида;
- Қашшоқликнинг расмий даражаси, маошлар тўғрисида статиска ва ички ялпи маҳсулот каби макроиқтисодий кўрсаткичлар;
- Диний ва ижтимоий қарашлар ва одатлар тўғрисида маълумот;
- Асосий келиб чиқиш мамлакатларидаги шароитлар тўғрисида (олиб бориш мамлакатлари учун) маълумот;
- БМТнинг шартнома органларига тақдим қилинувчи давлатлар ҳисоботлари[22];
- БМТ шартномаларини кузатиб борувчи органларга НДТлар ва бошқа тузилмалар томонидан тақдим қилинадиган "норасмий ҳисоботлар";
- Ўрганилаётган мамлакатнинг одамлар савдоси, у билан курашиш бўйича чоралар, мигрантларга нисбатан зўравонлик мавзуларидаги, ишчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар халқаро НДТлар, тадқиқот марказлари, университетлар ёки олимлар томонидан тайёрланган ҳисоботлар, баҳолашлар ёки бошқа мувофиқ нашрлар.

Мамлакатда вазиятни ўрганиш

Кўпгина мамлакатларда жабрланувчиларни қайта йўллаш тизими шу вақтгача яратилмаган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда баҳолаш бирламчи даражада бошланиши керак ва қуйидаги масалаларга эътибор берилиши лозим:

---

21 8-изоҳга қаранг, Limanowska.

22 Масалан, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактларга мувофиқ равишда тузилган шартнома асосидаги органлар.

- Одамлар савдоси муаммоси тўғрисида ҳукумат тузилмалари ва НДТларнинг хабардорлик даражаси;
- Ушбу муаммо ечимини тартибга солувчи қонунчиликнинг мавжудлиги ва ушбу қонунчиликнинг мувофиқлик даражаси;
- Ҳукумат тузилмалари ва НДТлар орасида одамлар савдосига қарши курашиш масаласи бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш учун идоралараро ҳукумат битимларини ёки бошқарув тамойилларини яратиш тўғрисидаги ташаббусларнинг мавжудлиги;
- Одамлар савдосига қарши курашиш ва одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам бериш учун ҳукумат томонидан кўрсатилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш даражаси.

Одамлар савдосига қарши курашиш чораларини амалга ошираётганда, давлат олдини олиш, ҳимоя қилиш ва суд таъқибини ўз ичига олган ёндашувдан фойдаланиши лозим[23]. Бу ёндашув шундан иборатки, турли мамлакатларда одамлар савдоси муаммоси турли нуқтаи назарлардан қаралади. Ушбу муаммо уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция, фоҳишабозлик ёки инсон ҳуқуқларини бузиш ҳисоблансада, давлатлар ушбу муаммонинг барча жиҳатларини ҳисобга олишлари лозим. Муаммонинг турли талқин қилинувчи қисми – бу ишчи кучи миграциясининг одамлар савдосидан фарқидир[24]. Бу ерда бошқа мамлакатларга иқтисодий миграция килиш ёки одамларни контрабанда йўли билан олиб ўтишдан фарқли равишда одамлар савдоси мажбурлаш, алдаш ёки зўравонликнинг жиҳатларини ўз ичига олишини тушуниш муҳимдир.

Одамлар савдоси ҳодисасининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда баҳолашни бир неча умумий мулоҳазалардан бошлаш муҳимдир. Давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан дастлабки суҳбатлар давомида қуйидаги масалаларни кўтариш лозим.

1. **Мамлакатда ва жамиятда одамлар савдоси қандай қабул қилинади?**
2. **Мамлакат томонидан одамлар савдоси муаммосини ҳал этиш учун қўлланилаётган ёндашув инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз ичига оладими?**
3. **Мамлакатнинг ноқонуний миграция, одамлар контрабандаси ва одамлар савдоси муаммосига бўлган умумий ёндашув қандай?**

Одамлар савдосининг ҳар бир ҳолати индивидуал ёндашувни талаб этувчи қатор мураккаб шароитларни ўз ичига олишига қарамай, маълум мамлакатда маълум йўналишларни белгилаш имконияти мавжуд. Баҳолаш жараёнида дастлабки қадам сифатида мамлакат қайси тоифага – келиб чиқиш, транзит ёки олиб бориш мамлакатига – тегишли эканлигини аниқлаш муҳимдир. Баъзи ҳолатларда мамлакатлар бирдан ортиқ

[23] 5-изоҳга қаранг, Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколи, Преамбула; 2-изоҳга қаранг, Одамлар савдосига қарши курашиш, 3-модда; Европа Кенгаши Тавсиялари R(2000)11.
[24] 11-изоҳга қаранг, БМТИҲБКнинг тавсия этган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, 3-параграф.

тоифага тегишли бўлишини ёки бир давлатнинг чегарасида одамлар савдоси амалга оширилиши мумкинлигини ёдда тутиш муҳимдир:

1. **Келиб чиқиш мамлакати: киши одамлар савдоси жабрланувчисига айланишидан олдин яшаган мамлакат ёки ушбу шахс фуқаро бўлган мамлакат.**
2. **Олиб бориш мамлакати: киши эксплуатация мақсадида олиб борилган мамлакат.**
3. **Транзит мамлакати: киши бошқа мамлакатда эксплуатация қилиниши мақсадида олиб борилган мамлакат ёки у ватанига қайтаётганда кесиб ўтадиган мамлакат.**

Юқорида келтирилган тоифалар асосида яратилувчи ЖҚЙМнинг якуний шаклини аниқлашга ёрдам берувчи эҳтиёжларнинг дастлабки тадқиқотини ўтказиш мумкин.

Миллий иштирокчилар баҳолаш жараёнининг ушбу дастлабки босқичига киритилиши лозим. Одамлар савдосига қарши курашиш жараёнига жалб этилган миллий иштирокчилар маълумотларнинг ва махсус билимларнинг асосий манбалари бўладилар ва хулосаларнинг муҳим текширувини таъминлай олишлари мумкин. Ҳамкорликдаги иштирокка асосланган ёндашувни энг бошидан қўллаш одамлар савдоси жабрланувчилари қайта йўлланишининг барқарор механизмини якуний тарзда яратилишини таъминлашга ёрдам беради, чунки маҳаллий ҳамкорлар ёрдам кўрсатаётган тузилмаларга нисбатан манфаатдорликни ва фидокорликни ҳис этадилар. Ва ниҳоят, ушбу интеграциялашган ва ҳамкорликдаги иштирокка асосланган ёндашув миллий даражада молиялар ва бошқа зарур ресурслар ажратилиши эҳтимолини оширади.

Мавжуд воситалар ва механизмлар таҳлили

ЖҚЙМ мамлакатда мавжуд тузилмалар, ташаббуслар ва иштирокчиларга таянадилар. Шунинг учун вазият таҳлили ва эҳтиёжларни баҳолаш мавжуд воситалар ва механизмларни ўрганиши лозим. Ушбу воситалар ва механизмлар қанчалик самарали эканлигини, шунингдек улар одамлар савдосига қарши курашишга ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга қай тарзда кўмак беришини аниқлаш зарурдир. Сўнгги босқичда ушбу мавжуд механизмлар, воситалар ёки тузилмаларнинг қайсилари потенциал ЖҚЙМга киритилиши учун энг мақбул тарзда мувофиқ келишини аниқлаш лозим.

Кейинги бетда берилган сўровнома асосий саволлар рўйхатидан иборатдир ва у ЖҚЙМнинг яратилишидаги дастлабки баҳолаш ва вазиятни таҳлил қилиш доирасида ўрганилиши лозим.

Вазият таҳлили

I Сўровнома

Аниқ мамлакатнинг шароитлари ва эҳтиёжларини баҳолаш

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги воситалар

- ☐ Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мамлакат ўз мажбуриятларига қай даражада амал қилмоқда, хусусан, фикрларни ифода этиш эркинлиги ҳуқуқи, қонун олдидаги тенглик ҳуқуқи, одил судловга бўлган имконият ҳуқуқи, адолатли судга бўлган ҳуқуқ, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар масалаларида?
- ☐ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қайси халқаро воситалар мамлакатлар учун боғловчи воситалар ҳисобланади?
- ☐ Ушбу халқаро андозалар қай даражада миллий қонунчиликнинг қисми ҳисобланади? Ушбу андозалар қай даражада миллий қонунчиликка мувофиқдир?
- ☐ Ушбу мамлакат одамлар савдосига қарши курашишга алоқадор бирон-бир ҳужжатни, масалан, БМТнинг одамлар савдоси тўғрисидаги протоколини ратификация қилганми?
- ☐ Мамлакатдаги кандай органлар инсон ҳуқуқларига амал килиш устидан назоратни бажарадилар?
- ☐ Уларнинг мандати қандай?

- ☐ Одамлар савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш маханизмлари ёки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари мавжудми? *Мавжуд бўлса қандай механизмлар? Булар омбудсман, инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар ёки бошқа маҳаллий, миллий ва парламент механизмлари бўлиши мумкин.*
- ☐ Мавжуд механизмларнинг ваколатлари ва ваколат доираси қандай?
- ☐ Улар аёллар, болалар, миллий камчилик гуруҳлари вакиллари ва бошқа давлатлар фуқароларини қамраб оладими?

Заиф гуруҳлар билан муносабатда бўлиш

- ☐ Аёллар ҳуқуқлари, болалар ҳуқуқлари бўйича вазият қандай, ушбу мамлакат сиёсатида ва амалиётида жинслар тенглиги мавжудми?
  Бу ерга етимлар, ота-онаси бўлмаган вояга етмаган болалар ва уй зўровонлиги жабрланувчилари ёки алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан зўравонликнинг бошқа шакллари жабрланувчиларига махсуслаштирилган хизматлар кўрсатиш киради (қийноққа дучор бўлган жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо).
- ☐ Қочоқлар, бошпана сўраётан шахслар ва меҳнат қилаётган мигрантлар билан вазият қандай?

Қайта йўллашнинг мавжуд тизими

- ☐ Одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллашнинг бирон-бир механизмлари мавжудми? Мавжуд бўлса, улар қандай тизимлардан ташкил топган?

Улар мунтазам равишда қўлланилмоқдами? Улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларга мувофиқми? Улар асосан ноқонуний миграцияни олдини олиш учун восита сифатида хизмат қиладими?

- ☐ Амалдаги сиёсатда, амалиётда ёки молиялаштиришда алоҳида шахслар гуруҳининг ёрдам олиш имкониятини инкор этувчи бирон-бир чекловлар мавжудми (масалан, чет эл фуқаролари, кам таъминланган кишилар)?

- ☐ Полиция, прокуратура ёки судларда одамлар савдоси жабрланувчилари билан боғлиқ масалалар бўйича тайёргарлик ўтган махсус хизматлар мавжудми?
- ☐ Одамлар савдоси масалалари бўйича полициянинг ташкилий тузилмаси қандай? Полициянинг турли тузилмалари орасида мажбуриятлар қай тарзда тақсимланган? *(Кўпинча миграция ва чегара назорати бўйича ваколатларга эга бўлган) федерал полиция ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича умумий вазифани бажарувчи маҳаллий полиция орасидаги фарқни билиш муҳимлигига эътиборни қаратинг.*

- ☐ Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилотлар, шунингдек аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолияти жамият томонидан қай даражада қабул қилинади?
- ☐ Бу ташкилотлар одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қиладими?
- ☐ Одамлар савдосига қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган НДТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа вакилларини жамият қандай қабул қилади?

Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар

- ☐ Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича бирон бир хизматлар мавжудми ва улар ким томонидан тақдим қилинади? *Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар яшаш учун жойнинг тақдим этилиши, ишонч телефонларининг фаолият кўрсатиши, ҳуқуқий ёрдам, тиббий ёрдам ва молиявий ёрдамни ўз ичига олади. Кўпчилик мамлакатларда бу хизматлар нодавлат ташкилотлар томонидан ушбу мамлакатнинг ҳукуматлари билан ҳамкорликда ёки молиявий қўллаб-қувватлаш ёрдамида тақдим этилади.*

- ☐ Ҳукумат томонидан қандай хизматлар тақдим этилади?
- ☐ Шу муносабат билан қўлланилаётган сиёсат ёки амалиётда қандай чекловлар мавжуд?
- ☐ Қандай шароитларда одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади?
- ☐ НДТ ёки фуқаролик жамиятининг бошқа вакиллари томонидан қандай турдаги хизматлар таклиф этилади?
- ☐ Бошпана ёки яшаш учун жойнинг тақдим этилиши ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф қилинаётган хизматларнинг қисми ҳисобланадими?

Аниқ ишлар таҳлили (кэйс стади)

- ☐ Одамлар савдоси ҳолатларида қандай йўналишлар мавжуд ва уларни шу вақтгача қандай талқин этишган?
  Ушбу муносабат билан аниқ ишлар таҳлили ёрдамида мавжуд йўналишларни ўрганиш ва мувофиқ тузилмалар ёки муассасалар ушбу ишларни қай тарзда кўриб чиққанлигини текшириш таклиф этилади.
- ☐ НДТлар ва ҳукумат тузилмалари одамлар савдоси жабрланувчилари репатриация қилинганда ёки репатриация давомида улар билан нима юз бериши тўғрисида аниқ маълумотга эга бўладиларми?
- ☐ Ҳукумат тузилмалари одамлар савдоси жабрланувчилари репатриация қилингандан сўнг улар билан қандай муомала қилишларини назорат қиладиларми?

Қўшимча изоҳлар:

Ҳуқуқий доираларни баҳолаш

Маълум мамлакатда ҳуқуқий муҳитни аниқлаш мақсадида, аввалambор, одамлар савдоси масаласи билан боғлиқ ҳуқуқий характернинг мураккаблигини эътиборга олиш муҳимдир. Қонунчилик, ҳуқуқий тартиб ва амалиёт турли мамлакатларда анчагина фарқ қилади. Баъзи мамлакатларда мавжуд бўлган меҳнат, миграция, уюшган жиноятчилик ва фоҳишабозлик тўғрисидаги қонунчилик кейинроқ қабул қилинган қонунчилик ёки одамлар савдосига қарши курашиш соҳасидаги мажбуриятлар билан уйғунлашмаслиги мумкин. Ҳаттоки қонунчиликнинг бундай уйғунлашуви амалга оширилган мамлакатларда ҳам жабрланувчилар ҳимояси тўғрисидаги қонунларни келгусида яхшилаш учун имконият мавжуд. Одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларига асосланган одамлар савдосига қарши курашиш бўйича қонунчиликни яратиш мақсадида фақатгина бир неча мамлакатлар ҳуқуқий ислоҳотларни ташаббус этганлиги диққатга сазовордир[25].

Шундай қилиб аниқ шароитларга мослаштирилган ЖҚЙМ тузилмасини ишлаб чиқиш одамлар савдоси муаммосини тартибга солувчи ҳуқуқий чегараларнинг кенг миқёсидаги ва комплекс баҳолашни талаб этади. Бу ҳуқуқий чегараларга жиноят кодекс, меҳнат ва бандлик, ижтимоий ҳимоя, чет эл фуқаролари, бошпана тақдим этиш тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек тергов, жиноий ва суд жараёнлари киритилиши лозим.

Ушбу Қўлланманинг кейинги қисмида ҳуқуқий асослар, қонунчиликдаги ўзгартиришлар ва ЖҚЙМнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган тузилмалар таърифланади. Жабрланувчиларни қайта йўллаш тизимининг ўтиш даврида ва уни шакллантиришнинг бошланғич босқичида қўлланилиши лозим бўлган мавжуд чораларни ва ҳуқуқий характердаги тартибларни аниқлаб олиш зарурдир. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатдаги бошланғич баҳолаш ва вазият таҳлили, аввалambор, қуйида келтирилган сўровнома каби мавжуд ҳуқуқий чегараларни қамраб олиши лозим:

[25] Батафсилроқ маълумот ва одамлар савдосига қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни комплекс тарзда қайта кўриб чиқиш доиралари масаласи бўйича қўлланмани олиш учун ЕХҲТ/ДИИҲБ *Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми қаранг.*

Вазият таҳлили

II Сўровнома

Ҳуқуқий чегараларни баҳолаш

Жиноий қонунчилик

Жиноят: одамлар савдоси

☐ Жиноят кодекси одамлар савдосини алоҳида жиноятга ажратадими?

☐ Ажратса, бу модда Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ протоколига мувофиқми?

☐ Қонунчиликда белгиланган жазо одамлар савдоси савдогарлари учун жиноят содир этишдан сақловчи омил бўлишига етарлими?

☐ Агар миллий қонунчилик Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ протоколига мувофиқ бўлмаса қандай асосий фарқлар мавжуд, шунингдек одамлар савдосининг қандай шакллари ушбу қонунчиликда белгиланган?

☐ Агарда одамлар савдоси алоҳида жиноят таркибига ажратилмаган бўлса, унга нисбатан бошқа жиноятлар учун белгиланган жазоларни қўллаш мумкинми (масалан, фирибгарлик, товламачилик, тан жароҳатини етказиш, номусга тегиш, одамлар контрабандаси)? Жазоланса, ушбу мавжуд қоидаларни айтиб ўтинг.

☐ Одамлар савдосининг қандай шакллари ва жиҳатлари қонунчиликда белгиланмаган?

Мол-мулкни мусодара қилиш ва жабрланувчиларга товон тўлаш

☐ Жиноий қонунчиликда ноқонуний фаолият натижасида эришилган шахсий буюмлар, пул манбалари ва бошқалар каби мол-мулкни мусодара қилиш белгиланганми?

☐ Ушбу манбалар нима қилинади? Улардан жабрланувчиларга товон тўлаш учун фойдаланиладими?

Чет эл фуқаролари тўғрисида қонунчилик

☐ Қандай шароитларда вақтинчалик яшаш учун рухсатнома берилади?

☐ Қандай шароитларда меҳнат қилиш учун рухсатнома берилиши мумкин?

☐ Қонунчилик одамлар савдоси жабрланувчилари фойдалана олиши мумкин бўлган вақтинчалик яшаш учун рухсатнома тақдим этиш имкониятини назарда тутадими? *Масалан, жиноий ишлар бўйича гувоҳлар учун ёки гуманитар мақсадларда.*

☐ Қонунчилик жабрланувчи мамлакат ҳудудидан чиқиб кетгунча “ўйлаб кўриш учун вақт”ни тақдим қилиш имкониятин назарда тутадими?

- ☐ Қонунчилик гуманитар мақсадларда доимий яшаш мақомини олиш имкониятини назарда тутадими? Масалан, одамлар савдоси жабрланувчи ҳаётига хавф таҳдид қилганда, жабрланувчи келиб чиқиш мамлакатига қайтарилиши керакми?
- ☐ Агарда ўз мамлакатида таъқиб этилиш қўрқувига асослар мавжуд бўлса, одамлар савдоси жабрланувчиси унга сиёсий бошпана тақдим этилиши тўғрисида ариза бериши мумкинми?
- ☐ Қонунчилик қандай ҳолатларда чет элликларга меҳнат қилиш ва таълим олишга рухсат беради? Ушбу мамлакатда чет элликларнинг меҳнат қилиши учун қандай имкониятлар мавжуд?

Ижтимоий ҳимоя тўғрисида қонунчилик

- ☐ Ушбу қонунчилик қоидалари давлат томонидан одамлар савдоси жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш имкониятини назарда тутадими?
- ☐ Назарда тутса, давлатнинг қай турдаги қўллаб-қувватлаши имкониятлидир?
- ☐ Чет эл фуқаролари/фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат томонидан қўллаб-қувватлашга умид қилишлари мумкинми?
- ☐ Агарда қонунчилик давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда тутмаса, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш бўйича хизмат кўрсатиш учун бошқа манбалар мавжудми? Қандай манбалар?

Қўшимча изоҳлар:

Ушбу баҳолаш мамлакатда дастлабки босқичда самарали ЖҚЙМни яратиш учун зарур бўлган мақбул ҳуқуқий талаблар мавжудлигини аниқлаш имкониятини бериши лозим. Қуйида уларнинг асосийлари таърифланган:

1. Жиноят кодекси айбдорлар суд таъқиби имкониятини назарда тутган ҳолда **одамлар савдосини алоҳида жиноятга** ажратиши керак.
2. Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисига **ўйлаб кўриш учун вақт** тақдим қилиниши ва бунинг натижасида **вақтинчалик яшаш учун рухсат** берилиши мумкинлиги имконияти мавжуд бўлиши лозим.
3. Жабрланувчига мамлакатда вақтинчалик яшаш даврида **молиявий ёрдамни** таъминлаш лозим.

Бундан ташқари, маълум мамлакатдаги вазиятга қараб шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга, жабрланувчиларга компенсация тақдим этишга, гувоҳларни ҳимоя қилишга ва одамлар савдоси билан бевосита боғлиқ бошқа масалаларга алоқадор қонунчилик қоидаларини ва ҳуқуқий тартибларни ўрганиш ҳам таклиф этилади (IV бўлимга қаранг).

Жалб этилган иштирокчиларни ва тузилмаларни баҳолаш

Вазият таҳлилининг иккинчи қисми жабрланувчилар ҳимояси жараёнига ва уларга ёрдам кўрсатишга жалб этилган ёки мавжуд жабрланувчиларни қайта йўллаш механизмида фаолият юритаётган иштирокчиларни қайд этишдан (ёки санаб ўтишдан) иборатдир. Бундан ташқари, ЖҚЙМнинг келгусидаги тузилмасига таъсир эта оладиган барча иштирокчиларни ва барча институтларни мумкин қадар ўрганиш лозимдир. Тадқиқот ижобий таъсир кўрсатаётган иштирокчиларни, шунингдек жабрланувчиларни қайта йўллашнинг келгуси тизимига нисбатан аввал бошдан хоҳишсизликни ифода этаётганларни ўз ичига олиши керак. Ушбу босқичдаги мақсад мавжуд тузилмалар ва иштирокчиларнинг комплекс тасвирини, уларнинг ўзаро муносабатини, уларнинг жабрланувчилар ҳимояси механизми тўғрисидаги тушунчаларини ва ЖҚЙМ доирасида келажакдаги ўринларини яратишдан иборатдир.

Ташкилотларни идентификация қилиш, тоифаларга ажратиш ва таҳлил қилиш қуйидаги сўровномадан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

Вазият таҳлили

III Сўровнома

Иштирокчилар ва ташкилотлар таҳлили

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (полиция)

Ресурслар

- ☐ Полицияда одамлар савдоси билан боғлиқ масалалар бўйича махсус тайёргарликдан ўтган махсус бўлинмалар/хизматлар мавжудми?
- ☐ Бу бўлинмалар таркибига аёллар киритилганми? Қай даражада?
- ☐ Одамлар савдосининг аёл-жабрланувчилари билан муносабатда бўлиш учун кўпроқ аёл-полициячиларни жалб қилиш бўйича сиёсат мавжудми?
- ☐ Давлат етарли даражада ушбу бўлинмаларини ходимлар (ҳамда таржимонлар), шунингдек молиявий ресурслар билан таъминлайдими?

Тайёргарлик

- ☐ Полиция ходимлари потенциал жабрланувчиларни идентификация килиш ва улар билан муомалада бўлиш бўйича мувофиқ тайёргарликдан ўтишганми?
- ☐ Полиция гендер масалалари, жабрланувчилар билан уддабурон муносабатда бўлиш масалалари ва жабрланувчиларни ҳимояловчи тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтганмилар?
- ☐ Полиция ўз ходимларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тамойилларга ва механизмларга ўқитадими?
- ☐ Миллий ва халқаро даражаларда жиноий гуруҳлар ва тармоқлар фаолиятини суд тартибида тергов ва таъқиб қилиш, шунингдек мол-мулкни мусодара қилиш масалаларида полициянинг тайёргарлиги қай даражада?

Одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллашнинг мавжуд механизмлари

- ☐ Жабрланувчиларни қайта йўллашнинг мавжуд механизмлар таркибига полиция киритилганми?
- ☐ Ҳамкорлик қай даражада муваффақиятли амалга оширилмоқда?

Ҳудудий ҳамкорлик

- ☐ Полиция Европол ва Интерпол каби ҳудудий ва халқаро ташкилотлар билан чегараларо ҳамкорликка ва фаолиятга жалб этилганми?

Прокуратура

Ресурслар

- ☐ Прокуратура доирасида одамлар савдосининг гумондаги ҳолатлари билан шуғулланувчи махсус жиҳозланган ва мувофиқ равишда ўқитилган бўлинмалар мавжудми?
- ☐ Улар моҳир сўровларни ўтказиш ва саволлар бериш услубиётини ўрганганмилар?
- ☐ Эҳтимолдаги жабрланувчилар билан мувофиқ муомила қилиш ва одамлар савдосига боғлиқ фаолиятни олиб бориш учун давлат етарли даражада ушбу бўлинмаларини ходимлар, шунингдек молиявий ресурслар билан таъминлайдими?

Тайёргарлик

- ☐ Миллий ва халқаро даражаларда жиноий гуруҳлар ва тармоқлар фаолиятини суд тартибида тергов ва таъқиб қилиш, шунингдек мол-мулкни мусодара қилиш масалаларида тайёргарлик қай даражада?
- ☐ Ходимлар гендер масалалари бўйича ўқув машғулотидан ўтганми?

Суд

Моҳир муомала

- ☐ Одамлар савдосининг гумондаги ҳолатлари билан шуғулланувчи мувофиқ равишда жиҳозланган ва ўқитилган судьялар мавжудми?
- ☐ Улар моҳир сўровларни ўтказиш ва саволлар бериш услубиётини ўрганганмилар?
- ☐ Ходимлар гендер масалалари бўйича ўқув машғулотидан ўтганми?

Ресурслар

- ☐ Эҳтимолдаги жабрланувчилар билан мувофиқ муомила килиш ва одамлар савдосига боғлиқ фаолиятни олиб бориш учун давлат етарли даражада судларни ходимлар (ҳамда таржимонлар ва ижтимоий хизматчилар), шунингдек молиявий ресурслар билан таъминлайдими?

Ҳукумат тузилмалари

- ☐ Одамлар савдоси муаммоси бўйича Миллий мувофиқлаштирувчи тайинланганми?
- ☐ Миллий мувофиқлаштирувчи ЖҚЙМ тузилмасига киритилганми?
- ☐ Қайси вазирликлар ЖҚЙМ тузилмасига киритилши мумкин?
  - ☐ Ички ишлар вазирлиги
  - ☐ Ташқи ишлар вазирлиги

- ☐ Меҳнат вазирлиги
- ☐ Ижтимоий ҳимоя вазирлиги
- ☐ Соғлиқни сақлаш вазирлиги

☐ ЖҚЙМга киритилиши фойдали деб топилувчи бошқа тузилмалар мавжудми?

☐ Ҳудудий ижтимоий марказлар

☐ Иммиграция хизмати

☐ Омбудсмен ёки инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия

☐ Давлат тузилмалари айни вақтда одамлар савдоси жабрланувчиларига қандай хизматлар кўрсатмоқда? *ЖҚЙМни яратишдаги дастлабки ёндашувини аниқлаш мақсадида жабрланувчиларнинг маълум тоифаларига қай турдаги хизматлар кўрсатилаётганлигини тушуниш муҳимдир.*

- ☐ Уй-жой билан таъминлаш
- ☐ Ишонч телефонлари
- ☐ Тиббий ёрдам
- ☐ Ҳуқуқий ёрдам
- ☐ Барқарорлаштириш чоралари (таълим, психологик терапия)
- ☐ Озиқ-овқат ва кийим-кечак
- ☐ Ўқитиш
- ☐ Бошқалар

Фуқаролик жамияти

Ташкилотлар ва уларнинг ваколатлари

☐ Одамлар савдоси муаммосини ҳал қилиш ёки бундай савдонинг жабрланувчиларини ҳимоя қилишга фуқаролар гуруҳлари ёки маҳаллий нодавлат ташкилотлар қандайдир тарзда жалб этилганми? *Бу ерга аёллар ташкилотларини, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи НДТлар ёки қўмиталарни, жабрланувчилар ҳимояси масалалари ёки аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик муаммоси билан шуғулланувчи фуқаролар гуруҳлари ёки НДТларни, касаба уюшмаларини, жинслар тенглиги учун курашувчи ташкилотлар.*

☐ Уларда одамлар савдосига қарши курашиш ёки у билан боғлиқ соҳалар бўйича ўз фаолияти тўғрисида рўйхатдан ўтган маълумотлар мавжудми? (ҳам муваффақиятлар, ҳам муваффақиятсизликлар)

☐ Уларнинг одамлар савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатлари қандай?

☐ Улар ушбу соҳада қанчалик кенг билимларга эга?

☐ Улар ўз мамлакатида жабрланувчиларнинг қайта йўлланишидага бирор бир механизмнинг қисми ҳисобланадиларми?

☐ Ҳисобланса лар, уларнинг роли ва мажбуриятлари қандай?

- ☐ Ҳукумат тузилмалари билан уларнинг ҳамкорликлари даражаси қандай?
- ☐ Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиладиларми (масалан, полициянинг махсуслаштирилган бўлинмалари билан)?
- ☐ Уларда ҳукумат органлари билан ҳамкорлик тўғрисида бирор бир битимлар мавжудми? Қандай турдаги?

- ☐ Уларнинг ташкилий тузилиши, фаолиятнинг қамрови ва миқёси қандай? *Баҳолаш улар иштироки даражасининг кўрсатилишини ўз ичига олиши лозим: масалан, федерал, миллий даража, провинция, кантон даражаси, шунингдек улар ташкилот сифатида яратаётган тармоқнинг миқёси (жойлардаги офислар).*

- ☐ Улар миллий, ҳудудий ва/ёки халқаро даражаларда айнан шундай ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладиларми?
- ☐ Улар бирор бир тармоқ ёки бошқа ташкилий тузилмаларнинг қисми ҳисобланадиларми?

- ☐ Уларнинг умуман миллий сиёсатга ва қисман жабрланувчиларни ҳимояси билан боғлиқ масалаларга бўлган таъсирининг даражаси ва табиати қандай?

- ☐ Улар сиёсий даражада ташаббус кўрсатиш ёки ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятда қандай тажрибага эга?

- ☐ Улар инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида халқаро воситалар ва шартномаларни яхши биладиларми?
- ☐ Улар одамлар савдоси масалаларидаги миллий қонунчиликни яхши биладиларми?

Моҳир муомала ва тайёргарлик

- ☐ Улар етарли даражада уддабурон ёки улар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини идентификация қилиш ва улар билан муомала қилиш масалаларида тайёргарликдан ўтганми?

- ☐ Улар инсон ҳуқуқларига риоя қилиш тамойиллари ва андозалари соҳасида ўқув машғулотдан ўтганми?

Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар

- ☐ Фуқаролик жамияти тузилмалари айни вақтда одамлар савдоси жабрланувчиларига қандай хизматлар кўрсатмоқдалар? *ЖҚЙМни яратишдаги дастлабки ёндашувни аниқлаш мақсадида жабрланувчиларнинг маълум тоифаларига қай турдаги хизматлар кўрсатилаётганлигини тушуниш муҳимдир.*
  - ☐ Уй-жой билан таъминлаш
  - ☐ Ишонч телефонлари
  - ☐ Тиббий ёрдам

- ☐ Ҳуқуқий ёрдам
- ☐ Барқарорлаштириш чоралари (таълим, психологик терапия)
- ☐ Озиқ-овқат ва кийим-кечак
- ☐ Ўқитиш
- ☐ Бошқалар

☐ Агарда улар одамлар савдоси жабрланувчиларига бундай хизматларни тақдим қилсалар, одамлар савдоси тўғрисидаги ишларда қандай йўналишларни белгилай оладилар ва бундай ишларда уларнинг тажрибаси қандай?

☐ Ушбу хизматлар қай тарзда молиялаштирилади?

☐ Давлат ушбу хизматларни кўрсатишда молиявий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдами?

☐ Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни тақдим қилиш масалаларида ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қай даражада муваффақиятлидир?

Ресурслар

☐ ЖҚЙМ тузилмасида ўз ўрнига эга бўлиш учун уларда инсон ресурслари етарлими?

☐ Улар ЖҚЙМда қай тарзда фойдали бўла олиши мумкин?

☐ Уларда ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органлар ёки ижтимоий марказлар каби маҳаллий ҳокимият институтларини ўқитишдаги ва потенциалини оширишдаги тажриба мавжудми?

☐ Улар ушбу дамгача қандай жиҳатларда ва қайси мақсад гуруҳларига потенциални ривожлантириш бўйича ўқитишни ўтказганлар ва чораларни амалга оширганлар?

☐ Улар фойдаланилиши мумкин бўлган ўқув дастурларини тайёрлаганмилар?

☐ Улар ЖҚЙМга яна қандай махсус малакаларни киритишлари мумкин?

☐ Улар ЖҚЙМ тузилмаси мақсадлари учун фойдаланилиши мумкин бўлган бирон бир тадқиқотларга ёки маълумотларга эгами?

☐ Улар кирита олиши мумкин бўлган молиявий ёки моддий ресурслар мавжудми, масалан, иш жойи, иш жиҳозлари ёки шунга ўхшаш нарсалар?

2. Одамлар савдосига қарши курашишнинг институционал тизими

Ушбу бўлимда ЖҚЙМни яратишнинг асосий босқичлари таърифланади. Бу бўлим, шунингдек, ЖҚЙМ фаолиятига соҳалараро ёндашувнинг афзаликларини таъкидлаб ўтади. Бу ёндашув давлат тузилмалари ва фуқаролик жамиятининг Давра суҳбатидаги иштирокига асосланади. Бу қуйидагиларни қабул қилишга ёрдам беради:

1. Жабрланувчини қайта йўллашнинг миллий даражада мавжуд бўлган механизмларини яхшилаш бўйича маслаҳатлар.
2. Маълум мамлакат учун ЖҚЙМ тузилмаларини яратишдаги босқичлар ва стратегиялар.

2.1. Дастлабки қадамлар

ЖҚЙМлар биринчи навбатда мавжуд миллий тузилмалар асосида яратилиши лозим. Шунинг учун ЖҚЙМни яратиш ва ривожлантириш бўйича маъсул бўлишга тайёр бўлган ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг асосий иштирокчиларини белгилаб олиш муҳимдир. Тажрибанинг кўрсатишича, агарда қарорларни қабул қилувчи, шунингдек уларни амалга оширувчи кишилар энг бошидан режалаштириш жараёнининг бир қисми бўлсалар, улар бутун жараёнга тегишли эканликларини ҳис қилишлари юқори бўлади ва бу нарса ЖҚЙМни самарали, ҳаққоний ва барқарорроқ қилади.

Одамлар савдосига қарши курашиш соҳасида НДТ мавжуд бўлмаган ҳолатларда ёки улар жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни тақдим қилиш масаласида кучсиз бўлганда, ЖҚЙМда ушбу ролни ўз бўйнига оладиган фуқаролик жамияти ташкилотларини ривожлантиришга кўмаклашиш учун ҳаракатларни йўналтириш муҳимдир. Потенциал ҳамкорларга ўзлари ушбу ишга бел боғлай оладиган, янги ташкилотлар ёки янги бўлинмалар, бўлимлар ёхуд лойиҳалар ярата оладиган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ёки аёллар ташкилотларини киритиш лозим.

Баъзи ҳолатларда ҳукуматда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ёки фуқаролик жамиятида дастлабки босқичда аниқланган манфаатдор иштирокчилар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари билан алоқани боғлаган бўладилар ёки ушбу жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни кўрсатаётган бўладилар. Улар ўз иштироки тамойилларини қайтадан кўриб чиқиши ва ушбу Қўлланманинг аввалги бўлимида таърифланган босқичма-босқич таҳлил асосида шахсий маъсулиятни ва ваколатларни белгилаши лозим. Жалб этилган иштирокчилар мавжуд тажрибани мунтазам учрашувларга, шунингдек ЖҚЙМга айлантириш мақсадида амалга ошириш лозим бўлган қўшимча ҳаракатлар режаси тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

Бу жараён демократик институтлар қуришда восита сифатида ўз самарадорлигини кўрсатди. Бундаги асосий мақсад фуқаролик жамиятининг миллий даражада тузилмалар яратишдаги фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

2.2. Одамлар савдосига қарши курашишда институционал доираларнинг комплекс тузилиши

Ҳукумат вакиллари нодавлат соҳадаги ўз касбдошларини ишга амалий тарзда жалб қилган ҳолда ЖҚЙМни яратишда ёки мустаҳкамлашда етакчи ўринни ўзларига олишлари керак. Дастлабки қадам ушбу мамлакатда одамлар савдоси муаммоси билан шуғулланувчи барча асосий иштирокчиларни ўз ичига олган **Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича давра суҳбатини** яратиш бўлиши керак. Давра суҳбати ишида мувофиқ федерал ва/ёки ҳудудий вазирликлар вакиллари иштирок этиши лозим, масалан, ички ишлар, ташқи ишлар, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек ушбу соҳада фаолият юритаётган барча бошқа ҳукумат тузилмалари, маҳаллий ва халқаро НДТлар ва халқаро ташкилотлар.

ЖҚЙМнинг институтциявий тузилмаси ҳукумат суъбектларини ҳам, фуқаролик жамияти суъбектларини ҳам ўз ичига олган соҳалараро тузилма бўлиши муҳимдир. Давра суҳбатини яратиш бундай соҳалараро ёндашувнинг асосини ифодалайди. Давра суҳбати бошқарувчиси Миллий мувофиқлаштирувчи, яъни, умумий қоидага кўра давлатнинг юқори мартабали мансабдор шахси, миллий даражадаги бирор бир вазирликнинг вакили бўлиши мумкин. Миллий мувофиқлаштирувчи давра суҳбатининг мунтазам фаолият юритишига, шунингдек ишларнинг айни дамдаги аҳволини муҳокама қилиш учун мунтазам учрашувларни ўтказишга маъсул бўлиши мумкин. Давра суҳбати миллий, ҳудудий ва/ёки халқаро тузилмалар орасида тармоқ тузади ва бу нарса маълумотларнинг самарали тарқалиши ва иштирокчилар орасида қайта алоқанинг йўлга қўйилишига имкон яратади.

Энг мақбул ҳолатда, одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш жараёнига фаол тарзда жалб этилган ҳукумат ва нодавлат тузилмалари орасида кўпинча ўзаро тушуниш меморандуми шаклидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланади. Бундай битим ҳар бир субъект маъсулиятининг алоҳида соҳасини (масалан, полиция, яшаш учун жой тақдим этувчи ташкилотлар ва ҳоказолар), шунингдек амалиётда жабрланувчиларни қайта йўллаш жараёни қай тарзда амалга оширилишини аниқ белгилайди (IV.2 бўлимидаги *Ҳамкорлик тўғрисида битимларнинг асосий тамойилларига қаранг*).

Қуйида берилган жадвал ЖҚЙМнинг эҳтимолдаги тузилмасини таклиф этади:



2.3. Давра суҳбатининг роли ва мажбуриятлари, шунингдек ҳамкорлик даражалари

Давра суҳбати ўзининг вазифалари ва биринчи даражадаги қадамларини белгилаб олиши, шунингдек асосий иш режасини қабул қилиши керак. Давра суҳбатида унинг фаолияти учун узоқ муддатли, мувофиқлаштирилган ва фанлараро ёндашувни қўллаш тўғрисида муҳокама ўтказиш ва бу ҳақда келишиб олиш зарур. Бундан ташқари ЖҚЙМ тузилмасининг ривожланиш мониторингини ва баҳоланишини ўтказиш учун давра суҳбати кўрсаткичларини (солиштирма кўрсаткичларни) белгилаб олиши лозим. Бундай кўрсаткичлар қабул қилиниши мумкин бўлган фаолият соҳалари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш;
- Одамлар савдосини олдини олиш, хабардорликни ошириш ва унга қарши тадбирлар ўтказиш; ва
- ЖҚЙМ тузилмасининг самарали фаолият кўрсатиши учун қонунчиликни такомиллаштириш.

Фаолиятнинг ушбу соҳаларида, шунингдек Давра суҳбати томонидан белгиланган бошқа ҳар қандай масалалар билан ишлаш учун махсус ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин. Энг мақбул ҳолатда гуруҳлар мувофиқ ихтисосга эга бўлган ҳукумат, нодавлат ва халқаро иштирокчилардан ташкил топиши керак. Улар мунтазам тарзда бир-бирлари билан алоқани қўллаб-қувватлаб туриши ва ўз соҳаси доирасида аниқ ҳаракатлар ва қадамларни ишлаб чиқиш учун маъсулиятга эга бўлишлари лозим. Ишчи гуруҳлар

раислари Давра суҳбати олдида ҳисобот бериши, Давра суҳбатининг мунтазам учрашувлари давомида янги маълумотлардан хабардор этиши керак ва бу муҳокама учун кенг форум сифатида хизмат қилиши лозим.

Давра суҳбати доирасидаги учрашувлар унинг иштирокчилари орасида ҳамкорликка ёрдам берувчи муҳитда ўтиши керак. Иштирокчилар ҳам ЖҚЙМда қатнашаётган ташкилотлар аъзоларининг, ҳам махсус ишчи гуруҳларнинг индивидуал иштирокчи сифатидаги маъсулият доирасини тақсимлаш тўғрисида келишиб олишлари лозим. Давра суҳбати раҳбарининг мажбурияти ҳукумат ва нодавлат тузилмалари орасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва миллий даражада жабрланувчиларни қайта йўллаш механизмининг самарали фаолият юритишини таъминлайдиган асосий босқичларини таклиф этишдан иборатдир.

2.4. Фанлараро ва соҳалараро ёндашув

Самарали ЖҚЙМни ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида фанлараро ва соҳалараро ёндашувни қабул қилиш лозим. Бу ёндашув фуқаролик жамияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва вазирликлар вакилларидан иборат иштирокчилар орасида яқин ҳамкорликни талаб этади. Кўп нарса барча даражалардаги фуқаролик жамияти ва ҳукумат тузилмалари вакиллари орасида жабрланувчини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларга алоқадор мажбуриятларни тақсимлашга боғлиқ бўлади. Бундай тақсимот шаҳар ва туманлардаги ижтимоий марказлар вакиллари, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя миллий вазирликлар вакиллари ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Давра суҳбати доирасидаги учрашувлар қуйидаги мавзуларни қамраб олиши керак: халқаро ташкилотлар талаблари ва мамлакатда одамлар савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятга алоқадор битимлар, ЖҚЙМни яратиш ва ривожлантириш масалалари бўйича муҳокамалар, ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд хизматлар тўғрисида сўнгги маълумот, потенциални ривожланитириш ва ўқитиш бўйича тадбирларга бўлган келгусидаги талаблар.

Мувофиқ иштирокчиларни тез суръатда тўплаш мумкин бўлган механизмни яратиш муҳимдир, масалан, ЖҚЙМ тузилмасида кутилмаган муаммоларнинг вужудга келишидаги иккитомонлама учрашувлар доирасида. Бундай қарорни талаб этиши мумкин бўлган эҳтимолдаги муаммо полиция ва нодавлат соҳалари орасидаги ҳамкорликнинг етарли даражада эмаслиги туфайли келиб чикиши мумкин.

Шуниндек Давра суҳбатлари одамлар савдоси муаммоси тўғрисида кенг жамоатчикни ва оммавий ахборот воситаларини хабардор этиш ва билимларини ошириш, жабрланувчиларнинг эҳтиёжи ва ЖҚЙМнинг вазифалари тўғрисида хабардорликни ошириш, ўз ўрнини мустаҳкамлаш ва одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини идентификация қилишга кўмак бериш бўйича семинарларни ташкиллаштириш учун қўлланилиши мумкин.

2.5. ЖҚЙМ тузилмаси доирасидаги қайта алоқа

Қайта алоқа ЖҚЙМ иштирокчилари орасида ишонч муносабатларини қуриш учун муҳимдир. Анъанага кўра нодавлат соҳа вакиллари ҳукумат тузилмалари ишончини қозонишга тўғри келади, ва айни вақтда ҳукумат фуқаролик жамияти вакилларининг ваколатли эканлигини ҳурмат қилишга ўрганиши ва уларни ҳамкорлар сифатида қабул қилиш зарурдир. Ўзаро ишончни ривожлантиришнинг энг самарали воситаси фикрлар ва маълумотлар билан мунтазам равишда алмашинишдир. Шунинг учун ЖҚЙМнинг фаолият юритишида қайта алоқа механизми ва барча муҳим масалалар бўйича маълумотларни мунтазам равишда алмашиниш марказий ўрин эгаллайди. Алмашиниши лозим бўлган маълумот одамлар савдоси ҳолатлари бўйича йўналишларни ва статистик маълумотларни, шунингдек аниқ ҳолатлар устидан фаолият давомида амалга оширилган ва аниқланган қадамлар ва камчиликларни ўз ичига олади (тақдим этилаётган маълумот жабрланувчининг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқини бузмаслигини ёки ушбу қўлланманинг IV. 5.3 бўлимида белгиланган одамлар савдоси ҳолатлари тўғрисидаги махфий маълумотларни ўз ичига олиш кераклигини ёдда тутиш лозим).

2.6. ЖҚЙМ мониторинги ва баҳоланиши

Давра суҳбатининг асосий вазифаларидан бири ЖҚЙМ фаолиятини кузатишни (мониторингини) ва баҳолашни амалга оширишдир. Ушбу баҳолаш мумкин бўлганда одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига тақдим этилаётган хизматлар ва шароитлар тўғрисидаги мулоҳазаларни ўз ичига олиши керак.

ЖҚЙМ таркибига давлат органлари ва нодавлат тузилмасининг вакиллари кирганлиги сабабли, унинг ички тузилмаси ўзаро вазминлик ва мувозанатни таъминлаш тизимини ифода этади.

Ички назоратни амалга ошириш мақсадида Давра суҳбати аввалдан келишилган ҳаракатлар муддатлари ва режасига мувофиқ равишда тараққиётнинг баҳоланишини ўтказиш учун қуйидаги соҳаларда мунтазам учрашувларни белгилаши лозим:

- Жабрланувчиларни ҳар томонлама ҳимоялаш;
- Одамлар савдоси жабрланувчиларни идентификация қилиш;
- Такомиллашган қонунчилик.

Фаолиятни яхшилаш бўйича ўз кузатувлари ва таклифлари асосида Давра суҳбати ЖҚЙМнинг режалаштирилган мослашувини ўтказиши ва уни мунтазам равишда кўриб чиқиши керак. Бу жараён ўзаро вазминлик ва мувозанатни таъминлашнинг ички тизими сифатида хизмат қилади ва унинг ёрдамида ЖҚЙМ тузилмасидаги жараёнлар назорат қилинади. Бу жараён қуйидаги саҳифада таърифланган жараённи эслатиши лозим:

Ушбу жараённинг бир қисми – амалга ошириш жараёнида юз берган эҳтимолдаги сусткашликларни, муаммовий соҳаларни ва ютуқларни тадқиқ қилишдан иборатдир.

Мунтазам мониторинг Давра суҳбатига қуйидаги масалаларда фаол тарзда жавоб беришга имконият беради:

- Келишилган ҳаракатлар дастуридан қайси босқичлар якунламаган ва нима учун;
- Салбий оқибатларни бартараф этиш, шунингдек зарур босқичларни якунлаш учун қандай чоралар кўрилган;
- Қандай муаммолар ёки тўсиқлар ҳал этилмаган;
- Улар қай тарзда бартараф этилиши лозим.

Ҳукумат тузилмалари ва НДТлар ўз иштирокининг муваффақиятини ва ЖҚЙМ тузилмасини баҳолай олиши учун узоқ муддатли ёндашувдан фойдаланиш зарурдир. Бунинг учун Давра суҳбати қуйидаги келгуси ҳаракатлар тараққиётининг баҳоланишини ўтказишга ёрдам берувчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиши лозим:

- Жабрланувчилар ҳуқуқларини рағбатлантириш;
- Қонунчилик, сиёсат ва тузилмалар ислоҳоти.

Давра суҳбати шунингдек юқорида эслатиб ўтилган соҳалардаги ютуқларни баҳолаши ва аввал келишилган кўрсаткичларни қуйидаги келгуси ҳаракатлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши лозим:

- **Самарадорлик:** ЖҚЙМ (ёки унинг таркибий қисимлари) самарали тарзда ва ушбу Қўлланманинг биринчи ва иккинчи бўлимларида белгиланган тамойиллар ва андозаларга мувофиқ равишда фаолият олиб борганми? Жабрланувчилар самарали тарза қайта йўлланганми? Жабрланувчилар эҳтиёжларининг қондирилиши қай даражада мувофиқдир? Давра суҳбати ишларнинг ҳаққоний таҳлилидан фойдаланган ҳолда ЖҚЙМ фаолиятини текшириши лозим.
- **Таъсир:** ЖҚЙМ ишлаб чиқилган вақтдан бошлаб қандай натижалар қайд этилган? Унинг яратилиши натижасида бирон бир кутилмаган ижобий ёки салбий оқибатлар қайд этилганми? Давра суҳбати аввал келишилган кўрсаткичлар натижаларини солиштириши ва мисолларни тақдим этиши лозим.

- **Унумдорлик:** ЖҚЙМ доирасида иштирокчилар орасидаги ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш қанчалик самарали бўлган? Инсон, моддий ва молиявий ресурслар самарали ва профессионал тарзда фойдаланилганми? Иштирокчиларнинг фаолияти қай даражада унумли бўлган? Натижа ва тараққиёт даражаси аввалдан келишилган кўрсаткичлар билан солиштирилиши керак. Маблағлардан фойдаланиш ва уларни бошқариш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, фаолият қай даражада самарали бўлганлигини баҳолаш мақсадида молиявий ҳисоботлар ҳам Давра суҳбати томонидан таҳлил этилиши лозим.
- **Барқарорлик:** Қандай келгуси қадамлар зарур? Давра суҳбати вазифа ва мажбуриятларни, шунингдек тегишли муддатларни ўз ичига олган ҳаракатлар дастурининг кейинги босқичи тўғрисида келишиб олиши зарур.

Бундай тизимлашган кўринишда ва мунтазам асосда ўтказилаётган мониторинг ЖҚЙМ тузилмаси ишини, фаолиятини ва самарадорлигини нисбатан яхшилаши мумкин, чунки у ЖҚЙМ ривожланишининг айни дамдаги жараёнига доимо кўмак беради. Шунингдек у яхшиланиш, потенциалнинг ривожланиши ва ўқитиш зарур бўлган соҳаларни аниқ белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, масалан, жабрланувчиларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича хизматларни кўрсатишининг асосий кўрсаткичлари бошпаналардаги одамлар савдосининг аёл-жабрланувчилари сони эмас, балки бир неча ой давомида одамлар савдоси жабрланувчиларининг тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларидир. Ҳуқуқий соҳадаги асосий кўрсаткичлар одамлар савдосига қарши курашишдаги миллий қонунларнинг халқаро андозаларга мувофиқлигини ва маълум бир мамлакат томонидан БМТнинг Одамлар савдоси тўғрисидаги протоколининг ратификация қилинишини ўз ичига олиши мумкин.

Бундай соҳалараро жамоа яратадиган механизмнинг ички назорати шартномалар ва протоколлар бўйича халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга мувофиқ равишда самарали ҳисоботларнинг мамлакат томонидан тақдим этилиши учун асос бўлиши керак. Улар Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 6-моддаси, шунингдек Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш Қўмитасининг 19-тавсияномаси каби одамлар савдосига қарши курашиш тўғрисидаги алоҳида модда ва ҳужжатларни ўз ичига олиши керак[26]. Давлатларнинг ҳисоботларига қўшимча тарзда НДТлар давлатнинг қай тарзда ҳуқуқларни таъминлаётганлигининг кафолати акс эттирилган ўзларининг "норасмий ҳисоботларини"

[26] Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси 160-дан ортиқ мамлакат томонидан ратификация қилинган. ЕХҲТнинг деярли барча иштирокчи-давлатлари АНКБКнинг тарафдорлари ҳисобланади, у давлатларга Конвенцияда ёритилган ҳуқуқларнинг амал қилишини назорат этиш мажбуриятини юклайди; Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича Қўмита конвенция қоидаларига риоя қилинишини назорат қилади. Ушбу масалага алоқадор бошқа Конвенциялар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактни ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактни ўз ичига олади ва ушбу конвенцияларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича махсус органлар яратилган.

тайёрлаши ва тақдим этиши имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Ковенциянинг Факультатив протоколи 2000 йил декабрь ойида кучга кирганидан бошлаб, агарда давлат ушбу протоколни ратификация қилган бўлса, Қўмитага шахсий аризаларни юбориш мумкин. Аризани бевосита жабрланувчининг ўзи ёки унинг номидан маълум бир НДТ тақдим этиши мумкин.

Ушбу мақсадларда таҳлил этилаётган асосий кўрсаткичлар тузилмани ва заиф гуруҳларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича давлат ва НДТларнинг кўраётган чоралари самарадорлигини баҳоланишини ўтказишга имконият яратади. Лекин жиддий ривожланишни фақатгина 3-5 йилдан сўнг кутиш мумкин.

3. ЖҚЙМ тузилмаларини ўқитиш ва уларнинг потенциали ривожланиши

Ушбу бўлим потенциал ривожланиш заруриятини таъкидлайди. Унда ЖҚЙМ тузилмасини ишлаб чиқиш, яратиш ва профессионаллаштириш давомида фойдаланиш мумкин бўлган маълум услублар ва ўқув дастурининг намунаси таклиф этилади.

ЖҚЙМ тузилмаси яратилгандан ва миллий иштирокчилар аниқлангандан сўнг уларнинг одамлар савдоси муаммосига бўлган сезгирлигини ва ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича имкониятнинг даражасини ошириш муҳимдир. Улар ушбу жараёнда ўз ўринларини аниқ тушунишлари лозимдир. Вазиятнинг ҳар томонлама таҳлилига асосланиб ЖҚЙМнинг яратилиш жараёнида ушбу механизм иштирокчиларининг мавжуд тажрибаси ва ваколати, шунингдек яхшиланиши мумкин бўлган камчилик ва соҳалар белгиланиши керак.

3.1. Тамойиллар

Ўқитиш ва ЖҚЙМ фаолиятини амалга оширувчи тузилмалар потенциалини ривожлантириш қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

1. У ЖҚЙМнинг маҳаллий иштирокчилари эҳтиёжларини дастлабки баҳоланишидан сўнг ўтказилиши керак.
2. Яхшиланиши мумкин бўлган мавжуд камчиликлар ва соҳаларнинг барча иштирокчилар томонидан аниқ ва умумий тушунилишига ёндашув ёрдам бериши лозим (Бу масалаларни ЖҚЙМ тузилмасини ўқитиш ва улар потенциалининг ривожланиши дастурига киритиш лозим). Бунга қатнашчиларнинг ўзлари баҳолашда, шунингдек, назарда тутилган ўқув машғулотларини режалаштиришда иштирок этганларидагина эришиш мумкин.
3. Потенциални ривожлантириш ва ўқитиш бўйича ҳаракатлардаги устунлик

имкон қадар маҳаллий ёки ҳудудий ташкилотларга берилиши керак, чунки улар маҳаллий эҳтиёжларни кўпроқ ҳис қиладилар. Ҳукумат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти ўз потенциалини ошириб борар экан, халқаро иштирокчилар тўхтовсиз такомиллашиб борувчи (вақт тушунчасида) маслаҳатчилик ролини ўзларига олишлари лозим.

3.2. Услубиёт

Потенциални ривожлантириш бўйича барча чоралар аввалги баҳолашга асосланиши ва иштирокчиларнинг мавжуд билимлар даражасини ҳисобга олиши керак. Биринчи босқич Қўлланмада таърифланган вазиятнинг ҳар томонлама таҳлилини ўтказиш бўлиши керак. Ушбу таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, ўқитиш ва потенциални ошириш учун зарур бўлган ва миллий иштирокчилар аниқлаган эҳтиёжлар билан ишлашга имкон яратувчи келгуси баҳолашни ўтказиш мумкин. Кейинги саҳифада берилган сўровнома ўқитишдаги ва потенциални оширишдаги ЖҚЙМ эҳтиёжларини баҳолашни ўтказишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин:

Ўқитишда ва потенциални оширишда ЖҚЙМ эҳтиёжларини баҳолаш

Ташкилот номи/вакил(лар) исми:

ЖҚЙМ иштирокчисининг баҳоси: ЖҚЙМ мақсади

☐ Сизнинг ташкилотингиз фикрича ЖҚЙМ вазифалари ва тузилмаси қандай?

ЖҚЙМ иштирокчисининг баҳоси: ЖҚЙМ тузилмаси ва вазифалари

☐ ЖҚЙМнинг давра суҳбати фаолиятига Сизнинг ташкилотингиз ёки Сизнинг шахсан ўзингиз қандай ҳисса қўшишингиз мумкин?

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз ЖҚЙМнинг бенуқсон фаолият юритишини қандай тасаввур этасиз?

☐ ЖҚЙМда Сиз ва Сизнинг ташкилотингиз учун қандай роль энг мақбулдир?

☐ Ушбу ролни самарали амалга ошириш учун нималар зарур?

ЖҚЙМ иштирокчисининг баҳоси: ходимлар/ЖҚЙМ доирасидаги ўзаро муносабат

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз фикрича ЖҚЙМ доирасидаги давра суҳбати қандай ташкиллаштирилиши ва фаолият юритиши керак?

☐ Мақбул ҳолатда, фаолиятнинг қайси соҳаларига ким жавоб бериши ва қандай мажбуриятларни бажариши керак?

☐ Шу вақтгача ЖҚЙМнинг бошқа эҳтимолдаги иштирокчилари билан ўзаро муносабат тажрибаси қандай бўлган?

☐ Шу вақтгача иштирокчилар орасидаги ҳамкорлик ва муносабат сифати қандай бўлган?

☐ Мавжуд шахслараро муносабатларда қандай кучсиз томонлар мавжуд?

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз ЖҚЙМда фаолият ва мажбуриятлар/соҳалар тақсимланишини қай даражада яхши тушунасиз? Сизнинг бунга муносабатингиз қандай?

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз мажбуриятлар ва масъулият доирасининг тақсимланиш услуби сабабли кучсиз томонлар вужудга келишини тахмин қиласизми?

Ўқитиш бўйича таклифлар

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз ЖҚЙМ тузилмасининг бўлажак аъзоларини ўқитиш масаласига муносабатингиз қандай?

☐ Ўқитишнинг қандай тури самаралироқ бўлади? Ким учун?

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз ушбу ўқитишдан қандай натижалар кутяпсиз?

☐ Ўқитиш жараёнида қандай умумий афзалликлар қамраб олиниши керак?

☐ Сизда ёки Сизнинг ташкилотингизда ўқитиш жараёнида қондирилиши лозим бўлган қандай шахсий эҳтиёжлар мавжуд?

☐ Сиз ёки Сизнинг ташкилотингиз фикрича, ўқитишдан сўнг кейинги босқичлар сифатида нималар қилиниши лозим?

Қўшимча шарҳлар ва саволлар:

3.3. Мазмун ва ўқитиш дастури:

ЖҚЙМ ривожланишининг дастлабки босқичидаги баҳолаш асосида ўқитиш ва потенциални ривожлантириш дастури доирасида муҳокамалар ёки семинарлар ташкиллаштириш муҳимдир. Семинарлар қуйидаги асосий йўналишларга бағишланиши мумкин:

- Тренинглар ўтказиш учун энг муҳим масалаларни аниқлаш;
- ЖҚЙМ иштирокчилари потенциалини ривожлантириш;
- ЖҚЙМ жамоаси иштирокчиларининг ваколатлари ва масъулияти доирасини ривожлантириш;
- Ўқитиш ёрдамида жамоавий ишга кўмак бериш ва самарали ҳамкорлик стратегияларини ривожлантириш.

Ҳамкорликдаги иштирокка асосланган ва баҳолаш вақтида қўлланиладиган ёндашувнинг афзалликларидан фойдаланган ҳолда, семинарни ўқитиш ва потенциални ривожлантириш бўйича иштирокчиларнинг кутаётган натижаларини аниқлашдан бошлаш мумкин. Кейинги босқичлар доирасида, навбатдаги саҳифада берилган модулларни

Потенциални ривожлантириш ва ўқитишга қаратилган таклиф этилаётган модуллар

Асосий масалалар/мавзулар

- Институтларни яратиш
- Хулқ-атвор кодекси
- Фаолият тамойиллари
- Жамоани яратиш
- Жамоавий фаолият
- Маълумот етказилишини ташкиллаштириш ва мулоқот қилиш услублари
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти орасидаги ҳамкорлик
- Вақтни бошқариш
- Жараёнларни бошқариш
- Ташкилот доирасида маълумотларнинг етказилиши
- Хавфсизлик
- Маълумотлар хавфсизлиги
- Ўз-ўзини бошқариш
- Етакчилик
- Назорат
- Ваколатларни топшириш малакалари
- Молиявий маблағларни излаш
- Ташаббус кўрсатиш
- Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш
- Жабрланувчиларни ҳимоя қилиш бўйича суд жараёни
- Видеоалоқа ёрдамидаги сўров
- Моҳир сўров

Моҳият

- Жабрланувчилар билан ишлаш андозалари
- Одамлар савдоси жабрланувчилари билан амалий фаолият
- Биринчи суҳбат ва маслаҳат, аниқ ҳолатлар таҳлили
- Ҳуқуқий асослар
- Амалдаги ҳуқуқий нормалар (шунингдек халқаро ҳужжатлар)
- Инсон ҳуқуқларига риоя қилишни ҳисобга олган муносабат
- Активлар, мол-мулк ва пул маблағларини мусодара қилиш
- Жабрланувчилар ҳуқуқларига, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари эҳтиёжларига эътиборли муносабат
- Мониторинг ва баҳолаш услубиётлари
- (Иккиламчи) жароҳат олиш ва руҳий зарба оқибатлари билан ишлаш
- Бошпана тақдим этиш тартиби қоидалари
- Виза тартиби
- Меҳнат қилишга рухсат
- Қайтиш жараёни

Ўқитиш бўйича қўшимча имкониятлар қўлланмалардан фойдаланишни ёки аниқ эҳтиёжларга асосланган махсус семинарларни ўтказишни ўз ичига олиши мумкин.

IV. МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ОДАМЛАР САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ЙЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ҚАНДАЙ?

ЖҚЙМни яратиш фаол жараён ҳисобланади. Барча таркибий қисмлар энг бошидан мавжуд бўлиши шарт эмас; улар босқичма босқич ишлаб чиқилиши мумкин.

1. Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари идентификацияси

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини ҳукумат ва нодавлат тузилмалари томонидан идентификация қилишнинг турли услублари мавжуд.

Ҳар бир ЖҚЙМ асосида одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини манфаатдор субъектлар томонидан идентификация қилиш жараёни, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчиларини тегишли махсуслаштирилган муассасаларга юборишни таъминлаш мақсадида бундай тузилмалар орасида ҳамкорлик мавжуд.

Янги тузилган ЖҚЙМларга эга мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини идентификация қилишда жавобгар бўлган асосий тузилмалар ҳисобланиши мумкин. Шунга қарамай, кўпгина бошқа институтлар ва алоҳида шахслар ўз фаолиятида одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини учратишлари мумкин, шунинг учун уларга ҳам маълумотларнинг муҳим манбалари сифатида қаралиши лозим. Ҳар томонлама маълумотга эга ва манфаатдор иштирокчилари мавжуд бўлган профессионал ЖҚЙМ идентификация жараёнига барча мувофиқ ҳамкорларни жалб этиши керак.

Ғарбий Европа мамлакатларидан бирининг таҳлилий тадқиқотига кўра, нодавлат ташкилотлар ва маҳаллий бошқарув органлари ўтказаётган одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини излаш бўйича фаол ишлари натижасида ва ишонч телефонлари ёрдамида барча одамлар савдоси жабрланувчиларининг 40% идан ошиғи аниқланади. 22%дан ортиқ жабрланувчилар фоҳишалар мижозлари ва бошқа шахслар томонидан аниқланади. Ва фақатгина ёрдамга муҳтож бўлган 13,9% одамлар савдоси жабрланувчилари полиция томонидан аниқланади ва қайта йўлланади[27].

Одамлар савдоси жабрланувчиларини аниқлаш жиноятнинг мураккаблиги ва унда уюшган гуруҳлар қатнашаётганлиги туфайли анча вақтни талаб қилади. Одамлар савдогари ва жабрланувчи орасидаги ўзаро муносабат оддий эмасдир, чунки жиноятчи кўпинча қонуний мақомга эга бўлмаган жабрланувчини давлатдан "ҳимоя қилади". Жабрланувчи одамлар савдогарига нисбатан боғлиқликни ва эрксизликни ҳис этиши мумкин[28].

---

27 On the Road, Article 18: *Protection of Victims of Trafficking and the Fight against Crime (Italy and the European Scenarios). Research Report* (Мартинсикуро, 2002 й.), 88-бет ва ҳоказо.

28 Франческо Карчединиг (Francesco Carchedi) тадқиқотига қаранг. У одамлар савдоси жабрланувчилари ва бошқа иштирокчилар, жумладан мижозлар, ижтимоий хизматчилар ва полиция орасидаги ўзаро муносабатнинг мураккаблигини кўрсатиш мақсадида ўзаро таъсирнинг бир неча намунасини яратди. Francesco Carchedi, *Voluntary and involuntary prostitution deriving from trafficking of women. Some Structural Characteristics,* (Прага, 2003 й.).

Одамлар савдоси жинояти содир этилиши давомида вужудга келадиган турли муносабатларнинг мураккаблиги ва кўплигини эътиборга олган ҳолда, ташқи субъектлар, шунингдек, ижтимоий хизматчилар ва полиция томонидан жабрланувчиларни аниқлаш бўйича фаолият қийинлашиб бормоқда.

1.1. Идентификация жараёнининг андозалари

Одамлар савдоси жабрланувчилари давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки ижтимоий ҳимоя масалалари билан шуғулланувчи НДТлар ва маҳаллий ташкилотлар томонидан аниқланиши мумкин. Ушбу тузилмалар зарур тарзда ўқитилганлиги ва жабрланувчиларни қайта йўллаш тизимининг мавжудлиги мақсадга мувофиқдир.

Ўзаро ишончни ривожлантириш, шунингдек одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари билан алоқа ўрнатиш учун қўллаб-қувватлаш тизими доирасида қуйидаги таркибий қисмлар мавжуд бўлиши лозим:

*Одамлар савдо сининг гумондаги жабрланувчиларини излаш бўйича фаол иш олиб бориш**

Ижтимоий фаолиятнинг ушбу шакли ЕХҲТнинг кўпгина иштирокчи-давлатларида олиб борилади. У фоҳишалик билан машғул одамларни хабардор этиш ва соғлиқни сақлаш мақсадида кўпинча жойларда ёки кўчаларда иш олиб бориш кўринишида амалга оширилади[29]. Кўчаларда иш олиб боришнинг бошқа шакллари қаровсиз болаларга ёрдам беришга йўналтирилиши мумкин.

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини ишлашга мажбур этишган шароитларда фаол иш олиб бориш уларни қўллаб-қувватлашдаги асосий жиҳат ҳисобланади. Ижтимоий хизматчиларнинг қатъий ва ҳурмат билан ёндашуви, шунингдек соғлиқни сақлаш ҳақидаги ва қўллаб-қувватловчи ташкилотлар тўғрисидаги асосий маълумотларни тақдим қилиш мақсад гуруҳлари ва профессионаллар орасида ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради[30]. Бу одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисининг қўллаб-қувватловчи тузилмага мурожаат этишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, фаол иш олиб бориш НДТларига одамлар савдоси ҳолатини кузатишга ва акс эттиришга, шунингдек жабрланувчилар эҳтиёжлари таҳлилини ўтказишга баъзида имкон бериши мумкин[31].

---

* Кейинги матнда – фаол иш олиб бориш – муаллиф изоҳи.

29 EUROPAP (http://www.europap.net/) ва TAMPEP (http://www.europap.net/links/tampep.htm).

30 Ушбу тажриба Шимолий Америка, Ғарбий ва Марказий Европада кўпгина нодавлат ташкилотлар томонидан қўлланилади. Мисоллардан бири – Дортмунднинг Mitternachtsmission, Германия (http://standort-dortmund.de/mitternachtsmission/).

31 27-изоҳга қаранг, Article 18, 248-бет.

Ишонч телефонлари

Турли жиноятлар жабрланувчилари, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчилари учун ишонч телефонлари рақамлари оммавий ахборот воситаларидаги тадбирлар орқали ЕХҲТнинг кўпгина иштирокчи-давлатларида реклама қилинади. Қўллаб-қувватловчи тузилмалар тўғрисидаги асосий маълумотлар ва ишонч телефонлари рақамлари мавжуд варақалар фаол иш олиб бориш давомида тарқатилиши мумкин. Бундан ташқари, уйдаги зўравонлик жабрланувчилари учун ишонч телефонларига эга бўлган ташкилотлар ЖҚЙМ тузилмалари тўғрисида хабардор этилиши ва улар билан бириктирилиши мумкин, чунки улар ҳам одамлар савдоси ҳолатлари билан юзма-юз келишлари эҳтимолига эга. Шунингдек, ишонч телефонлари мумкин қадар чет тилларда маслаҳат бериши керак.

Жабрланувчиларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан идентификация қилиниши

2002 йил Жанубий-Шарқий Европада ўтказилган жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш дастурларининг тадқиқоти қуйидаги натижаларни кўрсатди: одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларининг фақатгина учдан бир қисми ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган. Кўпгина жабрланувчилар бошпана тақдим қилувчи қўллаб-қувватлаш дастурларига ва муассасаларига юборилмаганлар, балки келгусидаги депортация мақсадида ҳибсда сақлаш марказларига ва қамоқларга жўнатилганлар[32].

Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги кўпгина сабаблар билан тушунтирилади:

- Жабрланувчилар полиция билан алоқада бўлмасликлари учун одамлар савдогарлари уларга таҳдид қилишади;
- Жабрланувчилар ўз мамлакатларидаги аввалги тажрибалари ва олиб борилган мамлакатдаги ноқонуний мақоми туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонмайдилар;
- Жабрланувчилар кўпинча жароҳатдан кейинги руҳий зарбадан азоб чекадилар ва шафқатсиз муносабатнинг жабрланувчилари сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари томонидан ўтказиладиган дастлабки сўровларда дучор бўлган зўравонликлари тўғрисида сўзламайдилар[33];
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларга кўпинча одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини тегишли тарзда сўроқ қилиш учун зарур бўлган ходимлар, инфратузилма, шунингдек махсус тайёрланган таржимонлар етишмайди. Айниқса, бу полиция тадбири ўтказилиши натижасида кичик полиция бўлимлари кўп сонли одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари билан дуч келганда намоён бўлади[34].

---

32 8-изоҳга қаранг, Limanowska, 152-бет.

33 Одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёлларнинг психологик ҳолатини комплекс тарзда тасвирлаш Animus Association Foundationда келтирилади (Анимус ассоциацияси фонди)/La Strada Bulgaria, *Trafficking in Women, Questions and Answers* (София, 2002 й.).

34 SECI, *Evaluation report of Operation Mirage. A SECI Effort to Combat Trans-Border Trafficking of Human Beings & Illegal Migration* (Бухарест, 2003 й.), 7-бет.

Шундай қилиб, жабрланувчиларни аниқлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўпинча фойдаланиладиган сўровномалар ёки кўрсаткичлар рўйхатларини жиноятга тааллуқли маълум жиҳатларнинг аниқлаштирилиши воситаларидан бири холос, деб ҳисоблаш мумкин. Улар кўпинча маълум бир шахс одамлар савдоси жабрланувчиси эканлигини аниқ белгилашга ёрдам бера олмайди.

1.2. Ижобий амалиёт намуналари

Гамбургнинг (Германия) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан фойдаланиладиган кўрсаткичлар рўйхати тергов амалиётининг ижобий намунасини ифодалайди ва жабрланувчининг кўрсатмаларига қўшимча равишда, содир этилган одамлар савдоси жинояти тўғрисида далилларни тўплашга ўз эътиборини қаратади:

1 Аёл тўғрисида баённома ва умумий маълумот

Шахсий эркинликни чеклаш, масалан:

- Мулоқотда ва ижтимоий муносабатларни ривожлантиришдаги чекловлар;
- Берк жойда яшаш;
- Доимий назорат;

Иш ҳақининг ўзига хос томонлари:

- Аёл ўзи ишлаб топган пул маблағларидан фойдалана олмайди, ёки бевосита ишлаб топган пул маблағларини олиш имкониятига эга эмас;
- Фоҳишахона эгаси/“эксплуататор” аёлнинг даромадини (ёки унинг қисмини) учинчи шахсларга тўлайди;
- Тўловлар немис фоҳишалари учун мавжуд тўловларнинг андоза даражаларидан фарқланади (бошқа фоизлар);
- Аёлнинг транспорт ҳаражатлари ва кийим-кечак учун фоҳишахона эгаси/“эксплуататор”/учинчи шахслар олдида қарзлари мавжуд (у қарзларини назорат қилмайди ёки уларнинг миқдори номутаносиб равишда катта) ва аёл қарзларини пул ишлаб топишни бошлагунча ёки ишини тўхтатгунча тўлаши лозим;
- Аёл бир кунда ёки бир ҳафтада аниқ белгиланган минимал миқдордаги пулни ишлаб топиши лозим;
- Фоҳишахона эгаси пул ўтказмаси тўғрисидаги шартнома учун ҳақ тўлаган ва унинг қийматини аёл қоплаши керак.

Ишдаги вазият:

- Аёл доимо фоҳишахона эгаси/“экасплуататор” назорати остидадир;
- Аёл суткасига 24 соат клубда/фоҳишахонададир;
- Аёлга мижозларга хизмат кўрсатишни ёки бошқа бирор бир хизматларни бажаришни рад этишга рухсат беришмайди;
- Аёлга ишни тўхтатишга ёки ўз уйига қайтишига рухсат беришмайди.

Ёллаш:
- ➔ Аёлга у фоҳишалик билан шуғулланиши тўғрисида айтишмаган.

2 Объектив хулосалар

Аёлнинг вазияти, масалан:
- ➔ Аёлнинг паспорти йўқ;
- ➔ Аёлнинг пули йўқ;
- ➔ Аёлнинг танасида ёмон муносабат излари мавжуд.

Полиция мулоҳазалари, масалан:
- ➔ Иш шароитлари;
- ➔ Жиноятга аралашган шахслар доираси.

3 Новербал кўрсаткичлар

Ташқи кўриниш, масалан:
- ➔ Пала-партиш ва қаровсиз ташқи кўриниш;
- ➔ Ёмон муносабат излари.

Хулқ-атвор, масалан:
- ➔ Аёл очиқчасига сўзлашишга ҳадди сиғмайди;
- ➔ Аёл ўзини қандай тутиш тўғрисида йўриқнома олгандек таассурот қолдирмоқда;
- ➔ Аёл қочишга ҳаракат қилган;
- ➔ Аёл клубда/фоҳишахонада бошқа аёллардан ўзини четга олмоқда ёки улардан алоҳида сақланмоқда;
- ➔ Аёл безовталикни ҳис этмоқда;
- ➔ Аёл жуда ҳиссиётлидир;
- ➔ Аёл кучли қўрқувни ҳис этмоқда.

Чехия Республикасидаги “Ла Страда” НДТи томонидан ишлаб чиқилган қайта йўллаш механизми турли манфаатдор субъектларнинг ўзаро фаолиятига яхши намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин:

“Ла Страда” ташкилоти ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат бериш бўйича комплекс хизматларни тақдим этади.
Имкониятдан фойдаланиш тартиби:
Одамлар савдоси жабрланувчиси ташкилот билан қуйидаги усуллар билан боғланиши мумкин:

1) Чехия полициясининг бўлими орқали. Аёлларнинг катта қисми Чехия Республикаси полициясининг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича

бўлимининг тадбирлари давомида озод этилади. Бундай ҳолатларда, жабрланувчи биздан ёрдам олиш хоҳишини изҳор этса, у бизга берилади. Полиция тадбири давомида "Ла Страда" вакилининг иштирок этиши, шунингдек маслаҳат бериш ва ёрдам кўрсатишни таклиф қилиши ўзининг самарадорлигини исботлади. Одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёлларга маълумот бериш ва ёрдам кўрсатишда полиция билан ҳамкорлик қилиш яхши йўлга қўйилган.

2) Чехия Республикасининг бошқа ташкилотлари орқали одамлар савдоси жабрланувчилари турли соҳаларда махсуслашган маслаҳат марказларига мурожаат қилишлари мумкин (масалан, Чехия Хельсинки Қўмитаси, Фуқаровий маслаҳат марказлари, кўчада ишловчи ташкилотлар ва ҳоказо). Бундай ҳолатларда ушбу ташкилотлардан бирон бирининг ходими "Ла Страда" билан боғланади ва жабрланувчи унга берилади.

3) Чет элдаги бошқа ташкилотлар орқали: одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган Чехия фуқаролари қўллаб-қувватловчи маҳаллий ташкилотларга мурожаат қиладилар ва бу ташкилотлар "Ла Страда" билан боғланадилар. Аёллар хоҳиш билдирганда ва Чехия Республикасига қайтгангандан сўнг, "Ла Страда" уларга ёрдам кўрсатади.

4) Бошқа йўналишлар: одамлар савдоси жабрланувчиси ташкилот билан ишонч телефони орқали боғланиши ёки "Ла Страда"нинг ижтимоий хизматчиси билан ёзма равишда алоқа ўрнатиши мумкин. Одамлар савдосининг аёл-жабрланувчилари билан ижтимоий хизматчи боғланади. Биринчи суҳбатнинг асосий мақсади – жабрланувчининг ишончини қозониш, шунингдек унинг эҳтиёжлари ва кутаётган натижаларини аниқлашдир. Ушбу жабрланувчининг тоифасини, айни дамдаги вазиятини ва шахсий эҳтиёжларини аниқлаш лозимдир. Бу маълумот асосида жабрланувчи "Ла Страда" хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Жабрланувчининг хоҳишига кўра шартнома имзоланиши мумкин.

Сўнгра, имкониятлардан фойдаланишни ташкиллаштиришнинг охирги босқичида, ҳар бир жабрланувчи билан ишлашнинг шахсий режаси тузилади[35].

1.3. Умумий хулосалар

Манфаатдор субъектларнинг комплекс тизими одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини аниқлаш жараёнига жалб этилиши мумкинлиги ва лозимлигини хулосада таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Ушбу иштирокчилар ўқув машғулотларидан ўтишлари ва ҳеч қандай камчиликсиз жабрланувчиларни қайта йўллаш жараёнини таъминлаш мақсадида бирлашишлари керак.

35 "Ла Страда", Чехия Республикаси, *Information on services provided by La Strada CR* (Прага, 2003 й.).

Идентификация жараёни одамлар савдосининг аниқланаётган жабрланувчилари фикрларини ва танлов эркинлигини ҳурмат қилишга асосланиши керак. Шунинг учун идентификация жараёни инсон ҳуқуқларига риоя қилиш андозаларига асосланган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизмининг ажралмас қисми бўлиши керак.

1.4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга йўлланган хулосалар

- Агар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда одамлар савдоси жабрланувчилари ҳақиқатан ҳам жабрланувчи эканликларига шубҳа уйғонса, бу органлар уларни гумондаги жабрланувчилар сифатида биринчи сўроқ давомида идентификация қилиши мумкин;
- Сўроқ қилинаётган шахснинг ҳуқуқий мақомидан қатъий назар қуйидаги минимал андозаларга биринчи сўроқ давомида риоя қилиниши керак:
  - Гумондаги жабрланувчи полиция сўроғи тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисида хабардор этилиши лозим;
  - Маълумот аниқ-равшан тарзда ва одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси она тилида ифодаланиши керак;
  - Сўроқ давомида тажрибали таржимонлар иштирок этиши зарур;
  - Кишининг шахсий ҳаётига дахлдор масалаларни четлаб ўтиш лозим, масалан, жинсий муносабатлар ва фоҳишалик билан шуғулланганлик масалалари;
- Одамлар савдоси жинояти таркибининг очиқ-ойдин жиҳатлари аниқланган ҳолатлардагина, гумондаги шахс одамлар савдоси жабрланувчиси сифатида идентификация қилиниши мумкин. Жиноятнинг мураккаблиги ва руҳий жароҳатдан сўнг одамлар савдоси жабрланувчисининг заиф ҳолати сабабли бу кўп вақтни талаб этиши мумкин;
- Одамлар савдоси жабрланувчиси ўз-ўзини идентификация қилиши жараёнининг самарали бўлишига ёрдам берувчи энг таъсирли восита "ўйлаб кўриш учун вақт" берилиши ҳисобланади. Бу вақт одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига берилиб, ушбу муддат давомида улар тегишли хизматлар ва маслаҳатлар олишга жўнатилади ва бу ҳолатда улар ўз мақоми тўғрисида дарҳол кўрсатмалар беришлари зарур эмасдир[36]. Ўйлаб кўриш учун вақт одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисига мувофиқ ёрдамни олишга ва қарорларни англаб қабул қилишга имконият яратиб беради;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари кўрсатмаларидан ташқари, барча далилларни аниқлаш ва мувофиқ маълумотларни олиш мақсадида бошқа далиллар ҳам тўпланиши лозим. Бу ушбу иш одамлар савдоси жинояти эканлигини аниқлашга имконият яратади[37].

---

36 2002 й., 24 октябрда Лондонда ўтказилган Европа Иттифоқининг Давра суҳбати тавсияларига қаранг. Унда қуйидаги ҳисобот тақдим этилган: Anti-Slavery International, *Human Traffic, Human Rights: Redefining victim protection* (Хоршам, 2002 й.).

37 11-изоҳга қаранг, БМТИҲБКининг тавсия этаётган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, 5-Бошқарув қоида, 3-модда: «Терговчилар жабрланувчиларнинг кўрсатмаларига юқори даражада боғлиқ бўлмаслиги мақсадида давлатлар огоҳлантирувчи тергов тартибларини ишлаб чиқишни рағбатлантириши ва қўллаб-қувватлаши керак».

2. Ҳамкорлик тўғрисида битимларнинг асосий тамойиллари

Давлат ва нодавлат тузилмалари орасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар жиноий таъқибни жабрланувчининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан уйғунлаштиришга имкон яратади. Амалиётда ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ўзаро тушуниш тўғрисидаги расмий меморандумни имзолаш орқали ёки фармойишларни чиқариш натижасида вужудга келади ва ушбу фармойишларга мувофиқ равишда одамлар савдоси жабрланувчилари ҳибсда сақланишдан қўллаб-қувватловчи ва ҳимоя қилувчи НДТларга топширилади. Ушбу фармойишлар ва битимлар ҳар бир ЖҚЙМнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат ва нодавлат тузилмалари орасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тузган давлатларнинг тажрибасига кўра, ушбу битимларнинг мавжудлиги одамлар савдогарларига нисбатан суд таъқиби ҳолатлари миқдорини оширади. Ушбу ҳолатга битимларни имзолаш орқали яратилган шароитлар натижасида жабрланувчининг ҳамкорлик қилишга ва судда кўрсатмалар беришга бўлган катта тайёргарлиги ёрдам беради[38].

Эҳтимолдаги мураккаб ҳуқуқий вазиятларнинг келиб чиқиши туфайли одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини қайта йўллаш жараёни ЖҚЙМнинг асосий иштирокчилари орасидаги ёзма битим орқали тартибга солиниши таклиф этилади[39].

2.1. Расмийлаштирилган ҳамкорлик андозаси

Ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, одатда, музокаралар натижасида ёки мувофиқ вазирликларнинг ички фармойишларини қабул қилиш орқали вужудга келади (кўпгина ҳолатларда бу Ички ишлар вазирлиги ёки Адлия вазирлиги бўлади). Қандай услуб қўлланилишидан қатъий назар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисини қайта йўллаш учун жавобгар полиция бўлими, шунингдек ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни тақдим этувчи ва жабрланувчиларни қабул қилувчи НДТнинг роли белгиланиши керак.

Фармойиш

Ички фармойиш мувофиқ вазирлик томонидан чиқарилиши ва йўриқномаларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу йўриқномага мувофиқ полициядаги жавобгар тузилмалар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига дуч келганда уларнинг ҳуқ-

38 16-изоҳга қаранг, *Trafficking in Human Beings 2002*, 3-бет.

39 Одамлар савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Европа конференциясининг тавсияларига қаранг – 21-асрнинг глобал даъвати, 2002 й. 18-20 сентябрь, Одамлар савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида Брюссель декларацияси: «Минимал андозалар протоколлари одамлар савдоси жабрланувчиларига шошилинч ёрдамни кўрсатиш масаласида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хизматлар, халқаро ташкилотлар ва НҲТлар орасида тузилиши керак», 13-модда.

уқий мақомидан қатъий назар, ушбу одамни ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотига юбориши керак[40].

Умуман олганда, фармойиш қайта йўллаш механизми фаолиятида юқори мослашувчанликни тақдим этиши мумкин. Полиция нодавлат соҳасидаги ташкилотлар-ҳамкорларни танлаш имкониятга эга, чунки маълум НДТлар билан мажбурият юкловчи битимлар мавжуд эмас. Баъзи Европа мамлакатларида полиция томонидан одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари юборилиши мумкин бўлган НДТларни аккредитация қилиш тизими мавжуд. Шундай ҳолатда, НДТлар ушбу вазиятда шартномалар билан боғланиб қолмайди ва бу нарса уларга юқори даражадаги мустақилликни беради. Фармойишда мавжуд бўлган мослашувчанлик оқибатда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқарув органларида турли ташкилотлар орасидан танлаб олиш имконияти мавжуд ва бу нодавлат ташкилотларидаги молиявий вазиятни ва бундай ташкилотларнинг юқори беқарорлик даражасини ҳисобга олишга имкон яратади.

Фармойиш қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин[41]:

- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси мамлакатдан чиқариб юборилишини олдини олиш;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисига ўйлаб кўриш учун вақт ёки яшаш учун вақтинчалик рухсат бериш;
- Маслаҳат берадиган нодавлат ташкилотга одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисини юбориш;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси кўрсатмалар беришни истаганда, полициянинг ҳимоя чораларини ёки гувоҳни ҳимоя қилиш чораларини нодавлат ташкилотлар тақдим қилаётган хизматлар билан мувофиқлаштириш;
- Нодавлат ташкилотлар томонидан маслаҳатлар ва бошпана берилиши.

Ўзаро тушуниш тўғрисида меморандум

Битимларнинг энг кенг тарқалган шакли мувофиқ ташкилотлар орасида тузиладиган ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандумдир (ЎТМ). ЎТМнинг афзаллиги шундаки, иккала томон ҳаракатларнинг батафсил кетма-кетлигини, шунингдек ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятларни аниқ тасаввур этадилар[42].

Қуйида ўзаро тушуниш меморандумидаги ижобий амалиётдан намуна берилган[43].

---

40 Масалан, бундай вазият Германиядаги Шимолий Рейн-Вестфалия ва Қуйи Саксония ерларида, шунингдек Голландияда мавжуд.

41 «Одамлар савдоси ҳолатларида жабрланувчи-гувоҳларни ҳимоя қилиш масалаларида маслаҳат берувчи ташкилотлар ва полиция орасидаги ҳамкорликни тартибга солиш» ҳужжатидан кўчирма – Германия Федератив Республикаси Қуйи Саксония ери Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг қўшма циркуляр фармойиши, 2001 й. 10 октябрь.

42 Полиция ва жабрланувчиларни ҳимоя қилувчи ташкилотлар орасидаги Ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандум кўпгина мамлакатларда амал қилади, жумладан, Германия ва Чехия Республикасида.

43 Қуйидаги таркибий қисмлар ЕХҲТнинг Сербия ва Черногория Миссияси томонидан 2002 й. ишлаб чиқилган ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандум лойиҳасидан олинган.

Ўзаро тушуниш тўғрисида меморандумнинг таркибий қисмлари

Ҳамкорлар

Битим тузувчи ҳамкорларни аниқлаш лозим. Агар ЎТМ полициянинг аниқ бўлимларини, масалан, одамлар савдосига қарши курашиш бўйича бўлимни, шунингдек ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни тақдим қилувчи аниқ ноодавлат ташкилотлар номларини белгилаб ўтса, келгусидаги ҳамкорлик енгилроқ бўлади.

Мақсадни белгилаш

Асосий тамойиллар ва ҳамкорлик мақсади белгиланиши керак.

Ҳамкорлик тамойиллари

Ҳамкорликнинг асосий тамойили одамлар савдосига қарши курашишнинг ҳамкорликка асосланган ёндашувидир. Бу жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни, шунингдек жиноятчиларни муваффақиятли таъқиб этишни ўз ичига олади.

Мақсад гуруҳи

ЎТМ ёрдами қаратиладиган аниқ мақсад гуруҳини белгилаш одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисини муваффақиятли қайта йўллашга кўмак беради Идентификация қилишнинг мезонлари ва манбалари Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколига асосланиши мумкин.

Турли мажбуриятларни батафсил белгилаш

Ҳамкорлик бўйича барча томонларнинг турли ваколатлари ва мажбуриятларини белгилаш нодавлат ва давлат институтлари орасидаги ҳамкорликнинг очиқ-ойдин бўлишига ёрдам беради. Ваколатлар ва мажбуриятлар равшан ифодаланган ва ҳамкорларга ҳам, мақсад гуруҳларига ҳам тушунарли бўлиши лозим.

Томонлар орасидаги ҳамкорлик жараёнининг тафсилотлари

Томонлар амал қиладиган тартиб ЎТМда батафсил таърифланган бўлиши керак.

Полиция бажариши лозим бўлган ҳаракатлар масаласида қуйидаги мумкин қадар кўп бандлар ЎТМга киритилиши керак:

- Агар шароитлар шахснинг одамлар савдоси жабрланувчисига айланиши мумкинлигини кўрсатса, унинг одамлар савдоси жабрланувчиси эканлиги тўғрисидаги презумпциянинг мавжудлиги;
- Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш хизматларини амалга оширувчи ташкилотга юборилиш эҳтимоли тўғрисида одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчисини (оғзаки ёки ёзма равишда) хабардор этиш;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси кўрсатмалар бериш истагидан қатъий назар у билан ўтказиладиган биринчи сўроқдан сўнг ҳамкор-НДТ билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- Ўйлаб кўриш учун вақт бериш;

- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси одамлар савдогарлари содир этадиган хавф даражасига дуч келиши масаласида ҳамкор-НДТ билан ҳамкорлик бўйича маслаҳатлар.

Ҳимояловчи ва қўллаб-қувватловчи ташкилотлар амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар масаласида қуйидаги мумкин қадар кўп бандлар ЎТМга киритилиши керак:

- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси дарҳол ва тўлиқ равишда ташкилот ва унинг ваколатлари тўғрисида хабардор этилиши, шунингдек келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар тўғрисида барча маълумотни (ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда) олиши керак;
- Ташкилот жисмоний ва психологик реабилитация учун бошпана ва зарур хизматларни тақдим этиши керак;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси жиноий таъқиб органлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги англанган қарорни қабул қилган ҳолатда, ташкилот полиция билан алоқа ўрнатиши керак;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси ўз мамлакатига қайтиш тўғрисидаги англанган қарорни қабул қилган ҳолатда тегишли ижтимоий институтлар билан боғланиш ва қайтишни ташкиллаштириш зарурдир;
- Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси жиноий жараёнда иштирок этган ҳолатда унга юридик вакилликни, шунингдек суд жараёни давомида ва ундан сўнг уни кузатиб юришни ташкиллаштириш шаклидаги ёрдамни кўрсатиш лозим.

Маълумотлар билан ўзаро алмашиниш

Иккала ҳамкор одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси шахсий маълумотига маъсулият ва махфий тарздаги муносабатда бўлиш мажбуриятини олиш керак.

Маълумотларнинг самарали алмашинишига кўмак бериш мақсадида ҳамкорлик бўйича иккала томон аввалдан белгиланган вақтда боғланиш мумкин бўлган алоқа ўрнатувчи шахсларни тайинлаши лозим[44].

Ҳамкорлик бўйича томонлар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг хавфсизлигига алоқадор масалада маълумот алмашишлари лозим.

Қўллаб-қувватлаш давомийлиги

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига кўрсатилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг давомийлиги улар олиб борилган мамлакатдаги мақомига, ташкилотлар эга бўлган ички қоидалар ва моддий ресурсларга боғлиқ.

---

44 Жуда узоқ вақт давомида полиция ходимларининг уюшган жиноятчилик тузилмаларига бевосита яқин бўлишини четлаб ўтиш мақсадида одамлар савдоси ҳолатларини тергов қилиш билан шуғулланувчи кўпгина полиция бўлинмаларида маъсул ходимларнинг алмашинуви мавжуд. Буни алоқа ўрнатувчи шахсларни тайинлашда ҳисобга олиш лозим.

Ҳамкорлик бўйича ҳамкор-НДТни молиялаш
Нодавлат соҳадаги ҳамкорлик бўйича томонни молиялаш ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг амал қилиниши давомида таъминланиши керак. Ҳам давлат, ҳам чет элдаги ҳомийларни белгилаш зарурдир.

ЎТМнинг кучга кириш муддати
Барча мувофиқ томонлар ЎТМни имзолагандан сўнг у кучга киради.

ЎТМга ўзгартиришлар киритиш ва уни кенгайтириш
Бу ўзаро маслаҳатлар асосида амалга оширилади.

2.2. Хулосалар

Ҳукумат ва нодавлат соҳалар орасидаги ҳамкорлик икки марказий тамойилга асосланиши керак: ваколатларнинг аниқ белгиланиши ва очиқ-ойдинлик.

Нодавлат соҳадаги ҳамкорлик бўйича томон одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси билан мувофиқ муносабатда бўлиш учун инфратузилма яратиши лозим ва бу биринчи маслаҳатни беришга, шунингдек фавқулодда ҳолатларда яшаш учун жойни кафолатлашга имкон яратади (Тўлиқ маълумот олиш учун IV.3.2, *Яшаш учун жой бериш қаранг*).

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига хизматларни таклиф этаётган кўп сонли НДТлар мавжуд бўлганда, НДТлар уюшмаси тузилиши ва сўнгра у ҳамкорларнинг бири сифатида ЎТМни имзолаши мумкин[45]. Бунда НДТларни аккредитация қилиш тизими яратилиши ва аккредитациядан ўтган ҳар бир ташкилот ҳокимият органлари билан алоҳида ЎТМни имзолаши мумкин.

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари уларга тегишли бўлган барча мавжуд хизматлар тўғрисида тўлиқ хабардор этилишлари керак. Улар ўз шахсий манфаатларига энг маъқул тарзда жавоб берувчи тўлиқ англанган қарорларни қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

[45] Сербияда ижтимоий таъминот органлари ва НҲТлардан тузилган гуруҳ қўллаб-қувватловчи ва ҳимоя қилувчи ташкилотлар учун биринчи алоқа ўрнатиш органини яратди. Бу гуруҳ одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси билан дастлабки суҳбатни ўтказади, сўнгра уни тааллуқли ташкилотга юборади. *Anti-Trafficking Activities of the Yugoslav Team to Combat Trafficking in Human Beings, 2001/2002* (Белград, 2001 й.)га қаранг.

3. Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар

Ушбу бўлимда одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс дастурини шакллантирадиган учта таркибий қисм таърифланади: молиявий ёрдам, бошпана бериш, шунингдек махсуслаштирилган хизматлар. Ушбу хизматларга жабрланувчиларни жўнатиш ЖҚЙМнинг асосий мақсадидир.

"Давлатлар жабрланувчиларга бошпана ва ёрдам таклиф қилишлари, шунингдек уларга меҳнат қилиш ва ҳаёт учун пул топишни таклиф қилган ҳолда уларнинг ўз ҳаётлари устидан назоратга яна эга бўлиш хоҳишини ҳурмат қилишлари лозим"[46].

"Бошпана, ҳимоя ва ёрдам олиш имкониятини яратиш ва уларни тақдим қилиш ўз вақтида ва мутаносиб тарзда молиялаштирилиши керак. Одамлар савдоси соҳасида бу кўпинча халқаро, ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотларнинг бошпана бериш бўйича фаолиятларини мувофиқ тарзда молиялаштиришни билдиради. Бу, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг, айниқса НДТларнинг мустақил мақомини таъминлашга ёрдам беради"[47].

3.1. Молиявий ёрдам

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш мунтазам ва барқарор асосда ташкил этилиши керак. Бу жабрланувчиларга ўз келажаклари тўғрисида англаб етилган қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган вақтни бериш мақсадида қилиниши лозим. Афсуски, олиб бориш мамлакатларидаги учинчи давлат фуқароларининг заиф ҳуқуқий мақоми кўпинча одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси муҳтож бўлган ижтимоий, тиббий ва молиявий хизматларни олиш имкониятини истисно қилади.

ЕХҲТнинг кўпчилик иштирокчи-давлатлари қонунчилигида жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган қоидалар мавжуд эмас.

Шундай қилиб, одамлар савдоси жабрланувчилари жуда кам ҳолатларда ҳукумат томонидан молиявий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Одамлар савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни таъминлаш мақсадида бошқа жойлардан маблағларни излаш зарурияти келиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолатларда одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари учун маблағлар бошпана сўраётган қочоқлар ва шахсларга ёрдам бериш бўйича жамғармалардан ажратилиши мумкин.

---

[46] *Европа против торговли людьми,* ДИИҲБ конференцияси тўғрисидаги ҳисобот (Варшава, ЕХҲТ/ДИИҲБ, 2001 й.), 107-бет.

[47] 39-изоҳга қаранг, Брюссель декларацияси, 13-бўлим.

Одатдагидек, одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари учун маблағлар қуйидаги эҳтиёжларга ажратилади: яшаш учун жой, озиқ-овқат, тиббий ёрдам (баъзида шошилинч равишда), психологик ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат, маҳаллий транспорт ҳаражатлари ва бошқа барқарорлаштирув чоралари, шунингдек тил курслари ва ўқитиш. Шунингдек, ҳар бир жабрланувчининг турли эҳтиёжлари туфайли кутилмаган ҳаражатлар ёки фавқулоддаги ҳаражатлар вужудга келиши мумкин. Шунинг учун умумий хизматларни тақдим этиш бўйича бюджетда кўрсатилган бандлардан ташқари кутилмаган ҳаражатларни қоплаш учун вазиятга қараб фойдаланилиши мумкин бўлган қўшимча жамғармани яратишни кўзда тутиш таклиф қилинади.

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига молиявий ёрдам кўрсатишнинг икки асосий йўли мавжуд. Биринчи йўл – давлат бюджетидан маблағларни тўғридан-тўғри одамлар савдоси жабрланувчиларига бериш. Ушбу ҳолатда одамлар савдоси жабрланувчилари ҳар ойда ижтимоий ёрдам жамғармаларидан пул маблағларини олишади. Ушбу йўл кўп ҳолатларда жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишнинг энг маъқул усули бўлса ҳам, одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари кўпинча бундай ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Молиявий ёрдам кўрсатишнинг иккинчи йўли одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларни тақдим этувчи ташкилот ва тузилмаларга маблағларни ажратиш ҳисобланади. Бу тез-тез фойдаланиладиган йўлдир. Жабрланувчилар моддий ёрдамни асосан яшаш учун жой, озиқ-овқат ва маслаҳат олиш кўринишида оладилар. НДТлар ва бошқа ижтимоий институтлар кўпинча бир томондан умумий бўлган, бошқа томондан одамлар савдоси жабрланувчиларининг шахсий эҳтиёжларига мослаштирилиши керак бўлган хизматларни ишлаб чиқишга ва тақдим этишга маъсул бўладилар.

Хизматлар асосида молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳомийлар

Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига кўрсатилаётган ёрдамни давлат томонидан молиялаштирилиши одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ҳукумат дастурлари ёки лойиҳалари орқали амалга оширилиши мумкин. Бу ерга ижтимоий таъминот дастурлари, бошпана сўраган қочоқлар ёки шахслар учун маблағлар, жиноят жабрланувчиларига компенсация тўлаш учун маблағлар, жиноятларни олдини олиш учун маблағлар, аёлларга нисбатан зўравонликка йўл қўймаслик дастурлари, ёшларни ижтимоий таъминлаш тизими маблағлари ёки жиноий тергов жараёнларини таъминлаш маблағлари киритилиши мумкин.

Халқаро ташкилотлар ҳам одамлар савдосига қарши курашиш бўйича қатор мавжуд лойиҳалар орқали жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлиши мумкин[48]. ЕХҲТ ҳудудида Миграция бўйича халқаро ташкилот (МХТ), жойлардаги ЕХҲТ

[48] Жанубий-Шарқий Европа шароитида потенциал халқаро ҳомийларнинг мунтазам янгиланиб турувчи рўйхатини www.seerights.org веб-саҳифасидан топиш мумкин.

миссиялари, БМТ тузилмалари каби ташкилотлар, Европа Иттифоқи (ЕИ) дастурлари жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳаларни қўллаб-қувватлайдилар.

ЕИ Кенгаши йўриқномаси ЕИнинг иштирокчи-давлатларини "жабрланувчиларнинг дастлабки қабулига жавоб берувчи ёрдам кўрсатиш бўйича тизимни яратишга, шунингдек давлат хизматлари доирасида махсус тайёрланган хизматчиларни тақдим этиш ёки жабрланувчиларни қўллаб-қувватловчи ташкилотларни аниқлаш ва молиялаштириш орқали жабрланувчиларга келгусида ёрдам беришга ўз ҳиссасини қўшишга чақиради". Бундан ташқари, ЕИнинг иштирокчи-давлатларига жабрланувчиларнинг биринчи даражадаги эҳтиёжларини қондиришга кўмак берувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида тавсия берилган[49].

Қўшимча тарзда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳомийлик ёрдамини кўрсатувчи баъзи ҳукуматлар ҳам одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатишнинг иккитомонлама дастурларини молиявий томондан қўллаб-қувватлайдилар.

Шунингдек, баъзида диний йўналишга эга ташкилотлар, хайр-саховат жамғармалари ва гуманитар дастурлар мослашувчан ва бевосита ёрдамни тақдим этиши мумкин.

Молиявий ёрдам кўрсатишнинг ижобий намуналари

Миллий ҳукуматлар тақдим этадиган хизматлар асосидаги молиявий ёрдам

Ғарбий Европанинг баъзи мамлакатларида молиявий ёрдам одамлар савдоси жабрланувчиларига маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва бошпана бериш орқали нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Италияда одамлар савдоси жабрланувчиларига молиявий ёрдам кўрсатиш Иммиграция тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси билан тартибга солинади[50]. 18-моддага биноан, жабрланувчига бошпана, ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатларни бериш каби махсуслаштирилган хизматларни кўрсатиш мақсадида аккредитация қилинган НДТларга маблағлар ажратилади. Бундан ташқари, одамлар савдоси жабрланувчилари таълим олиш ва келгусидаги профессионал тайёргарликни давом эттириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, одамлар савдоси жабрланувчисига Италияда меҳнат қилиш ҳуқуқи берилади.

Халқаро ташкилотлар тақдим этаётган хизматлар асосидаги молиявий ёрдам

Жанубий-Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатларида халқаро ташкилотлар одамлар савдоси жабрланувчиларига хизматларни тақдим этишади. Бу воситалар ҳукумат ва нодавлат тузилмаларидаги миллий ёки маҳаллий ҳамкорлар билан яқин ҳамкорликда қўлланилади[51].

49 Одамлар савдоси жабрланувчилари бўлган учинчи мамлакат фуқароларига ёки мутассади органлар билан ҳамкорлик қилиб ноқонуний иммиграцияга қарши курашишда ёрдам берган учинчи мамлакат фуқароларига тақдим этилувчи мамлакатда яшаш рухсати тўғрисидаги ЕИ Кенгаши йўриқномасининг лойиҳаси (14994/03), 13-модда.

50 27-изоҳга қаранг, 18-модда.

51 Жанубий-Шарқий Европада одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий лойиҳалар тўғрисидаги маълумот учун www.seerights.org веб-саҳифасига қаранг.

Халқаро/миллий иштирокчилар тақдим этаётган хизматлар асосидаги молиявий ёрдам

Хизматларни халқаро ва миллий молиялаштиришнинг қўшма андозаси Ғарбий, Марказий ва Шарқий Европанинг турли мамлакатларида учрайди. Одамлар савдоси жабрланувчиларига дастлаб халқаро ҳомийлар тамонидан молиялаштирилган ижтимоий хизматлар секин-аста миллий ҳукуматлар таъминотига ўтади[52].

Хулосалар

Бевосита молиявий ёрдам кам ҳолатларда ажратилишига қарамай, у барча андозаларга таркибий қисм сифатида киритилиши лозим. Уй-жой, озиқ-овқат ва даволаниш каби асосий эҳтиёжларни қондиришдан ташқари, одамлар савдоси жабрланувчиси ўз тасарруфида маълум миқдордаги пулга эга бўлиши керак. Ушбу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра психологик барқарорлашув ва реабилитацияга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин:

- Одамлар савдоси жабрланувчиси яна ўз кундалик ҳаётида қарорлар қабул қилиш устидан назоратга эга бўлади;
- Ўқитув нуқтаи назари сифатида: жабрланувчи молиявий ресурслардан прагматик тарзда фойдаланишни ўрганади.

Жабрланувчига бевосита ёрдам ва хизматлар тақдим этадиган молиявий томонидан қўллаб-қувватловчи НДТларнинг уйғунлашуви жабрланувчиларнинг ўз эҳтиёжларига мувофиқ равишда ресурслар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашнинг кафолатланган ва самарали услуби ҳисобланади. Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари ва ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар орасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг мавжудлиги ёрдам кўрсатиш менежменти нуқтаи назаридан ижобий жиҳат бўлади.

3.2. Яшаш учун жой бериш

Яшаш учун хавфсиз жой бериш имконияти жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг комплекс тизимининг марказий талабларидан бири ҳисобланади. Одамлар савдоси жабрланувчилари аёллар, эркаклар ва болалар бўлганлиги сабабли, ушбу турли мақсад гуруҳлари учун яшаш учун алоҳида жойлар кўзда тутилиши керак.

Энг яхши ҳолатда яшаш учун хавфсиз жой ва бошпана бериш ҳар бир алоҳида жабрланувчининг ўзига хос эҳтиёжларини эътиборга олган мослашувчан тартиб бўлиши керак. Германия ва Италия тажрибасининг кўрсатишича, бир умумий бошпанага қараганда турли бошпаналарнинг мослашувчан тизими ушбу талабларни юқори даражада қондира олади.

52 2003 йил Чехия ҳукумати “Ла Страда”, Чехия Республикаси, томонидан тақдим этилувчи ижтимоий хизматларни молиялаштиришни бошлади. Дастлаб кўпгина халқаро НҲТлар ва халқаро ташкилотлар ушбу соҳанинг молиялаштирилишини таъминлар эди. Ҳукумат дастурини www.mv.cz веб-саҳифасидан топиш мумкин.

Бошпанада тақдим этилаётган хизматлар кўнгилли ва мослашувчан бўлиши керак. Бошпанани яратишда қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олиниши керак: хавфсизлик, озиқ-овқат, кийим-кечак, кичик кутубхона, ижодий машғулотлар, дам олиш ва спорт тадбирлари, шунингдек ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги.

Яшаш учун жой бериш намуналари[53]

Бошпана/Маслаҳат марказлари

Бошпана ёки маслаҳат маркази махсуслаштирилган хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар, полиция, фаол иш олиб борувчи ташкилотлар ёки одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари билан алоқа ўрнатувчи бошқа тузилмалар орасидаги боғловчи бўғин бўлиши мумкин. Улар биринчи маслаҳатни беришади, ҳар бир одамнинг ижтимоий, тиббий ёки психологик эҳтиёжларини баҳолашади, махсуслаштирилган хизматларни, шунингдек яшаш учун жойларни тақдим этишади, ҳамда одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларининг келгуси қайта йўлланишини амалга оширишади.

Бошпаналар ушбу мамлакатдаги одамлар савдоси жабрланувчилари фойдаланиши мумкин бўлган ижтимоий хизматлар бўйича маълумотлар йиғиндисини яратишлари лозим. Бундан ташқари, улар одамлар савдоси ҳолатлари тўғрисида аноним маълумотларни тўплашлари мумкин. Масалан, Сербияда одамлар савдосига қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган асосий НДТларнинг вакиллари, шунингдек ижтимоий таъминот органлари киритилган гуруҳ яратилди. Ушбу гуруҳ “Қайта йўллаш ва маслаҳатлар маркази”да (бошпанада) одамлар савдоси жабрланувчиларини баҳолайди ва ундан сўнг ушбу одамларни махсуслаштирилган хизматларни кўрсатиш, шунингдек бошпана бериш учун юборади[54].

Яшаш учун махфий жой бериш

Махфий бошпана одамлар савдоси жабрланувчиларига яшаш учун хавфсиз жой бўлиши, шунингдек хавфсизликнинг юқори даражаларини таъминлаши ва айни дамда жабрланувчининг шахсий ҳаётга ва шахсий эркинликка бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиши керак. Махфий бошпана одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчилари яшовчи сир тутилган манзил бўлиб, уларга нисбатан одамлар савдогарлари томонидан хавф таҳдиди мавжуддир. Ягона бинонинг ўрнига яширин хонадонларнинг марказлашмаган ва ўзгарувчан тизимини яратиш афзаллиги юқори даражадаги хавфсизликни намоён этади. Бундай тизим яратилгандан сўнг, узоқ вақт давомида манзиллар сир сақланиши мақсадида хонадонлар тез-тез ижарага олиниши ва ўзгартирилиши мумкин. Бундан ташқари, яшаш учун марказлашмаган жойлар эркаклар, аёллар ва болалар каби турли мақсад гуруҳлари учун мувофиқ жойни таъминлайди[55].

---

53 Тўлиқроқ маълумот олиш учун Global Alliance Against Trafficking in Women (Аёллар савдосига қарши Бутунжаҳон альянси), *Human Rights in Practice. A guide to assist trafficked women and children* (Бангкок, 1999 й.) га қаранг.

54 45-изоҳга қаранг, *Anti-Trafficking Activities of the Yugoslav Team*, 12-бет.

55 Масалан, марказлаштирилмаган хонадонлар тизими Германия ва Италиядаги кўпгина НҲТлар томонидан қўлланилади.

Баъзи мамлакатларда, масалан, Голландияда бошпаналарнинг мавжуд инфратузилмаси уйдаги зўравонлик жабрланувчиларига айланган аёлларга яшаш учун жой беришда фойдаланилади. Ушбу ҳолатда маслаҳат марказлари ва бошпана орасида пухта битимлар ва вазифаларининг аниқ тақсимланиши мавжуд бўлиши керак.

Умуман олганда, яшаш учун махфий жойларни бериш тизимининг самарали бошқаруви жабрланувчиларни қабул қилиш, ходимлар учун йўриқномаларни ишлаб чиқиш, яшаш муддатининг тугаши, яшаётган шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва маъмурий чоралар қўллаш каби тартибларнинг мавжудлигини назарда тутади.

Бошпаналар фаолиятини тартибга солишнинг ижобий намуналари: Сербия ва Черногория мисолида (собиқ Югославия Федерал Республикаси – ЮФР)

Яшаш учун махфий жой яратишдаги хулқ-атвор кодекси[56]

1 Тамойиллар

Яшаш учун жой беришнинг асосий мақсади одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёллар учун хавфсиз жой яратишдир, жумладан:

- Мувофиқ ва хавфсиз жой бериш;
- Барча зарур тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти;
- Жабрланувчининг ўз она тилидаги маслаҳатлар; ва
- Таълим олиш ва ўқиш учун имкониятлар.

2 Мақсад гуруҳлари

Яшаш учун жой беришнинг мақсад гуруҳлари қуйидагилардир:

- ЮФРга жинсий эксплуатация мақсадида олиб кирилган чет эллик аёллар;
- Югославия фуқаролари ҳисобланган ва одамлар савдоси ёки эксплуатациянинг ҳар қандай бошқа тури жабрланувчисига айланган, ҳамда келиб чиқиш мамлакатига қайтарилган аёллар;
- ЮФРга эксплуатация (мажбурий турмуш қуруш, хонадонда ишлаш ва эксплуатациянинг бошқа шакллари) мақсадида олиб кирилган чет эллик аёллар; ва
- Югославия фуқаролари ҳисобланган ва жинсий эксплуатация мақсадида ЮФР ҳудудида одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёллар.

3 Хавфсизлик

Бошпана суткасига 24 соат қўриқланади. Бундан ташқари фавқулодда ҳолатларда тез ҳаракат қилиш механизми, хизматларнинг мослашувчанлиги, махфийлик, врач ҳузурига оддий ташрифлар ёки дам олиш мақсадидаги сайрлар давомида аёллар ва ходимларни кузатиб юриш таъминланиши керак.

[56] Хулқ-атвор кодекси 2001 йил Сербияда ЕХҲТ Миссияси бошқаруви остида фанлараро гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган. 45-изоҳга қаранг, *Anti-Trafficking Activities of the Yugoslav Team,* 26-бет.

Манзил сир тутилиши керак. Лойиҳа бўйича ҳамкорлар ҳеч кимга, шунингдек оммавий ахборот воситаларига ҳам манзилни айтиш ҳуқуқига эга эмаслар.

4 Бошпанага қабул қилиш тартиби

Яшаш учун жойдан фойдаланишга ихтиёрий равишда розилик берган ҳолатларда, одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёллар жабрланувчиларни қайта йўллаш механизмининг "фаол жамоаси" томонидан бошпанага жўнатилади.

Ҳар бир аёл яшаш қоидалари тўғрисида хабардор этилиши ва ушбу қоидаларга риоя қилишга розилик бериши керак.

Ушбу қоидаларни бузиш бошпанадан дарҳол чиқариб юборилишга олиб келади.

Яшаш учун жой бериш қоидалари хоналарни йиғиштириш, егулик тайёрлаш, бошпанага кириш ва чиқиш қоидаларига риоя қилиш, шунингдек телефон суҳбатларини чеклашни назарда тутади.

Бошпанада қолаётган аёлларнинг катта қисми ўз Ватанига қайтишни исташи мумкин бўлса ҳам, бу яшаш учун жой беришнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди.

Бошпанада яшашнинг ҳуқуқий доираси мақсадлар тўғрисидаги хат ва чет эл фуқаролари тўғрисидаги Югославия ва Сербия қонунчилиги қоидалари асосида белгиланади.

5 Тузилма

"Фаол жамоа" аъзолари ва ЕХҲТнинг ЮФРдаги миссияси вакилларидан ташкил топган Маслаҳат кенгаши бошпананинг яратилишини ва унинг келгусидаги фаолиятини назорат қилади.

6 Ўзаро тушуниш тўғрисида меморандум

Лойиҳа бўйича ҳамкорлар – ЎТМ ва Оиладаги зўравонликка қарши курашиш бўйича маслаҳат маркази ўртасида ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандум имзоланади.

7 Мақсадлар тўғрисидаги хат

Мақсадлар тўғрисидаги хатни бир томондан лойиҳа бўйича ҳамкор ва иккинчи томондан Республика ва Федерал Ички ишлар вазирлиги имзолаши лозим ва қуйидаги масалалар бўйича келишувни ўз ичига олиши мумкин:

- Қамоқларга ва ҳибсда сақлаш марказларига кириш имконияти;
- Полициянинг фаол ҳаракати ва бошпаналарда фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолатларда ёрдам кўрсатиш;
- Ҳар қандай расмий сафар давомида полициянинг кузатиб бориши;
- Ушланган аёлларни полиция томонидан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш тузилмаларига тегишли тарзда юбориш;
- Бошпана, унинг ходимлари ва жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

- Европа комиссияси тавсияномаларга мувофиқ равишда мамлакатда қисқа муддат (30 кун) давомида бўлишга рухсат бериш;
- Тартибни сақлаш бўйича мувофиқ тузилмалардаги алоқа ўрнатиш органларини белгилаш.

8 Бошпанани бошқариш

Бошпанани бошқаришга оиладаги зўравонликка қарши курашиш бўйича маслаҳат маркази жавоб беради.

9 Хизматлар

Бошпанада яшаш давомида аёлларга қуйидаги хизматлар таклиф қилинади:

- Тиббий назорат;
- Психологик маслаҳатлар;
- Ҳуқуқий маслаҳатлар, жумладан, даъво тақдим этиш, жиноий жараёнда гувоҳ сифатида иштирок қилиш ва/ёки мамлакатда бошпана тақдим қилиниши тўғрисида ариза бериш каби имкониятдаги келгуси тартиблар тўғрисида аёлни хабардор этиш;
- Ижтимоий масалалар бўйича маслаҳатлар, жумладан янги ҳужжатларни бериш ва ўз мамлакатига қайтишга тайёргарлик тўғрисидаги масалалар;
- Бошпана ташқарисидаги жойларга аёлни кузатиб бориш;
- Таржимон хизматлари.

Юқорида айтиб ўтилган барча хизматлар ихтиёрий асосда таклиф этилади ва мажбурий ҳисобланмайди.

10 Қўшимча фаолият

Бошпанада қуйидаги қўшимча тадбирлар ва хизматлар таклиф этилади:

- Телевидение, видео, китоблар, стол уйинлари, журналлар;
- Чеварлик, расм чизиш, тил ўрганиш;
- Паркда сайр қилиш ёки музейларга ташриф буюриш.

Махфий бошпана ходимлари учун йўриқномалар намунаси[57]

- Бошпана озода, тинч ва сарамжон-саришта бўлиши керак;
- Қўшнилар бошпана жабрланувчиларининг ўтмишлари тўғрисида ҳеч нима билишлари керак эмас. Агар зарур бўлса аёл профессионал таълим олаётганлиги сабабли бу ерда яшаётганлигини уларга айтиши мумкин;
- Хавфсизлик нуқтаи назаридан бошпанага келиш ва ундан чиқиб кетиш қайди ўтказилиши лозим. Ҳаракатланиш эркинлиги тунги вақтдан ташқари чекланиши керак эмас. Агарда аёл эътироз билдирмаса, қариндошлар уларни бошпанада йўқлаб туриш имкониятига эга бўлишлари лозим;

57 53-изоҳга қаранг, *Human Rights in Practice*, 56-бет.

➔ Сизнинг бошпанангиз туристлар учун зиёрат жойига айланишига имкон берманг. Агарда сизда бошпана ташкиллаштирилган бўлса, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи кўпгина ташкилотлар вакиллари ва журналистлар бошпанангизга ташриф буюришни исташлари мумкин. Сиз эҳтиёткор бўлишингиз керак. Ноқулай ҳолатларни четлаш мақсадида аёллар бундай ташрифлар тўғрисида аввалдан хабардор этилишлари лозим. Суҳбат яшовчиларнинг дастлабки розилигисиз ўтказилиши керак эмас[58].

Хулосалар

Яшаш шароитлари ёки яшаш учун жой барча одамлар савдоси жабрланувчиларининг, жумладан, аёллар, эркаклар ва болаларнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда режалаштирилиши ва яратилиши керак[59].

Одамлар савдоси жабрланувчилари жиноий жараёнда гувоҳ бўлишлари ёки ўз уйларига қайтишлари истагидан қатъий назар, ҳеч қандай шартларсиз яшаш учун жойни олиш имкониятига эга бўлишлари лозим[60].

Одамлар савдоси жабрланувчилари хавфсиз яшаш жойи ҳуқуқига эгалар. Шунингдек, агарда уларнинг хоҳишлари бўлса, улар ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

3.3. Махсуслаштирилган хизматлар

Одамлар савдоси жабрланувчиларига оғир вазиятлардаги ёрдам, узоқ муддатли психологик маслаҳатлар, ҳуқуқий маслаҳатлар, профессионал таълим ва ишга жойлаштиришдаги ёрдам каби махсуслаштирилган хизматлардан фойдаланиш имконияти зарурдир.

Одамлар савдоси жабрланувчилари учун махсус хизматлар кўп ҳолларда нодавлат маслаҳат марказлари томонидан таклиф этилади. Улар яшаш учун жой берувчи айнан шундай НДТлар бўлиши мумкин (лекин ҳар доим ҳам эмас). Бироқ, улар яшаш учун жой берувчи ҳукумат ва нодавлат соҳалардаги тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қиладилар. Одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларининг барчаси ҳам (масалан, ўз мамлакатида жабрланувчига айланганлар ва уй-жойи мавжуд кишилар) бошпаналарга юборилмаслиги туфайли, марказий мувофиқлаштирувчи ташкилот келгуси хизматларни кўрсатиши керак.

58 Ўша жойда, 57-бет.

59 5-изоҳга қаранг, Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколи, 3-модда. Одамлар савдоси тушунчасига қаранг.

60 11-изоҳга қаранг, БМТИҲБКнинг тавсия этаётган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, Бошқарув қоидаси 6, 1-модда.

Махсуслаштирилган хизматлар таклиф этувчи ташкилотлар намуналари

НДТлар бошпаналар каби маълум манзиллар бўйича махсуслаштирилган хизматларни кўрсатишлари мумкин ёки хавфсизлик нуқтаи назаридан уларнинг манзиллари сир сақланган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда маълумот тақдим этилади ва одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси билан учрашувлар телефон орқали ташкиллаштирилади[61].

Маслаҳат берувчи марказлар одамлар савдоси жабрланувчиларига махсуслаштирилган хизматларни қуйидаги соҳаларда таклиф этишлари лозим:

- Соғлиқни сақлаш;
- Маслаҳат бериш бўйича дастурлар (якка тартибда ёки гуруҳга маслаҳатлар бериш);
- Психологик ёрдам;
- Ҳуқуқий ёрдам;
- Таълим олиш ва бошқа профессионал ўқиш;
- Ишга жойлаштиришда ёрдам; ва
- Бошқарув органлари билан муносабатлардаги қўллаб-қувватлаш.

Махсуслаштирилган хизматларнинг ижобий намуналари: Болгария мисоли

Фаолиятнинг умумий тамойиллари:[62]

Махфийлик

Анонимлик ва махфийлик одамлар савдоси жабрланувчилари билан ишлашда энг зурур шартлардан ҳисобланади. Аёлларнинг, айниқса фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этилганларнинг ўз ҳаётлари тўғрисида сўзлаб берадиган воқеалари кучли уят ҳиссиёти билан боғлиқдир. Улар асоссиз равишда ўз жамияти аъзолари томонидан четлатилишларидан қўрқадилар. Уларнинг лаънатланиши ва яккаланиб қолиши мумкинлиги олдидаги қўрқув жуда кучлидир. Бошқа томондан одамлар савдосини бошидан ўтказган аёллар жиноят олами тўғрисида маълумотга эгадирлар ва бу уларни жуда ҳам заиф қилиб қўяди. Шунинг учун жабрланувчилар сўзлаб беришадиган барча нарсаларининг сир сақланишига буткул ишонишлари лозим.

61 Маълум манзил (бошпана) ёки сир тутилган манзилга эга (телефон орқали маслаҳат ва марказ ташқарисидаги учрашув) маслаҳат марказини яратиш тўғрисидаги қарор кўпинча у ёки бу ҳудуддаги мавжуд хавфсизлик мулоҳазалари туфайли вужудга келади. Ғарбий Европа мамлакатларидаги кўпгина НҲТлар одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига ўзларининг шахсий марказларида маслаҳатлар берадилар, лекин айни дамда Шарқий Европа мамлакатларидаги НҲТлар, масалан, "Ла Страда" нинг кўпгина бўлинмалари ўз манзилларини сир тутадилар.

62 Анимус ассоциацияси/"Ла Страда", Болгария, *La Strada Social Assistance Programme: Standards, Procedures and Methodology* (Болгария, 2003 й.).

Хавфсизлик

Одамлар савдогарлари қўлидан қутилиб кета олган кўпгина аёллар ва қизлар ўз ҳаётларини хавф-хатарга солганлар. Улар жиддий жисмоний ва руҳий зўравонликка дучор этилган ҳолда қалтис шароитларда яшаганлар. Ҳар бир кун улар учун яшаш учун курашга айланиши мумкин бўлган. Буларнинг барчаси одамнинг мўътадил ҳаёти учун зарур бўлган мустаҳкамлик ва хавфсизлик ҳиссиётига зарар етказади. Ушбу ҳиссиётларнинг тикланиши реабилитация йўлидаги биринчи қадамдир. "Ла Страда" ижтимоий ёрдам Дастурининг (ЛСИЁД) амалга оширувчи жараёнлари ва услублари ўз жабрланувчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Бу, кўпгина ҳолатларда, полиция ва бошқа мутассади тузилмалар билан ҳамкорлик қилишни талаб этади.

Англанган розилик ва танлов

Аёллар одамлар савдоси жабрланувчисига айланган вазиятларда ўз ҳаётларини назорат қилмайдилар, уларнинг танлови мавжуд эмас ва улар тазйиқ остида ҳаракат қиладилар. Уларнинг мустақиллигини тиклаш ўз келажакларини танлаш имконияти билан боғлиқдир. Бундай танлов имкониятига эга бўлиш учун уларда ишончли маълумот ва улар учун очиқ бўлган имкониятларнинг аниқ тасвири мавжуд бўлиши керак. ЛСИЁД муҳим қарорларни қабул қилишда ва келажакни режалаштиришда қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни таклиф этади. Ўз ҳаётий муаммоларини ҳал қилишда аёлларнинг кўпроқ қобилиятга эга эканликларини тушунган ҳолда ижтимоий хизматчилар уларнинг қарорларига ҳурмат билан қарайдилар ва ушбу қарорларни қабул қиладилар.

Ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш

Одамлар савдоси жабрланувчисига айланган вазиятдаги одамнинг ҳаёти шахсий қадр-қиммат тасаввурига ва ўз кучига ишониш ҳиссиётига зарар етказади. ЛСИЁД одамлар савдосини бошидан ўтказган кишиларнинг ишончини тиклашни ўзига мақсад қилиб қўяди ва уларга ўзларининг кучли томонлари ва сифатларини очишга ёрдам беради. Жабрланувчиларга ҳурмат билан қарайдилар ва уларнинг инсоний қадриятларини тан оладилар. Уларни инсон деб ҳисоблайдилар, чунки улар жуда оғир шароитлардан чиқиб кета олганликларини тасдиқладилар. Мақсад – жабрланувчилар ўз кучларига ишонишларига ва ўз ҳаётлари устидан назоратни тиклашга ёрдам беришдир.

Виктимизацияга йўл қуймайдиган жабрланувчиларга бўлган муносабат.

Барча маъсулиятни жиноятчиларга эмас, балки жабрланувчиларга юклаш зўравонликни изоҳлашдаги кенг тарқалган механизмдир. Шундай ёндашув одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан ҳам мавжуддир: "аёлларнинг ўзлари буни излаган эдилар, улар ўзлари бефаҳм ва соддадирлар, улар фоҳиша сифатида ишлашга кетаётганликларини билар эдилар, улар осон пул топишни излаган эдилар ёки қочиб кетиш учун ҳеч нарса қилмаган эдилар" ва ҳоказо. Одамлар савдоси жабрланувчилари уларга ёрдам бериши лозим бўлган кишиларнинг тушуниб етмаслиги ва виктимизациясига дуч келадилар. Шунинг учун улар сукут сақлашни ва ўз азобларини сир тутишни афзал кўрадилар. ЛСИЁД жабрланувчилар азоблари учун аёллар савдоси билан шуғулланаётган жиноятчилар жавобгар эканлиги нуқтаи назарини ҳимоя қилади.

Жабрланувчилар айбланиши керак эмас, чунки улар алдов ва шафқатсиз муносабат шароитларида ҳаракат қилганлар.

“Ла Страда” ижтимоий ёрдами Дастури доирасида таклиф этилаётган хизматлар

ЛСИЁД одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёллар ва қизларга қуйидаги ёрдам турларини ва амалий қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Турли офисларда турли иш соатларига эга бўлган ёрдам мажмуаси қуйидагиларни таклиф этади:

- Руҳий қўллаб-қувватлаш;
- Ижтимоий ёрдам Дастурига ва бошқа ташкилотларга юбориш;
- Қарорлар қабул қилишдаги хавфсизлик ва ҳаракатлар режасини тайёрлашдаги ҳамкорлик;
- Ўз мамлакатига хавфсиз қайтишни ташкиллаштириш;
- Одамлар савдоси жабрланувчиларини аэропортда ёки вокзалда кутиб олиш;
- (“Ла Страда” ёки бошқа ташкилот томонидан тақдим этилган) бошпанага жойлаштириш;
- Психологик маслаҳат, руҳий қўллаб-қувватлаш, оғир вазиятдаги ёрдам;
- Шошилинч тиббий ёрдам, тиббий хизматлардан фойдаланишдаги кўмак;
- Паспорт ва бошқа ҳужжатларни олишдаги ёрдам;
- Ҳуқуқшуносларга юбориш;
- Болаларга қараб туришдаги ёрдам (жабрланувчиларнинг болалари мавжуд ҳолатларда);
- Оила билан алоқа боғлашдаги ёрдам (аёл буни истаган ҳолатларда);
- Озиқ-овқат, дори-дармон ва асосий энг зарур нарсалар шаклидаги гуманитар ёрдам;
- Ишга жойлаштиришдаги ёрдам;
- Қайта виктимизацияга йўл қўймаслик мақсадида жабрланувчиларнинг бошқа ташкилотлар билан алоқа ўрнатишидаги ёрдам: полиция, маҳаллий ҳокимият органлари, консулликлар ва бошқалар.

Хулосалар

Мақсад гуруҳида кўпгина фарқлар мавжудлиги туфайли, одамлар савдоси жабрланувчиларига турли хизматларнинг кенг доираси тақдим этилиш керак.

нодавлат ва ҳукумат соҳаларидаги тузилмалар томонидан одамлар савдоси жабрланувчиларига кўрсатилиши мумкин бўлган ижтимоий ва бошқа махсуслаштирилган хизматлар тўғрисидаги мълумотлар йиғиндисини мувофиқлаштирувчи орган (энг мақбул ҳолатда НДТ) яратиши ва қўллаб-қувватлаб туриши лозим.

Барча ташкилотлар ва уларнинг ходимлари одамлар савдоси жабрланувчилари билан ишлашда хулқ-атвор кодексига амал қилишлари керак.

4. Репатриация ва ижтимоий интеграция

Одамлар савдоси жабрланувчисининг ўз мамлакатига қайтиши кўп ҳолларда ўйлаш учун вақтнинг муддати тугагандан ёки суд жараёни якунлангандан сўнг амалга оширилади. Фақатгина камдан-кам ҳолатларда жабрланувчиларга узоқ муддат яшаш ҳуқуқи берилади. Шунинг учун ЖҚЙМ инсон ҳуқуқлари соҳасида ижобий тажрибага мувофиқлиги мақсадида репатриация ва ижтимоий интеграциянинг сиёсати ва тартибларига алоҳида эътибор бериши керак.

Одамлар савдоси жабрланувчиларининг репатриацияси қатор комплекс ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олади. Олиб бориш ва келиб чиқиш мамлакатлари ўзларига олган мажбуриятлари жабрланувчиларга нисбатан хавфсиз ва мувофиқ муносабатни кафолатлаш учун ҳар доим ҳам аниқ ва етарли даражада кенг бўлмайди.

Бундан ташқари, кўпгина ҳолатларда репатриацияни молиялаштириш масаласи ноаниқ бўлиб қолмоқда. Одамлар савдоси жабрланувчилари ўз ватанларига қайтганларидан сўнг уларнинг хавфсизлик масаласи юзаки кўриб чиқилади ёки умуман кўриб чиқилмайди. Ушбу ҳолат жабрланувчилар ўз мамлакатларига қайтгандан сўнг кўпинча одамлар савдоси билан шуғулланувчи пухта уюшган гуруҳлар томонидан қасос ва таҳдидга дуч келишларини билдиради. Шунинг учун, репатриация бўйича ҳаракатлар кўпинча жабрланувчилар яна одамлар савдоси жабрланувчиларига айланишига олиб келади[63]. Ўз мамлакатига қайтгандан сўнг жабрланувчининг хавфсизлигига таҳдиддан ташқари бошқа салбий омиллар ҳам таъсир қилади. Бу омиллар қаторига умидсиз иқтисодий ва ижтимоий вазиятлар кириб, айнан шу муҳитда жиноятчилар уларни биринчи бор ёллаган эдилар.

Жинсий эксплуатация жабрланувчиларига айланган аёллар вазиятининг бутунжаҳон тадқиқоти жабрланувчилар ўз мамлакатига қайтгандан сўнг вужудга келадиган қуйидаги муаммоларни аниқлади:

- Иш ҳақининг/ишга жойлашиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги (сўралганларнинг 48%);
- Психологик муаммолар (46%);
- Соғлиқ билан боғлиқ муаммолар (39%);
- Тўлаш имконияти мавжуд бўлмаган қарзлар (35%);
- Жамият томонидан нафратли муносабат ёки хуш кўрмаслик (33%);
- Бошқа мураккабликлар, жумладан оила томонидан хуш кўрмаслик, жиноий гуруҳлар томонидан жабрланувчининг оиласи ёки қариндошларига нисбатан қасос, тиббий ёрдамнинг мавжуд эмаслиги, бошқа имкониятларнинг мавжуд

63 Қўшимча равишда қаранг, КОК "The Situation of repatriating women from the perspective of the counselling centre La Strada, Warsaw, Poland", *Trafficking in Women in Germany. Women's Projects in Germany on the Issue of Trafficking in Women. A Documentation* (Берлин, 2001 й.), 57-бет ва ҳоказо.

эмаслиги туфайли фоҳишалик билан шуғулланишга қайтиш, одамлар савдогарлари қўлига қайтадан тушиб қолиш, уй-жойнинг йўқлиги (28%)[64].

Шу сабабли репатриациянинг бошқа имкониятдаги шакллари мавжудлигини аниқлаш муҳимдир. Камдан-кам ҳолатларда олиб бориш мамлакати доимий яшаш учун рухсат бериши мумкин. Бироқ, жабрланувчини хавфсиз учинчи мамлакатга кўчиб ўтиш имкониятини ҳам кўриб чиқиш зарурдир[65].

4.1. Хавфсиз қайтиш жиҳатлари ёки ижтимоий интеграция

Ҳужжатлар

Репатриацияга қадар одамлар савдоси жабрланувчисига ўз мамлакатига кириш ва чиқиш имкониятини берувчи янги ҳужжатлар (эскиларнинг ўрнига) берилиши керак. Янги ҳужжатлар асосида ушбу шахс аввал одамлар савдоси жабрланувчиси бўлганлиги тўғрисида хулосалар қилиниши керак эмаслигини эътиборга олиш зарурдир. Бундан ташқари, одамлар савдоси жабрланувчиси тўғрисидаги шахсий маълумотлар келиб чиқиш мамлакатининг ҳокимият органларига берилиши керак эмас. Жиноий ишнинг келгуси тергови мақсадида, жабрланувчилар ҳужжатларнинг тақдим этилишига тўғридан-тўғри розилик берган ҳолатлар бундан истистнодир[66].

Транспорт ҳаражатлар

Репатриация мамлакатдан чиқариб юбориш оқибати бўлмаган ҳолатларда тегишли транспорт ҳаражатларини ким тўлаши кераклиги тўғрисида савол юзага келади. Ушбу масала иккитомонлама давлат битимлари ёрдамида тартибга солиниши мумкин. Бошқа имкониятлар, масалан, халқаро ташкилотлар ёки НДТлар амалга ошираётган репатриация бўйича дастурлар шаклидаги имкониятлар ҳам мавжуддир.

Хавфсизлик

Жабрланувчи ва унинг оиласи аъзолари хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги ижобий амалиёт келиб чиқиш мамлакатида жабрланувчининг хавфсизлиги атрофидаги вазиятнинг баҳоланишини ўтказишдан иборатдир. Репатриация жабрланувчи ва бошқа шахслар учун жиддий хавфни келтириб чиқариши мумкин, агар:

- Жиноятчилар жабрланувчининг оила аъзолари/дўстлари/касбдошлари билан боғланган ва уларга таҳдид қилган бўлсалар;
- Жабрланувчига ўйлаб кўриш учун вақт давомида ёки суд жараёнлари вақтида жиноятчилар таҳдид қилган бўлсалар;
- Жиноятчилар жабрланувчининг яшаш жойи тўғрисида хабардордирлар;

64 19-изоҳга қаранг, *Trafficking in Women*, 105-бет. Одамлар савдоси жабрланувчилари келиб чиқиш мамлакатларига қайтганларидан сўнг дуч келадиган хавфлар тўғрисида, шунингдек 36-изоҳга қаранг, *Human Traffic, Human Rights*, 60-бет.

65 Шунингдек, БМТИҲБК учинчи мамлакатда хавфсиз яшаш имкониятини ўрганишни тавсия этади. 11-изоҳга қаранг, БМТИҲБКнинг тавсия этаётган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, Бошқарув қоидаси 6, параграф 7.

66 36-изоҳга қаранг, *Human Traffic, Human Rights*, 41-бет.

- Жиноятчилар жабрланувчининг оиласи, унинг дўстлари доираси ёки ижтимоий гуруҳнинг бир қисми бўлсалар;
- Маданий ёки ижтимоий нуқтаи назардан қараганда, одамлар савдоси жабрланувчиси жамиятнинг унга нисбатан нафратли муносабати туфайли ижтимоий жиҳатдан яккаланиб қолган бўлса;
- Келиб чиқиш мамлакатидаги ҳукумат жабрланувчини ёки гувоҳни эҳтимолдаги қасос ёки зўравонликдан ҳимояла олмаса ёки ҳимоялашни истамаса.

Ижтимоий интеграция

Одамлар савдоси жабрланувчисининг репатриацияси ва ижтимоий интеграцияси олиб бориш ва келиб чиқиш мамлакатлари ўртасида келишилиши керак, шунингдек транзит мамлакатини ўз ичига олиши мумкин. Ушбу келишув нодавлат маслаҳат ташкилотлари орасида ёки халқаро ташкилотларнинг қўшимча кўмагида ташкиллаштирилиши мумкин.

Қуйидаги саволларга жавоблар келиб чиқиш мамлакатида жабрланувчилар интеграцияси жараёни қай даражада муваффақиятли амалга оширилишини кўрсатиши мумкин:

- Одамлар савдоси жабрланувчисига ўз мамлакатига қайтгандан сўнг жиноий таъқиб ёки фуқаровий-ҳуқуқий санкциялар таҳдид соладими?[67]
- Келиб чиқиш мамлакатида одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш бўйича инфратузилма ҳолати қандай?
- Маҳаллий полиция зарур ҳолатларда талаб бўйича ҳимояни тақдим қиладими?
- Гувоҳларни ҳимоя қилишнинг амалдаги дастури мавжудми?
- Одамлар савдоси жабрланувчиси фавқулодда ҳолатларда уй-жой берувчи ташкилотларга мурожаат қилиш имкониятига эгами?
- Тиббий, психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар тақдим этиладими?
- Жабрланувчида профессионал тайёргарликни ва таълим олишни давом эттириш имконияти мавжудми?
- Жабрланувчида доимий ва қониқарли уй-жойга эга бўлиш имконияти мавжудми?
- Жабрланувчининг узоқ муддатли мустақил иқтисодий хавфсизлиги таъминланадими?

[67] Кўпгина мамлакатларда фоҳишалик билан шуғулланиш жиноий тартибда таъқиб этилади. Шунингдек одамлар савдоси жабрланувчиси келиб чиқиш мамлакатида болаларни қолдирган ҳолатларда, болалар тўғрисида ғамхўрликка алоқадор мажбуриятларни бажармаслик учун жазо мавжуд бўлиши мумкин.

Ижобий намуналар

Халқаро ташкилотлар ёрдамида ўз мамлакатига қайтиш

ЕХҲТнинг кўпгина иштирокчи-давлатларида Миграция бўйича халқаро ташкилот (МХТ) мамлакатдан чиқариб юборилмаган одамлар савдоси жабрланувчиларининг қайтишини ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатади ва уни молиялаштиради.

Бундан ташқари, МХТ фавқулодда вазиятларда тақдим қилинадиган кўпдан-кўп бошпаналар фаолиятини ва кўпинча маҳаллий НДТлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган реинтеграция дастурларини бошқаради.

МХТ томонидан репатриация қилишдаги ёрдам маълум шартларга боғлангандир, масалан, одамлар савдоси жабрланувчиси олиб бориш мамлакати фуқаросига айланганда ёки у ерда никоҳдан ўтганда МХТ томонидан ёрдамнинг қопланиши[68].

Нодавлат ташкилотлар орасидаги ҳамкорлик

Кўпгина ҳолатларда НДТларнинг мавжуд тармоғи репатриациядаги ёрдамни амалга оширади, масалан, Марказий ва Шарқий Европадаги "Ла Страда" тармоғи. 1995 йилдан буён бу тармоқ одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган аёллар ва қизларнинг ўз мамлакатига қайтишини ва ижтимоий интеграциясини амалга ошириш мақсадида Ғарбий Европадаги ва Шимолий Америкадаги НДТлар билан алоқани ўрнатиб келмоқда.

4.2. Хулосалар

Келиб чиқиш мамлакатида одамлар савдоси жабрланувчиларининг ижтимоий интеграцияси узоқ муддатли жараён бўлиш мумкин. Махсуслаштирилган маҳаллий ташкилотлар кўпгина соҳаларда узоқ муддатли ёрдамни таклиф эта оладилар. Одамлар савдоси жабрланувчиларини одатда чорасиз вазиятларда (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий) ёллашлари туфайли, уларнинг ўз мамлакатига қайтишлари оғир вазиятга қайтадан тушиб қолишни билдириши мумкин. "Реинтеграция" иборасини қўллаб бўлмайди, чунки узоқ муддатли реабилитация ва барқарорлашув кўпинча ҳаётнинг янги хавфсизроқ шароитларини яратишни талаб қилади. Келиб чиқиш мамлакатларидаги ЖҚЙМлар уйига қайтаётган одамлар савдоси жабрланувчиларининг ижтимоий интергацияси бўйича ёрдам кўрсатиш имкониятларини яратиш ва амалга оширишда фаол роль ўйнаши керак.

---

68 См. например, ХМТ Германия: программа ХМТ ПРЭГ/ПРПГ за 2003 год: Программа реинтеграции и эмиграции для людей, просящих убежища в Германии (ПРЭГ), Программа репатриации, при поддержке правительства Германии (ПРПГ), ст. 3.3.2 (Обязательство по выплате помощи), ст. 3.3.3. (Запланированный отъезд на постоянное проживание).

5. Қонунчиликнинг махсус қоидалари

5.1. Компенсация/жиноий фаолият натижасида олинган даромадни мусодара қилиш

Компенсация тўловлари одил судловнинг тантанаси бўлиб, ушбу ҳолат жабрланувчилар ўз бошларидан кечирган мусибатга мослашишларига ижобий таъсир этади. Бундан ташқари, шундай тўловлар тикловчи ва профилактик таъсирни кўрсатиши мумкин, чунки улар жабрланувчиларга ўз мамлакатларига қайтгандан сўнг янги ҳаётларини қуриш имкониятини беради ва жабрланувчилар яна одамлар савдогарлари қўлига тушиб қолиш хавфининг олдини олади.

Жиноят жабрланувчилари Европа ва халқаро андозалари, жумладан БМТнинг Одамлар савдоси тўғрисидаги Протоколи ((6) 6 моддаси) ва 2001 йил 15 мартда қабул қилинган Европа Иттифоқи Кенгашининг жиноий жараёнда жабрланувчининг ҳолати тўғрисидаги Доиравий қарорига мувофиқ равишда компенсация олиш ҳуқуқига эгалар. ЖҚЙМлар миллий қонунчилик ва тартиблар халқаро нормаларга қай даражада мувофиқ келишига ва ушбу қонунчилик қай даражада одамлар савдоси жабрланувчилари манфаатларида амал қилаётганлигига, шунингдек бундай қонунчиликни яхшилаш зарур эканлигига эътибор беришлари лозимдир.

Одамлар савдоси жабрланувчиларига компенсация тўлашнинг асосий жиҳати бундай компенсацияни жиноятчилардан олиш имкониятидир. Қуйидаги 3 та эҳтимолдаги қонуний талаб кўриб чиқилиш лозим:

- Жисмоний ва психологик мусибат туфайли шахсий азоб-уқубат учун компенсация (номоддий зиён);
- Моддий зиён келтириб чиқарган зарарлар;
- Тўланмаган мукофот учун компенсация.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар асосида жабрланувчиларга компенсация тўловини таъминлашнинг кўпгина андозалари мавжуд:



Жиноятчи томонидан компенсация

Асосий мақсад азоб-уқубат ва бахтсизлик сабабчилари бўлган жиноятчилардан компенсация олиш бўлиши керак[69]. Бунга бир неча услублар билан эришиш мумкин:

Жабрланувчини маълумот бериш жиҳатидан ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш

Жабрланувчига компенсацияни талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисида замонавий ва тўлиқ маълумот берилиши лозимлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Шунингдек, қуйида ифодаланган барча йўналишлардан фойдаланиб ушбу компенсацияни олишни таъминлашда кўмак кўрсатилиши лозим[70].

Фуқаро даъвоси

Жабрланувчи фуқаролик жараёнини ташаббус этиш, шунингдек моддий, психологик ва жисмоний зиён учун компенсацияни талаб қилган ҳолда одамлар савдогарларига қарши фуқаро даъвосини бериш имкониятига эга бўлиши керак. Бундай даъвони бериш ҳуқуқи кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқий тузилмаларида назарда тутилган.

69 2001 йил 15 мартда қабул қилинган ЕИ Кенгашининг Жиноий жараёнда жабрланувчилар ҳолати тўғрисидаги доиравий қарорнинг (2001/220/ЈНА) 9 (2)-моддага қаранг. Ҳар бир иштирокчи-давлат жиноятчилар томонидан жабрланувчиларга мувофиқ компенсациянинг тўланишига шароит яратувчи тааллуқли чоралар қабул қилиши керак.

70 Ўша жойда, 4-модда.

Амалиётда фуқаро даъволарининг бир камчилиги мавжуд: ушбу жараён вақт масаласида жуда ҳам узоқ давом этади ва жиноий жараён давом этадиган даврда жабрланувчи олиб бориш мамлакатида яшаш учун рухсатга эриша олмаса, жараённинг амалга оширилиши имкониятсиз бўлиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи ҳуқуқий тизимларда аввал амалга оширилган жиноий жараён доирасида жиноятчини айбдор деб тан олиш тўғрисидаги жиноий суд қарори билан фуқролик судлари боғланган эмасдир. Бу нарса жараённинг қайта бошланишига ва шу сабабли жабрланувчининг гувоҳлик кўрсатмаларини беришдаги кўнгилсиз тартибнинг такрорланишига сўзсиз олиб келади. Одамлар савдоси жабрланувчилари даъво билан мурожаат қилиш қарорига келмаган бўлсалар, улар учун жиноий жараённинг бутун даври давомида олиб бориш мамлакатида қолишга рухсат олиш очиқ-ойдин ютуқ бўлади.

Жиноий жараён

Жиноий ишлар доирасида компенсация олишнинг турли имкониятлари мавжуд. Баъзи мамлакатларда (масалан, Бельгия[71], Германия ва Италия[72]да) жиноятчига қарши жиноий жараён доирасида компенсация талаби мавжуд фуқаро даъвосини кўриб чиқиш кўзда тутилган. Ушбу тартибнинг муҳим афзаллиги шундан иборатки, жиноятчига жазо бериш ва компенсация масаласи бир суд жараёни доирасида ҳал этилади. Бу жабрланувчининг психологик юкини енгиллаштириб, уни гувоҳлик кўрсатмаларини бериш жараёнидан яна бир бор ўтиш заруриятидан халос этишга, шунингдек ресурсларни тежашга имкон яратади. Бундай натижага асосий ҳукм доирасида жиноятчи томонидан жабрланувчига компенсация тўлаш тўғрисидаги қарор чиқариш имконияти мавжуд мамлакатларда ҳам эришилиши мумкин.

Тўланмаган иш ҳақи учун компенсация тўғрисидаги даъволар

Жабрланувчиларга компенсация тўлаш билан боғлиқ қўшимча йўналиш тўланмаган иш ҳақини қайтариш талаби мавжуд даъволарни беришдир. Одамлар савдосининг кўпгина ҳолатларида жабрланувчи томонидан ишлаб топилган маблағлар умуман ёки тўлиқ равишда тўланмайди. Шу сабабли, тўланмаган иш ҳақини қайтариш билан боғлиқ бўлган жиноятчига қарши даъвони бериш имкониятини яратиш муҳимдир. Шунга қарамай, компенсация олишнинг имкониятдаги ушбу услуби фоҳишалик қонунлаштирилмаган мамлакатларда ёки жабрланувчи ноқонуний асосда ишлаганда муаммо туғдириши мумкин. Одамлар савдоси жабрланувчилари билан боғлиқ ўзига хос вазиятларда ЖҚЙМ ҳукуматга ўз таклифларини киритишига алоҳида эътибор бериши лозим ва улар асосида давлат жабрланувчиларга ўз эътирозларини билдириши керак эмас ёки одамлар савдоси жабрланувчиларига тўланмаган иш ҳақини қайтариш талаби мавжуд даъволарни беришга имконият яратувчи махсус ҳужжатларни қабул қилиши лозим.

71 Бельгиянинг Федерал Жиноят кодекси, 55-модда ва ҳоказо, 61а-модда.
72 Италиянинг Федерал Жиноят-процессуал кодекси, 47-модда ва ҳоказо.

Давлат томонидан компенсацияларнинг тўланиши

Жабрланувчиларга жиноятчилар томонидан компенсациялар тўланишининг кафолатланиши имконияти бўлмаган ҳолатларда (масалан, жиноятчида етарли маблағлар бўлмаганда ёки жиноятчининг маблағларини аниқлаш мумкин бўлмаганда), компенсацияни давлат томонидан тўлаш усуллари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, компенсацияларни жабрланувчиларга тўлаш бўйича махсус тузилган жамғармаларга одамлар савдоси жабрланувчилари илтимос билан мурожаат қилишлари мумкин. Одамлар савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатишда бундай жамғармаларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги махсус қоидаларга риоя қилиш зарурдир:

- "Ноқонунийлик" асосида истисноларқилиниши керак эмас, чунки одамлар савдоси жабрланувчилари олиб бориш мамлакатларида камдан кам қонуний мақомга эга бўладилар;
- Жараён оддий бўлиши ва илтимослар тез кўриб чиқилиши лозим, чунки одамлар савдосининг кўпгина жабрланувчилари узоқ бўлмаган давр давомида олиб бориш мамлакатларида қоладилар;
- Мумкин қадар жабрланувчи ўтказиладиган суҳбат ёрдамида эмас, балки ушбу ҳодисанинг мавжуд материаллари ва бошқа далилларини ўрганиш ёрдамида психологик ҳаяжондан халос этилиши керак.

Давлат фондларидан компенсация тўлашнинг камчилиги давлат ресурсларининг кўпгина ҳолатларида жуда чекланганлигидир. Шу сабабли, тўланаётган миқдор жабрланувчи бошидан ўтказган азоб-уқубатларни акс эттирмайди.

Ижтимоий ҳимоя доирасидаги қўшимча компенсация

Жабрланувчиларга компенсация бўйича жамғармалардан ташқари давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий ҳимоя доирасидаги компенсациянинг бошқа турлари мавжуд. Масалан, Германияда "Зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар жабрланувчиларига компенсация тўлаш тўғрисидаги" Қонун амал қилади. Қонун жиноят натижасида соғлиғига зарар етказилган кишиларга ижтимоий ҳимоя доирасида даволаниш, нафақа ва қўшимча тўловлар бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Бошқа давлат фуқароси бўлган мурожаат этувчи шахс жиноят содир этилган вақтда мамлакатда доимий яшашнинг қонуний мақомига эга бўлиши керак. Бу ҳар доим ҳам одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан қўлланилмаслиги туфайли, бундай ҳолатларда мувофиқ федерал вазирлик жабрланувчига шу каби ариза топшириш ҳуқуқини берувчи махсус йўриқномани чиқариши лозим.

Жиноий фаолият натижасида олинган даромадни мусодара қилиш

Жиноий фаолият натижасида олинган даромадни мусодара қилиш нафақат жабрланувчиларга компенсация тўлаш маблағларини таъминлаш учун, балки давлатнинг ижтимоий хизматларини молиялаштириш учун ҳам муҳимдир. Даромадни мусодара қилиш деганда, жиноий фаолият давомида ноқонуний тарзда эришилган жиноятчининг маблағларини давлат томонидан мусодара қилиниши назарда тутилади. Жумладан, одам-

лар савдоси соҳасида ноқонуний даромадларнинг умумий миқдори ғоят каттадир. Ҳисобланишича, ушбу миқдор дунё миқёсида 60 миллиард евродан ошиқдир[73].

Жиноий фаолият натижасида олинган даромадни мусодара қилиш жиноятчини жазолашнинг асосий воситаси ҳисобланади, чунки бу маълум ҳолатларда қамоққа ҳукм қилишга қараганда кўпроқ жиноий фаолиятни тўхтатувчи таъсирга эга бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими жиноий фаолият натижасида олинган маблағларни мусодара қилишни кўзда тутади. Мисол тариқасида, қуйида жиноятчи маблағларини мусодара қилишнинг турли имкониятларини кўрсатувчи Германия жиноий ҳуқуқининг нормалари келтирилган:

[73] Joachim Renzikowski, "Frauenhandel – Freiheit für die Täter, Abschiebung für die Opfer", ва *Zeitschrift für Rechtspolitik*, 53-бет ва ҳоказо.

Ушбу тартиб ижобий амалиётнинг намунаси бўлишига қарамай, уни қўллаш чекланган ҳолатда қолмоқда. 2002 йил бутун Германия Федератив Республикасида одамлар савдосига қарши 289 та жиноий терговдан 60 таси жиноий йўллар билан эришилган маблағларнинг мусодара қилинишига олиб келди. Шунга қарамай, ушбу жараённинг натижасида тахминан 8,4 миллион евро ундирилди[74].

5.2. Одамлар савдоси жабрланувчисининг яшаш мақоми

Мамлакатга ноқонуний кириш, рухсатсиз меҳнат қилиш, фоҳишалик, тиламчилик, ўғирлик каби (масалан, одамлар савдоси жабрланувчиларига айланган болалар) фаолиятнинг ноқонуний турлари билан шуғулланиш туфайли ёки мамлакатда яшаш рухсатининг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли одамлар савдоси жабрланувчилари олиб бориш мамлакатида ноқонуний мақомга эга бўлишлари мумкин. Бу ноқонуний мақом турли йўллар билан одамлар савдогарларига қўл келади. Биринчидан, бу ҳолат ушбу мақомга эга бўлганларни товламачиликнинг енгил жабрланувчиларига айлантиради ва тушиб қолган вазиятдан чиқишларининг имкониятдаги услубларини чеклайди. Иккинчидан, ноқонуний яшаш натижасида жабрланувчиларни мамлакатдан чиқариб юбориш жиноий терговни ўтказишда жиноятчига қарши кўрсатмалар берувчи гувоҳлар бўлмаслигини билдиради. Ва ниҳоят, жабрланувчиларнинг ноқонуний мақоми уларнинг ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлардан фойдаланишини, шунингдек компенсация тўғрисида даъво бериш ҳуқуқини амалга оширишларини имконсиз қилиб қўяди. Ушбу бўлим айтиб ўтилган муаммовий ҳолатларни енгиб ўтиш мақсадида мамлакатда яшаш учун рухсат бериш имкониятини таърифлайди.

Одамлар савдоси соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар жабрланувчилар хавфсизлигини, тегишли муомалани ва реабилитацияни таъминлашнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида олиб бориш мамлакатида уларга ҳуқуқий яшаш мақомини бериш заруриятига эътиборни қаратадилар. Мамлакатда яшаш ҳуқуқи жабрланувчининг жиноий жараёнда гувоҳ сифатида иштирок этиш истагидан қатъий назар берилиши керак.

Агарда шахс одамлар савдоси жабрланувчиси эканлигига жиддий асослар мавжуд бўлса, ушбу ҳолатда ўйлаб кўриш учун вақт бериш ижобий амалиёт ҳисобланади. Бу вақт жабрланувчининг вазиятни барқарорлаштиришга имкон берувчи давр давомида қонуний асосда олиб бориш мамлакатида қолиш учун ва улар яна хавфга дучор этилмасликларини таъминлаш учун ёки улар уйларига қайтганлари биланоқ яна одамлар савдоси жабрланувчиларига айланиб қолмасликлари учун берилиши лозим. Баъзи ҳолатларда вақтинчалик яшаш учун рухсат узайтирилиши ва ҳаттоки доимий яшаш мақомига ўзгартирилиши мумкин. Айрим мамлакатларда гуманитар сабабларга ёки жамоат зарурияти сабабларига кўра (масалан, жиноий ишларни тергов қилиш доира-

74 16-изоҳга қаранг, *Trafficking in Human Beings 2002,* 18-бет.

сида гувоҳлар учун) жабрланувчиларнинг яшаш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига асос яратувчи ва ушбу ҳуқуқни тақдим этишни тартибга солувчи қонунлар аввал қабул қилинган бўлиши мумкин.

Мамлакатда яшаш мақомини тартибга солувчи миллий қоидалар одамлар савдоси жабрланувчилари тақдирига катта таъсир кўрсатганлиги сабабли бундай қоидалар ЖҚЙМ томонидан жиддий эътиборни жалб қилишни талаб этади. Дастлабки ва асосий вазифалардан бири сифатида ЖҚЙМ одамлар савдоси жабрланувчиларига яшаш учун узоқ ва қисқа муддатли рухсат берилишидаги миллий қонунчиликларни ва тартибларни таҳлил қилиши керак. ЖҚЙМлар мана шу тартибда содир бўлаётган ўзгаришлар жабрланувчиларнинг энг мақбул тарзда ҳимоя қилинишига олиб келувчи ҳолатларни баҳолашлари лозим ва тааллуқли тавсияларни ишлаб чиқишлари керак.

Ўйлаб кўриш учун вақт

Тажрибанинг кўрсатишича, полициянинг аралашуви натижасида ёки бошқа услублар ёрдамида жабрланувчилар тушиб қолган вазиятларидан чиқа олганларида, улар кўпгина сабабларга кўра ўзларининг азоб-уқубатлари тўғрисида кўпинча сўзлай олмайдилар ва шу туфайли ўзларини жабрланувчи эканликларини тушуна олмайдилар. Шунинг учун, уларга маълум вақт берилиши ва ушбу вақт давомида одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларига ҳуқуқий мақомнинг, шунингдек полиция томонидан ушланиш ва мамлакатдан чиқарилиб юборилишдан ҳимояланиш ҳуқуқининг тақдим этилиши муҳим босқич ҳисобланади. Ушбу давр мобайнида жабрланувчи қуйидаги хизматлардан фойдаланиш имкониятига муҳтож бўлади:

- Мувофиқ ва хавфсиз яшаш жойи;
- Психологик ёрдам;
- Ижтимоий ва тиббий хизматлар;
- Профессионал маслаҳатлар, жумладан ҳуқуқий маслаҳатлар.

Ушбу вақт жабрланувчи учун компенсация тўғрисида даъво бериш бўйича процессуал ҳаракатларни бошлаш имкониятини билдириши мумкин. Бундан ташқари, ушбу давр мобайнида жабрланувчилар камроқ тазйиқ остида жиноятчига қарши кўрсатмалар беришга тайёр эканликлари тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин. Бу қарор жуда жиддий эканлиги сабабли ва жабрланувчининг ҳаёти, шунингдек ўз мамлакатидаги оила аъзолари хавфсизлиги учун жиддий оқибатларни келтириб чиқариши туфайли жабрланувчи ўз танловининг эҳтимолдаги оқибатларини ўйлаб кўриш вақтига эга бўлиши керак.

Одамлар савдосига қарши курашиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар Голландия давлати каби жабрланувчиларга ўйлаб кўриш учун камида 3 ой муддатли вақт берилиши нуқтаи назарини илгари сурадилар.

Қисқа ва узоқ муддат давомида яшаш ҳуқуқи

Ўйлаб кўриш учун вақтдан ташқари, одамлар савдоси жабрланувчиларига келгусида мамлакатда яшаш рухсати улар учун юқорироқ даражадаги ҳимояни англатади, чунки бошқа ҳолатда одамлар савдогарлари томонидан хавф мавжуд бўлиши мумкин. Бундан ташқари, жабрланувчи олган жароҳатнинг тузалиши узоқ вақтни талаб этиши ва жабрланувчининг аҳволи тез амалга оширилган репатриация натижасида ёмонлашиш хавфи остида қолиши мумкин. Шунингдек, тажрибанинг кўрсатишича, жабрланувчилар ўз аҳволини барқарор деб ҳисобласалар ва улар ўз мамлакатларига дастлабки босқичда қайтишга мажбур бўлишларидан қўрқмасалар, жиноий жараёнда гувоҳ бўлишга кўпинча розилик берадилар. Яшаш учун рухсатсиз, жабрланувчилар одамлар савдогарларига қарши фуқаролик даъвосини бериш имкониятига эга бўлмайдилар. Ниҳоят, инсон ҳуқуқларига асосланган одамлар савдосига қарши курашиш ёндашуви жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларни реабилитация қилиш услублари соҳасида мамлакатлар фаолроқ ишлашлари лозимлигини назарда тутади.

Юқоридаги барча сабабларга кўра, баъзи мамлакатлар одамлар савдосининг алоҳида жабрланувчиларига узоқ муддат яшаш ҳуқуқини беришда чекловларни татбиқ қилмайдилар. Ушбу ҳолат келиб чиқиш мамлакатида жабрланувчи хавфсизлигига таҳдид каби гуманитар сабабларга асосланса, одамлар савдоси жабрланувчиларига мамлакатда узоқ муддат яшашга рухсат берилиши керак.

Халқаро ва Европа андозалари[75]

Яшаш учун рухсат беришга алоқадор қоидаларни қабул қилиш айни дамда тавсиялар объекти ҳисобланади ва бундай андозаларни белгиловчи ҳам халқаро, ҳам Европа ташкилотлари томонидан рағбатлантирилади[76]. Масалан, Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколи иштирокчи-давлатларга зарур ҳолатларда ўз ҳудудларида одамлар савдоси жабрланувчиларининг вақтинчалик ёки доимий асосда қолишларига имкон берувчи чораларни қабул қилишни кўриб чиқишлари, шунингдек тегишли равишда гуманитар мулоҳазаларни ҳисобга олишлари ва ҳамдардликни намоён қилишлари мажбуриятини юклайди.

Ушбу Қўлланманинг нашр этилиши вақтида ЕИ Кенгаши одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан қатор янги талабларни ўзида мужассамлаштирган йўриқномани қабул қилиш имкониятини кўриб чиқаётган эди. Бу талаблар қаторига ЕИ мамлакатларида ўйлаб кўриш учун вақтга ва вақтинчалик яшаш ҳуқуқига эга бўлиш имкония-

75 Халқаро ва Европа андозаларига тааллуқли маълумотларни олиш учун қуйидагиларга қаранг:
- Боқувда бўлган шахслар учун гувоҳларни ҳимоя қилиш:
• Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси, 2000 й., 24-модда.
• 1995 йил 23-ноябрда қабул қилинган ЕИ Кенгашининг Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашишда гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюцияси OJEC 327 07/12/1995.
- Яшаш учун мақом бериш:
• ЕИ Кенгашининг Жиноий жараёнда жабрланувчилар ҳолати тўғрисидаги доиравий қарори, 10 (4)-модда.

76 5-изоҳга қаранг, Одамлар савдоси тўғрисидаги БМТ Протоколи, 7-модда; 69-изоҳга қаранг, ЕИ Кенгашининг Жиноий жараёнда жабрланувчилар ҳолати тўғрисидаги доиравий қарори; 15-изоҳга қаранг, *Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми*, 77-бет ва ҳоказо.

ти киради. ЕИ Кенгаши тавсия этган йўриқнома жабрланувчиларга ўйлаб кўриш учун вақт ва вақтинча яшаш ҳуқуқи билан таъминлаш мажбуриятини Иттифоқ мамлакатларига юклаган бўлар эди. Шунга қарамай, баъзи мамлакатлар, масалан, Бельгия ва Италия тавсия этилган ҳуқуқий андозалардан ҳам илғорилаб кетдилар.

Қатор мамлакатлар одамлар савдоси жабрланувчиларига яшаш учун узоқ ва қисқа муддатли рухсатни беришни тартибга солувчи қонунларни қабул қилди. Масалан, Бельгия қонунчилиги 45 кун давомида ўйлаб кўриш учун вақт берилишини ва бу вақт маълум шароитларда узайтирилиши мумкинлигини кўзда тутади. Ушбу муддат давомида ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши мумкин. Бирон бир шахс одамлар савдоси жабрланувчиси сифатида шубҳа туғдирган ҳолатда, полиция мутахассисларга ёрдам учун мурожаат қилиши, эҳтимолдаги жабрланувчи ва маслаҳат хизмати ўртасида алоқа ўрнатилишини таъминлаши лозим[77]. Шунингдек, Бельгия қонунчилиги жабрланувчилар узоқ муддат яшаш учун рухсатга эга бўлишлари мумкинлиги шартларини белгилайди ва бу рухсат жабрланувчилар жиноий жараёнда гувоҳ сифатида иштирок этишга рози бўлганларида ва уларнинг кўрсатмалари суд таъқиби ва айбланувчини ҳукм қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганда берилиши мумкин[78]. Италия ва Германия қонунчилигида ҳам жабрланувчи узоқ ёки қисқа муддат яшаш рухсатини олиши, шунингдек ижтимоий хизматлардан фойдаланиши мумкинлиги ҳолатлари кўзда тутилган.

Ҳаракатланиш эркинлиги

Одамлар савдоси жабрланувчилари ҳолати адолатсиз тарзда давлатнинг иммиграция сиёсати туфайли ёмонланиши мумкин, чунки бундай сиёсатга мувофиқ равишда эҳтимолдаги ноқонуний фаолиятга жалб этилганликлари ёки олиб бориш мамлакатидаги ноқонуний мақоми сабабли ушбу шахсларни "қора рўйхатга" киритадилар. Одамлар савдоси жабрланувчилари уларга нисбатан содир этилган жиноят табиати туфайли, кўпинча мамлакат ҳудудига ноқонуний тарзда кирадилар ва у ерда яшаш даврида ноқонуний фаолият билан шуғулланадилар (масалан, фоҳишалик ёки қонун томонидан рухсат этилмаган бошқа фаолият). "Қора рўйхатлар" ёки "назорат рўйхатлари" турли мамлакатлар томонидан фаол фойдаланилади ва баъзи ҳолатларда ҳокимият органлари ушбу маълумотларни кўпгина бошқа мамлакатларга тақдим этадилар. Натижада ўз иродасига қарши олиб келинган ва меҳнат қилишга мажбурланган одамлар савдоси жабрланувчисининг мамлакатга доимий асосда кириши рад этилиши мумкин. Бундай рўйхатларни тузувчи давлатлар ёки ташкилотлар шу каби ҳолатларга эътиборли муносабатда бўлишлари ва ушбу шахс фақатгина одамлар савдоси жабрланувчиси эканлиги сабабли уларнинг исмлари бундай рўйхатларда мавжуд бўлмаслигини таъминлашлари лозим. Бундан ташқари, шу каби рўйхатларга маълумотларнинг киритилиши тўғрисида одамлар савдоси жабрланувчиларини хабардор

77 Чет эл фуқаролари бўйича бўлим, прокуратура, полиция, ижтимоий қонунчиликнинг бажарилашини назорат қилувчи хизмат ва ижтимоий инспекция хизматлари учун одамлар савдоси жабрланувчиларига алоқадор йўриқномалар (1997 й. 13 январь), 5-модда.

78 Ўша жойда, 8.3-модда.

этишга ва рўйхатлардан уларнинг маълумотларини чиқариб ташлаш тўғрисида ариза беришларига имкон яратувчи қоидаларни қабул қилиш зарурдир.

Миллий даражада яшаш мақомини тақдим қилишни тартибга солувчи қонунчиликнинг ижобий намуналари

Италия

Яшаш ва иммиграция масалаларини тартибга солувчи Италия қонунчилиги одамлар савдоси жабрланувчиларига қуйидаги тегишли ҳужжатларни беришга имконият яратади:

- Вақтинчалик яшаш учун рухсат:
  - Гувоҳлар учун;
  - уманитар сабабларга кўра.
- Узоқ муддат яшаш ҳуқуқи.

Ўйлаб кўриш учун вақт

Италия қонунчилиги ўйлаб кўриш учун махсус муддатни кўзда тутмайди. Шунга қарамай, амалиётда ноқонуний яшашга нисбатан қисман бағрикенглик мавжуд ва бу жабрланувчиларга ижтимоий ёрдам бўйича хизматлардан фойдаланишга ва ўйлаб кўриш учун муддатнинг таъминланишига имконият яратади[79].

Вақтинчалик яшаш ҳуқуқи

Италия қонунчилиги яшаш мақоми ва иммиграция тўғрисида иккита имкониятни кўзда тутади ва уларга мувофиқ равишда одамлар савдоси жабрланувчилари вақтинчалик яшаш учун рухсат олишлари мумкин. Гувоҳлар каби улар қуйидаги ҳуқуққа эга:

- Суд жараёни давомида яшаш учун рухсат. Яшаш учун рухсат 6 ойга берилади ва суд жараёнининг охиригача узайтирилиши мумкин.

Гувоҳ мақомининг мавжудлигидан қатъий назар, Италия қонунчилиги қуйидагини тақдим этишга имкон беради:

- Гуманитар сабабларга кўра бошқалар қатори одамлар савдоси жабрланувчиларига ҳам вақтинчалик яшаш учун рухсат[80].

Қуйидаги шароитлар ариза берувчига алоқадордир:

- У эксплуатациянинг маълум турларига дучор этилмоқда;

79 Elvira Niesner, Christina Jones-Pauly, *Frauenhandel in Europa. Strafverfolgung und Opferschutz im europäeischen Vergleich* (Билефельд, 2000 й.), 80-бет.
80 Иммиграция тўғрисидаги Италия Қонуни No. 40, 286-қонун билан биргаликда, 18-модда.

- У уюшган жиноятчиликнинг жабрланувчисидир; ёки
- Унинг ҳаётига хавф таҳдид солмоқда (таҳдид солган).

Мувофиқ сўровномалар НДТлар, полиция ва суд органлари томонидан тақдим этилиши мумкин. Полицияга якуний қарорни қабул қилиш бўйича умумий ваколатлар бириктирилган. Бундан ташқари:

- Яшаш учун рухсат 6 ойга берилади ва у узайтирилиши мумкин, масалан, ушбу одам меҳнат қилиши ёки таълим олиши тўғрисида далиллар тақдим этилган ҳолатларда.

Иккала ҳолатда ҳам яшаш учун рухсатнинг тақдим қилиниши ижтимоий интеграция дастурида иштирок этишга боғлиқдир (тил курслари, таълим олиш, ўқиш ва ҳоказолар). Бундан ташқари яшаш учун рухсатнинг амал қилиш давомида жабрланувчида қуйидаги имкониятлар мавжуд[81]:

- Ижтимоий ва тиббий хизматлардан фойдаланиш;
- Меҳнат бозори.

Агарда шахс ижтимоий интеграция дастуридан чиқса, яшаш учун рухсат бекор қилинади.

Узоқ муддат яшаш ҳуқуқи

Узоқ муддат яшашга рухсат шахс узоқ муддатли ишга эга бўлганда берилиши мумкин.

Италия қонунчилиги қоидаларининг ижобий томони шундан иборатки, яшаш учун рухсат нафақат судда кўрсатмалар бериш истаги билан боғлангандир, балки ушбу рухсат ижтимоий интеграция дастурида иштирок этганда ҳам берилади.

Оилаларни қайта тиклаш

Одамлар савдоси жабрланувчилари учун яна бир муҳим масала улар ўз мамлакатларида ўз болаларини қолдирган бўлишлари мумкинлигидир. Давлат томонидан жабрланувчига узоқ муддатли ёки қисқа муддатли яшаш учун рухсат берилганда оилаларни тиклаш бўйича чораларни қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиш зарурдир, жумладан, қарамоқдаги болаларга ота-онасининг мамлакатда бўлиш даврида улар билан бирга яшаш учун рухсат бериш лозимдир. Бу гуманитар сабабларга кўра қилиниши мумкин.

Бошпана

Юқорида келтирилган одамлар савдоси жабрланувчилари учун яшаш ҳуқуқининг ҳар хил турлари билан бир қаторда бошпана бериш туфайли яшаш учун рухсатни тақдим

[81] 15-изоҳга қаранг, ЕХҲТ/ДИИҲБ, *Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми,* 84-85 бетлар.

этиш ҳам лозим бўлган босқич сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Айниқса бу имконият келиб чиқиш мамлакатида таъқиб қилиниш таҳдиди мавжуд бўлган ҳолатларда қўлланилиши лозим.

5.3. Маълумотлар ҳимоясининг асосий тамойиллари

Жабрланувчилар, шунингдек одамлар савдосига қўшилиб қолган бошқа шахслар мафаатларининг махфийлигини таъминлаш мақсадида, давлат жабрланувчи томонидан берилган маълумотларни рухсат этилмаган тарзда узатиш ва нашр қилишга тўсқинлик қилувчи қоидаларни қабул қилиши зарур. Бўлимнинг ушбу қисми шахсий маълумотлар ҳимоясининг баъзи умумий тамойилларини ва одамлар савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини тартибга солишни талаб этувчи аниқ соҳаларни ўз ичига олган.

ЖҚЙМ одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан маълумотларни ҳимоялашга таъсир этувчи миллий қонунчилик ва тартибларни баҳолашни ўтказиши керак. ЖҚЙМ қонунчиликка зарур ўзгартиришлар киритилишини тавсия этиши лозим. Ушбу бўлим ЖҚЙМнинг одамлар савдосига қарши фаолияти учун қабул қилиниши лозим бўлган ижобий амалиётга бағишлангандир.

Маълумотлар ҳимояси

Маълумотлар ҳимояси маълум кишининг шахсий маълумотларидан фойдаланишини назорат қилишни кафолатлайди. “Шахсий маълумотлар” тушунчаси нафақат исм, манзил, туғилган сана, фуқаролик ва бошқа тафсилотларни ўз ичига олади, балки фаолият тури, молиявий шароит, соғлиқ ҳолати, жумладан эҳтимолдаги ҳомиладорлик ёки ОИВнинг мавжудлиги каби инсон ҳаётининг шахсий жиҳатлари тўғрисидаги маълумотдан ҳам иборатдир. Шахсий маълумотлар ҳимояси фақатгина ижобий амалиёт сифатида эмас, балки кўпроқ ҳуқуқ сифатида тушунилади. Масалан, маълумотлар ҳимояси ҳуқуқи Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар хартия[82] сидаги 8-моддада таърифланган ва 1995 йилги Европарламентнинг маълумотлар ҳимояси тўғрисидаги Йўриқномасида аниқроқ ифода этилган[83].

Жабрланувчи тўғрисидаги маълумотлар ҳимояси олиб бориш мамлакатида ҳам, келиб чиқиш мамлакатида ҳам қўлланилиши лозим. Маълумотлар ҳимояси бўйича бошқарув тамойиллар мавжуд бўлмаган ҳолатда давлатлар уларни татбиқ қилиш имкони-

82 8-модда: Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш:
1. Ҳар бир киши ўз шахсий маълумотларининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга.
2. Бундай маълумотлар қатъий белгиланган мақсадларда холисона равишда ва манфаатдор шахс розилиги билан ёки қонунда белгиланган бошқа асосларга мувофиқ тарзда фойдаланилиши лозим. Ҳар бир киши у ҳақда тўпланган маълумотлардан фойдаланиш имконияти ҳуқуқига ва уларни тўғирлаш ҳуқуқига эга.
3. Ушбу қоидаларга риоя қилиш мустақил инстанция томонидан назорат қилиниши керак.

83 1995 йил 24 октябрда қабул қилинган Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 95/46/ЕС Йўриқномаси: Шахсий маълумотлардан фойдаланишда алоҳида шахсларни ҳимоя қилиш ва бундай маълумотларнинг эркин алмашинуви тўғрисида (No L 281/31).

ятини кўриб чиқишлари лозим. Бу шахсий маълумотлардан фойдаланишни тартибга солувчи махсус қонун орқали, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан маълумотлар ҳимояси тўғрисидаги мувофиқ қарорларни қабул қилиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин[84].

Маълумотлар ҳимояси тўғрисидаги қоидаларнинг мақсади маълумотлардан қонунчиликка мувофиқ равишда ёки маълум шахснинг розилиги асосида фойдаланилишини кафолатлашдан иборат бўлиши керак (бу маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, сақлаш ва узатишга тааллуқлидир). Шахсий маълумотлар фақатгина дастлаб тўпланган мақсадда фойдаланилиши лозим. Одатда, бундай маълумотлар давлат органлари орасида ёки давлат органлари, нодавлат тузилмалари ва чет элдаги ташкилотлар ўртасида алмашинув предмети бўлиши мумкин эмас. Амалиётда махфийликка риоя қилишнинг умумий қоидаларига нисбатан чеклашлар мавжуд бўлиши мумкин, масалан, ушбу чеклашлар шахс ўзи тўғрисидаги маълумотларни бошқа мақсадларда фойдаланилишига розилик берганда, жамият хавфсизлигига таҳдид мавжуд бўлганда, маълумотлар жиноятчиларни айблаш учун хизмат қилганда, ёки улардан фойдаланиш бошқа кишига нисбатан жиддий хавфни олдини олишга ёрдам берганда намоён бўлади.

ЖҚЙМ доирасидаги ҳамкорлик битимлари жабрланувчининг ўзи ва унинг шахсий маълумотлари ошкор этмасмаслиги кафолатлари тўғрисидаги қоидаларни қамраб олиши керак ва бу жабрланувчининг англанган розилигисиз амалга оширилмаслиги лозим.

Шахсий маълумотларни ҳимоялаш зарурияти ушбу Қўлланманинг аввалги бўлимида муҳокама қилинган назорат рўйхатларига ҳам тааллуқлидир. Агарда одамлар савдоси жабрланувчисининг исми ва у ҳақдаги шахсий маълумот бошқа давлатлар ҳокимиятлари билан баъзида алмашинадиган иммиграция назорати рўйхатига киритилса, бу ҳолат жабрланувчининг келажакда ўз мамлакатидан ташқарига чиқиши ва меҳнат қилиши имкониятига кучли таъсир этиши мумкин. Одамлар савдоси жабрланувчилари улар фақатгина жиноят жабрланувчилари эканликлари туфайли бундай рўйхатларга киритилиши керак эмас. Ва агарда улар шундай рўйхатга киритилиб қолсалар, улар бу ҳақда тегишли тарзда хабардор этилишлари лозим ва уларга ушбу маълумотни тўғирлаш ёки унга эътироз билдиришнинг амалдаги имконияти берилиши зарур.

Жабрланувчининг шахси тўғрисидаги маълумот унинг англаб етилган розилигисиз жиноий таъқиб органлари томонидан маслаҳат берувчи тузилмаларга берилиши керак эмас. Шу тарзда маслаҳат хизматлари ўз жабрланувчилари шахси ёки улар тўғрисидаги бошқа маълумотни уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мақсадида жиноий таъқиб органлари томонидан тазйиққа учрашлари лозим эмас. Аввалги бўлимларда ёритилганидек, жиноий таъқиб органлари ва маслаҳат марказлари орасидаги мажбуриятлар ва ваколатларнинг аниқ тақсимланиши одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳимоясини таъминлаш мақсадида ЖҚЙМ фаолиятидаги энг асосий жиҳат ҳисобланади.

83 Масалан, хамкорлик тўғрисидаги битимларда, жабрланувчиларга яшаш жойини тақдим этувчи ташкилотлар ходимлари учун йўриқномаларда ва ҳоказо.

Оммавий ахборот воситалари билан муносабатларга алоқадор маълумотларни ҳимоялаш ҳам жуда муҳимдир. Одамлар савдоси воқеалари ОАВларда катта қизиқиш уйғотади. Бу вазият ОАВ билан ишловчи шахслар томонидан жабрланувчиларнинг шахсий маълумотларига нисбатан ўзига хос ҳимояни талаб этади. Умумий қоида жабрланувчининг исми, фотосурати, ҳаёт тарихи каби маълумотларни, шунингдек жабрланувчини идентификация қилишга олиб келиши мумкин бўлган тафсилотларни, масалан манзилни ОАВларга тақдим этмаслик бўлиши керак.

Жабрланувчининг ўз мамлакати ҳокимияти вакиллари билан мулоқотга киришиши зарурияти вужудга келган вазиятларда ҳам унинг шахсий маълумотларига эътибор билан муносабатда бўлиши керак. Масалан, бу элчихоналар билан, шунингдек жиноий таъқиб соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида иккитомонлама ёки халқаро шартномалар доирасида фаолият юритувчи полиция ёки прокуратура билан муносабатда юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда, олиб бориш мамлакатида мавжуд бўлган маълумотларни ҳимоя қилиш тартиби келиб чиқиш мамлакатларида мажбурий бўлмаслигини тушуниш зарурдир. Келиб чиқиш мамлакати маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги мувофиқ қоидаларга эга бўлмагунча, тақдим этилган маълумот жабрланувчига нисбатан ўз мамлакатида нафратли муносабатга, одамлар савдогарлари томонидан юқори даражадаги хавфга ёки фоҳишалик таъқиқланган мамлакатларда жабрланувчиларнинг жиноий таъқиб қилинишига олиб келиши мумкин.

Маълумотлар ҳимояси ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яратишнинг таркибий қисми сифатида

Маълумотлар ҳимоясининг муҳим жиҳати маслаҳат берувчи мутахассислар маълумотларни ошкор этмаслигига жабрланувчининг бўлган ишончидир. Одамлар савдосига боғлиқ ишларда мутахассис ва полиция орасида манфаатлар ихтилофи вужудга келиши мумкин, чунки мутахассис учун асосий нарса жабрланувчи аҳволининг барқарорлашувидир, полиция учун эса муҳими жабрланувчининг жиноий ишни тергов қилишдаги ҳамкорлигидир. Аввал таъкидлаб ўтилганидек, одамлар савдоси жабрланувчилари кўпинча ўз мамлакатида полиция билан муносабатнинг салбий тажрибасига эга бўлишган ва шунинг учун улар ўз ҳолатларини нодавлат ташкилоти вакиллари билан муҳокама қилишни афзал кўришади. Бунинг натижаси полиция жабрланувчининг мутахассисга ишонч билан берган маълумотига эришишга ҳаракат қилиши бўлиши мумкин. Ушбу вазият жабрланувчилар истагига қарши махфий маълумотни бериш мажбуриятидан мутахассисларни ҳимоя қилувчи қоидаларнинг мавжудлигини талаб қилади.

Одамлар савдоси жабрланувчилари кўпинча жароҳатлангандирлар ва жиноятчилар тўғрисида маълумотларни тақдим этишган ҳолатларда уларга ёки уларнинг оила аъзоларига нисбатан қасосдан қўрқадилар. Бундан ташқари, улар ўзларининг мамлакатдаги ноқонуний мақомининг ошкор этилиши оқибатларидан хавфсирашади. Бироқ, мутахассис ўз жабрланувчисининг вазиятини баҳолаш имкониятига эга бўлиши ва унга зарур ёрдамни таклиф этиши учун мутахассисда жабрланувчи тарихининг барча тафсилотлари бўлиши керак. Бу қуйидагиларни англатади:

- Кўпинча одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиси жазоланувчи қонунбузарликларни содир этганлигини тан олишга мажбур бўлади (мамлакатга ноқонуний кириш, ноқонуний меҳнат фаолияти). Бу ҳолат жабрланувчи мажбуран жалб этилган вазиятни ҳал қилиш йўлларининг мутахассис томонидан тушунтирилиши учун асос ҳисобланади.
- Психологик барқарорлаштирув жабрланувчи ўз тарихини, жумладан шахсий тафсилотларини (масалан, фоҳишалик, номусга тегиш) тўлиқ сўзлаб бера олгандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Салбий муносабатдан хавфсирашни ҳисобга олганда, буни фақатгина маслаҳат марказида амалга ошириш мумкиндир ва жабрланувчи у ерда маслаҳатчи маълумотларни ошкор этмаслигига ишонади;
- Ҳимоя бўйича зарур чораларни ташкиллаштириш мақсадида (гувоҳлар ҳимояси, олиб бориш мамлакатида узоқ муддат яшашга рухсат) жабрланувчи жиноятчилар тўғрисида билган барча тафсилотларини айтиши керак.

Жабрланувчилар ошкор этилмаслик кафолатисиз бундай маълумотларни бериш салбий оқибатларга олиб келишидан, масалан, жиноятчилар томонидан қасос, ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги учун жиноий таъқиб ёки олиб бориш мамлакатидан дарҳол чиқарилиб юборилишдан хавфсирайдилар. Ушбу қийинчиликлар билан юзмаюз келган жабрланувчи, одатда сукут сақлайди ёки у бошидан кечирган нарсалар тўғрисида танлаб-танлаб сўзлайди. Натижада одамлар савдоси жабрланувчиларига қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларнинг бутун қамрови тақдим этилмаслиги, ҳокимият органлари эса жабрланувчиларни муҳим гувоҳлар деб ҳисобламасликлари мумкин.

Ушбу ҳолатдан чиқиш профессионал мутахассисларга маълумотларни ошкор этмаслик мажбуриятини юклашдан ва жабрланувчилар томонидан махфий тарзда берилган маълумотлар суд жараёнида далил сифатида қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, мутахассисларни ошкор этиш тўғрисидаги ҳар қандай талаблардан озод этишдан иборатдир. Баъзи мамлакатларда ошкор этмаслик тўғрисидаги бундай қоидалар юристлар ёки врачлар билан шахсий учрашувлар давомида берилган маълумотларга нисбатан мавжуддир. Ижтимоий хизматчиларнинг ошкор этмаслик мажбурияти турли мамлакатларнинг қонунчилигига, масалан, Германиянинг Жиноят кодексига ҳам киритилган[85].

Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича мутахассислар мамлакатлар бундай қонун қоидаларни (агар мавжуд бўлмаса) қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишларини таклиф этадилар. Бундан ташқари, маълумотни ошкор этмасликни кафолатлаш мақсадида касбидан қатъий назар ошкор этмаслик мажбуриятини олган шахслар қуйидагича таърифланиши мумкин:

---

[85] Германиянинг Жиноят кодекси, 203-модда, 1-параграф: «5. ижтимоий таъминот органлари ёки умумий таълим тузилмаларининг ҳуқуққа эга ходимлари (…) сифатидаги (…) ҳар қандай киши ишониб топширилган ва маълум бўлган бошқа шахсга тааллуқли махфий маълумотларни, айниқса унинг шахсий хаётига алоқадор махфий маълумотларни (…) ошкор этса, бир йилгача қамоқ жазоси ёки жарима билан жазоланади».

> Одамлар савдоси жабрланувчилари билан ишловчи маслаҳат берувчи ташкилотларнинг ходимлари ёки вакиллари.

Қуйида одамлар савдоси жабрланувчиларидан махфий тарзда олинган маълумотларнинг маслаҳат берувчи ташкилот ходимлари томонидан тақдим этилиши талабидан ҳимояловчи қоиданинг намунавий матни берилмоқда:

> Одамлар савдоси жабрланувчилари билан ишловчи маслаҳат ташкилотларининг ходимлари ёки вакиллари ўз касбий мажбуриятларини бажариш давомида жабрланувчилар томонидан ошкор этилмасликка ишониб берилган маълумотларга алоқадор кўрсатмаларни беришни рад этиш ҳуқуқига эгалар.

5.4. Гувоҳларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш

"Гувоҳлар ҳимояси" ибораси кўпинча полициянинг гувоҳларни ҳимоя қилиш бўйича дастурига шахсни киритиш жараёнини тасвирлаш учун қўлланилса ҳам (исм ёки фамилияни ўзгартириш каби чораларни назарда тутувчи), бу фақатгина гувоҳларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг кўпгина услубларидан биридир. Одамлар савдоси ҳолатларида исм ва фамилияни ўзгартириш гувоҳларни ҳимоя қилишда камдан-кам қўлланилади. Амалиётда суд жараёни давомида ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича индивидуал чоралар муҳимроқ ҳисобланади. Қуйидаги бўлимда гувоҳлар ҳимоясининг ҳам расмий, ҳам амалий таркибий қисмлари тасвирланади.

Процессуал ҳаракатлар давомида одамлар савдоси жабрланувчисининг жиноятчига қарши кўрсатмалари жуда муҳим ҳисобланади. Кўрсатмаларни бериш гувоҳлар учун кучли руҳий ҳаяжон ва хавф билан боғлиқдир. Шахсга насбатан зўравонлик билан боғлиқ жиноят жабрланувчиси сифатида уларнинг кўпчилиги руҳан қаттиқ жароҳатлангандир ва кучли психологик ҳаяжон ҳолатида бўлишлари давом этади. Бунга руҳий ҳаяжонни келтириб чиқарувчи бошқа омиллар ҳам қўшилади: жабрланувчилар одатда олиб бориш мамлакати тилида сўзламайдилар; улар тушиб қолган вазиятдан чиқиб кета олганларидан сўнг дўстларсиз, оиласиз ёки мулоқотнинг бошқа доирасисиз деярли тўлиқ ёлғизликда қолиб кетадилар. Шунингдек, гоҳида жабрланувчиларда жиноятчиларга нисбатан психологик боғлиқлик ривожланади.

Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш гувоҳ ҳаёти учун жиддий оқибатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Одамлар савдогарларига нисбатан процессуал ҳаракатлар одатда уюшган жиноятчилик вакилларига тааллуқли эканлиги учун гувоҳлар ва уларнинг ватанидаги оилалари кўпинча хавфда қоладилар. Натижада, давлат жиноий таъқибдан манфаатдор бўлса ҳам ва эҳтимол, жабрланувчиларнинг гувоҳлик кўрсатмаларни беришини талаб қилувчи қонунчилик мавжуд бўлса ҳам, жабрланувчилар камдан-кам ҳолатларда кўрсатмаларни бериш уларнинг манфаатида эканлигини тушунадилар.

Юқорида тасвирланган вазиятда гувоҳларни ҳимоя қилиш механизмини яратиш жабрланувчиларнинг шахсий ҳимоясини таъминлаш учун ҳам, уларнинг гувоҳ сифатида ҳамкорлик қилишга розилигини олиш учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Тажрибанинг кўрсатишича, жабрланувчининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлиги жабрланувчининг манфаатлари ва хавфсизлиги ҳам эътиборга олиниши зарурлигининг тушунилишига боғлиқдир[86]. Жабрланувчининг жисмоний ва психологик тикланишини таъминлаш барча томонлар манфаатидадир, чунки натижада жабрланувчи учун ҳуқуқлардаги тикланиш зарурияти ва давлатнинг жиноятни тергов қилишидаги манфаатдорлиги бир бирини тўлдиради. Процессуал ҳаракатлар жабрланувчига катта талаблар қўяди, шу сабабли айбдорларни муваффақиятли таъқиб қилиш учун жабрланувчи тегишли кўрсатмаларни бериши мақсадида, унинг ҳолатини барқарорлаштириш муҳимдир. Жабрланувчи кўрсатмаларни берганда ўзини хавфсиз бўлмаган ҳолатга солиб қўйиши сабабли, давлат гувоҳларга ҳимояни тақдим этишга мажбурдир[87].

Ушбу вазиятларда гувоҳларни ҳимоя қилиш ЖҚЙМ учун жуда муҳим бўлган масаладир. Иш режасининг бир қисми сифатида ЖҚЙМ гувоҳларни ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликни, шунингдек ушбу қонунчилик одамлар савдоси жабрланувчиларига қай тарзда алоқадор эканлигини таҳлил қилиши лозим. ЖҚЙМ миллий даражадаги амалиётнинг камчиликларини аниқлаши ва ўзгартиришларни таклиф этиши керак. Қуйидаги бўлинмалар ЖҚЙМ учун ижобий амалиёт қўлланмасини ифода этади.

Гувоҳларни ҳимоя қилиш

Полиция тергови, ҳамда бошқа процессуал ҳаракатлар доирасида риоя қилиниши лозим бўлган гувоҳларни ҳимоя қилишнинг учта асосий тамойили мавжуд:

Гувоҳларни ҳимоя қилиш

Жисмоний ҳимоя	Психологик ҳимоя	Адолатсиз муносабатдан ҳимоя

86 Шунингдек, Walter Buggisch, *Zeugenbedrohung und Zeugenschutz in Deutschland und den USA* (Берлин, 2001 й.) га қаранг, 86-бет.

87 Халқаро ва Европа андозалари доирасидаги тааллуқли мажбуриятлар ва тавсиялар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси, 24 ва 25-моддалар.
- Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенциясини тўлдирувчи Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш, унга барҳам бериш ва унинг учун жазо тайинлаш тўғрисидаги Протокол, 6 (1)-модда.
- 1995 йил 23-ноябрда қабул қилинган ЕИ Кенгашининг Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашишда гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюцияси.
- 2001 йил 15-мартда қабул қилинган ЕИ Кенгашининг Жиноий жараёнда жабрланувчилар ҳолати тўғрисидаги доиравий қарори, 8-модда.

ди. Бу ҳолат гувоҳ уюшган жиноятчиликка қарши кўрсатмалар бераётганда айниқса муҳимдир.

Психологик ҳимоя ҳам муҳим ҳисобланади. Психологик ҳимояни марказий жиҳати психологик ҳолатни барқарорлаштириш ва келгуси руҳий ҳаяжонни четлаб ўтиш мажбуриятидир, масалан, такрорий виктимизация ёки процессуал ҳаракатлар оқибатидаги қайта жароҳатланиш туфайли келиб чиқувчи руҳий ҳаяжонлар.

Адолатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш – одамлар савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланган муносабатни таъминлашни билдиради.

Ҳимоя қилишнинг яна бир шакли – анонимлик ёки шахсни ҳимоя қилиш айбланувчи гувоҳни таниб қолмаслигини кафолатлаши мумкин.

Гувоҳлар алоҳида ҳимоядан фойдаланаётганда давлат шундай шароитларни яратиб бериши лозимки, бундай ҳимоя айбланувчининг одил ва очиқ суд жараёнига бўлган ҳуқуқини чеклаб қўймаслиги лозим.

Жисмоний ҳимоя

Полиция томонидан узоқ муддат давомида гувоҳларни жисмоний ҳимоя қилиш одамлар савдоси ишларида камдан кам қўлланилади. Шунга қарамай, баъзи мамлакатларда гувоҳларни ҳимоя қилишнинг ушбу характердаги дастурлари мавжуддир ва улар одамлар савдоси ишларида қўлланилади. Бироқ, одамлардан ажратиб қўйишни, гувоҳнинг ҳаракатланиши ёки шахсий маълумотларнинг ўзгаришини ҳам ўз ичига олиши мумкин бўлган гувоҳларни ҳимоя қилишнинг бундай “анъанавий” шакли жуда кўп ресурсларни талаб этади ва шунинг учун гувоҳлик кўрсатмалари ҳокимият органларига уюшган жиноятчилик тузилмасини барбод қилишга ёрдам берадиган ҳолатлар билан ушбу ҳимоя чекланиши мумкин. Одамлар савдоси жабрланувчиси камдан кам ҳолатларда бундай кўрсатмаларни бера олади. Бундан ташқари, шундай дастурларнинг қатъий шартлари ва талабчанлиги кўпинча жабрланувчиларга тўғри келмайди, чунки улар тез-тез жуда беқарор психологик ҳолатда бўладилар.

Шунга қарамай, жабрланувчилар ҳимоясида қўлланилиши мумкин бўлган жисмоний ҳимоянинг қатор бошқа имкониятдаги турлари мавжуд ва улар аниқ ҳолатларга боғлиқдир. Бундай чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Одамлар савдоси жабрланувчилари гувоҳ сифатида қатнашаётган ҳолатларда полициянинг уларни яшаш жойидан судга ва суддан яшаш жойига кузатиб бориши;
- Суд залида гувоҳлик кўрсатмаларини бериш давридаги ҳимоя, жумладан, суд жараёнида барча қатнашаётганларнинг шахсини, шунингдек уларда қуролнинг мавжудлигини текшириш;
- Жабрланувчини процессуал ҳаракатларнинг давом этиши, айниқса айбланувчи ҳибсдан озод этилиши тўғрисида доимо хабардор қилиб туриш;
- Жабрланувчи нуқтаи назаридан ҳимоянинг энг муҳим услубларидан

бири ўз мамлакатида у ёки унинг оила аъзолари учун бирон-бир ҳимояни ташкиллаштиришдир, чунки уларга нисбатан одамлар савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик тузилмалари томонидан хавф таҳдид солиши мумкин.

Психологик ҳимоя

Одамлар савдоси жабрланувчилари кўпинча жароҳатларни бошдан кечиришларини ёдда тутган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, гувоҳ сифатида қатнашаётган жабрланувчилар ҳимоясининг энг асосий жиҳатларидан бири уларнинг суд жараёнига жалб қилиниши туфайли вужудга келиши мумкин бўлган келгуси психологик руҳий ҳаяжонни камайтиришга имкон яратувчи ҳимоя чораларини қабул қилиш ҳисобланади. Ушбу ҳимоя чораларининг баъзиларини қабул қилиш жуда оддий тартиб ҳисобланади, айни вақтда бошқа чоралар миллий даражада мавжуд бўлган ҳуқуқий тартиб ва нормаларга боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Жабрланувчи/гувоҳга суд залида нима содир бўлиши, улар қатнашаётган процессуал ҳаракатлар қай тарзда амалга оширилиши ва уларга қандай саволлар берилиши тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим этиш;
- Жабрланувчи билан ишонч муносабатлари шаклланган мутахассис-маслаҳатчига жабрланувчини судга кузатиб бориш ва сўроқ давомида унинг ёнида ўтиришга рухсат бериш;
- Одамлар савдоси жабрланувчиларига нисбатан уддабурон муносабатда бўлишга алоқадор тегишли ўқув-машғулотларидан ўтган, шунингдек жиноий ишларни тергов қилиш ва судда жабрланувчиларни сўроқ қилиш давомида мумкин қадар эҳтиёткор бўладиган судьялар, прокурорлар ва полиция вакилларини жалб этиш;
- Судда кўрсатмаларни беришни кутиш давомида айбланувчи ёки унинг шериклари билан учрашиб қолишни четлаб ўтиш мақсадида суд биносида жабрланувчилар фойдалана оладиган алоҳида кутиш хонасини ажратиш.

Адолатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш

Баъзи мамлакатларда одамлар савдоси жабрланувчисига умуман олганда (гоҳида фақатгина унинг ўзига) жиноятчиларни идентификация қилиш ва таъқиб этишнинг воситаси сифатида қаралиши хавфи мавжуд. Восита сифатидаги жабрланувчининг бундай ҳолати қатор услублар билан ифодаланувчи адолатсиз муносабатга олиб келиши мумкин. Масалан, жабрланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг турли тузилмалари ёки прокуратура томонидан тез-тез амалга ошириладиган ва такрорий сўроқларга дучор этилиши мумкин. Уларни қўшимча азоб-уқубат билан боғлиқ бўлган тиббий текширувдан ўтишга мажбурлашлари, уларни ҳаёт учун нолойиқ шароитларда сақлашлари ёки суд жараёнларини ўтказиш даврида озодликдан маҳрум этишлари мумкин. Ҳокимият органлари учун маълум жабрланувчининг гувоҳ сифатида жараёндаги муҳимлик даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, жабрланувчи қадр-қиммат ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган инсон эканлигини ёдда тутиш зарурдир ва адолатли муносабатнинг моҳияти шундан иборатдир.

Адолатли муносабатнинг бошқа муҳим жиҳати жабрланувчи-гувоҳларни мувофиқ ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳат билан таъминлашдир. Бу ўзига хос даражада жабрланувчи-гувоҳ учун процессуал ҳаракатларнинг эҳтимолдаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумот беришига алоқадордир. Масалан, гувоҳ ноқонуний ҳаракатларга (мисол учун, фоҳишаликка) жалб қилинганликни тан олса у суд тартиби асосида таъқиб қилинадими? Шунингдек, юқорида айтиб ўтилганидек, жабрланувчи-гувоҳ маълумотларга эга бўлиши ва жиноятчига қарши процессуал ҳаракатларни ўзи бошлаши имкониятини олиши керак. Бунинг учун жабрланувчи-гувоҳ энг дастлабки босқичда, ҳаттоки ушбу шахс гувоҳ бўлишга розилик беришдан аввал ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳат олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Гувоҳ шахсининг ҳимоя қилиш

Гувоҳнинг комплекс ҳимояси у судланувчига қарши гувоҳлик берганда ва судланувчи унинг шахсини аниқлай олмаганда кафолатланади. Бу ҳар доим ҳам очиқ суд жараёни тамойилига мувофиқ келмаслиги сабабли гувоҳ шахсини ҳимоя қилиш бўйича чоралари мавжуд давлатлар ҳам ушбу амалиётга нисбатан жиддий чекловларни белгилайдилар, ҳамда одатда гувоҳга хақиқий хавф таҳдид солаётган ишларда бу амалиётни қўллайдилар, ва айни вақтда шахси ошкор этилмаётган гувоҳларнинг кўрсатмаларига бошқа чекловларни ҳам қўядилар. Бу нарса айбланувчи адолатли жараёнда иштирок этишини ва унда самарали ҳимоя қуриш имконияти мавжуд бўлишини таъминлаш мақсадида қилинади. Бироқ, ҳокимият органларида гувоҳ сифатида қатнашаётган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш бўйича қатор услублар мавжуд, ва улар турли вазиятларда ва турли чекловлар билан қўлланилади. Ушбу услублар одамлар савдосига нисбатан қонунларни қабул қилишга ёки ўзгартиришлар киритишга тайёрланаётган мамлакатларнинг ҳокимият органлари томонидан кўриб чиқилиши лозим. Баъзи мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ошкор этмаслик мажбурияти. Бу прокуратура жиноий таъқиб давомида гувоҳ тўғрисида маълум маълумотни ҳимоя тарафига айтмаслик мажбуриятини олишини билдиради, бироқ, кейинчалик бу маълумот судда ошкор этилиши мумкин.
- Суднинг аноним гувоҳдан кўрсатмалар қабул қилишга розилиги. Бундай ҳолатларда гувоҳнинг шахси суд ва прокуратурага маълумдир, лекин суд тинглови айбланувчи гувоҳни таний олмайдиган тарзда ташкиллаштирилади;
- Гувоҳнинг кўрсатмалари унга хавф билан таҳдид солса, унинг шахси ёки яшаш жойига алоқадор маълумот прокуратура ва тергов материалларидан чиқариб ташланиши тўғрисидаги қонун банди;
- Суд жараёни давомида гувоҳ тасвири ёки овозини экран орқали узатиш;
- Судда кўрсатмалар бериш гувоҳга хавф таҳдид солиши мумкинлиги туфайли унинг шахсий иштирокини талаб қилиш эмас, балки ёзма гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланиш. Баъзи мамлакатларда бу асосан судгача бўлган процессуал ҳаракатларга алоқадордир;
- Маълум вазиятларда аввал амалга оширилган гувоҳ сўроғининг видео ёки аудио тасмаларидан фойдаланишга рухсат этлади.

Гувоҳларни қўллаб-қувватлаш

Юқорида ёритилган ҳимоя чораларига қўшимча тарзда гувоҳ сифатида қатнашишга розилик берган жабрланувчилар кўпинча бошқа турдаги қўллаб-қувватлашга ҳам муҳтож бўладилар. Олиб бориш мамлакатларида одамлар савдоси жабрланувчилари кўп ҳолатларда алоҳида шахсларни қўллаб-қувватлашнинг мустақил тизимига эга бўлмайдилар. Шунинг учун, жуда узоқ давом этиши мумкин бўлган бутун суд жараёни давомида жабрланувчиларга яшаш учун жой, озиқ-овқат ва маслаҳат олиш каби ушбу Қўлланмада аввал ёритилган барча турдаги ёрдамлар етишмайди. Уларга, шунингдек, мамлакатда қонуний равишда қолиш рухсати зарурдир.

Шунингдек, гувоҳ сифатида қатнашаётган жабрланувчилар ҳуқуқий ёрдам олиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Бу ҳимоянинг муҳим жиҳатидир, чунки кўпчилик одамлар савдоси жабрланувчилари ноқонуний фаолиятда иштирок этишга ўзлари мажбур бўлганлар. Бундан ташқари, ҳуқуқий ёрдам жабрланувчиларга жиноятчилардан тўлов ва компенсация олиш имконини бериши мумкин. Баъзи мамлакатларда жиноятнинг барча жабрланувчилари давлат томонидан қопланадиган ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эгалар. Бундай ёрдамни тақдим этмайдиган давлатлар одамлар савдосининг барча жабрланувчиларига, ёки камида суд жараёнларида гувоҳ сифатида иштирок этишга розилик берганларга ушбу ёрдамни кўрсатиш имкониятини кўриб чиқишлари керак.

Гувоҳларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликнинг ижобий намуналари Германия қонуни мисолида

Суддаги ҳимоя чоралари
Процессуал чоралар

Айбланувчини чиқариб туриш

Гувоҳни сўроқ қилиш давомида айбланувчини суддан чиқариб туриш гувоҳни психологик ҳимоя қилишнинг ғоят мақбул услуби ҳисобланади.

Германиянинг Жиноий-процессуал кодекси[88] айбланувчини суд жараёнидан чиқариб туришга қуйидаги ҳолатда рухсат беради, агар унинг иштироки:

- Гувоҳ ҳақиқатни айтмаслиги хавфини туғдирса;
- 16 ёшга тўлмаган гувоҳ учун оғир синов бўлса;
- Гувоҳ соғлиғига зарар етказишнинг катта хавфи мавжуд бўлса.

Бундай ҳолатларда гувоҳни сўроқ қилиш даврида судланувчи суд залидан чиқиб туради. Сўроқ тугагандан сўнг уни яна суд залига киритишади ва раислик қилаётган судья ўтказилган сўроқнинг асосий жиҳатлари тўғрисида уни хабардор қилади.

88 Германиянинг Жиноий-процессуал кодекси, 247-модда.

Шунга қарамай, Германиядаги одамлар савдоси ҳолатларига алоқадор суд жараёнлари тажрибасининг кўрсатишича, гувоҳларни ҳимоя қилишнинг ушбу имконияти камдан кам фойдаланилади.

Судга ташриф буюрганларни залдан чиқариб туриш

Германиянинг жиноий-процессуал ҳуқуқига биноан одамлар савдосига алоқадор суд жараёнига ташриф буюрганларни залдан чиқариб туришнинг қуйидаги асослари мавжуддир:

- Сўроқ предмети гувоҳнинг ёки жабрланувчининг шахсий тафсилотларига алоқадордир ёки ушбу тафсилотларнинг очиқ-ойдин муҳокамаси ҳимоя қилиниши лозим бўлган манфаатларга зарар етказади[89];
- Гувоҳнинг ҳаёти, жисмоний хавфсизлиги ёки эркинлигига нисбатан хавфлар мавжуд[90];
- 16 ёшга тўлмаган шахс сўроқ қилинса[91].

Ташриф буюрганларнинг чиқиб туриши тўғрисидаги қоидага қарамай, баъзи тоифадаги шахсларга иштирок этишга рухсат берилиши мумкин[92]. Бу, масалан, жабрланувчини маслаҳатчи-мутахассис кузатиб борганда муҳимдир.

Германиянинг жиноий-процессуал кодекси суд жараёни давомида оммавий ахборот воситалари ташрифини ман қилади[93]. Ушбу шартнинг мақсади, аввалambор, айбланувчининг инсоний қадр-қимматини ҳимоялашдир, лекин айни вақтда у гувоҳни ҳам ҳимоя қилади.

Видеосўроқ

Ҳам айбланувчини, ҳам ташриф буюрганларни залдан чиқариб туриш билан жабрланувчи ҳолатига жиддий зарар етказиш хавфини четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ҳолатларда, Германиянинг жиноий-процессуал қонунчилиги гувоҳни видеоалоқа ёрдамида сўроқ қилишга имкон беради[94]. Бундай услуб жуда оғир психологик ҳолатда бўлган гувоҳнинг моҳир сўроқ қилинишини кафолатлайди. Бошқа жойда бўлган гувоҳни сўроқ қилишнинг овоз ва тасвири бир вақтда суд залига узатилади.

Шунингдек, гувоҳ олиб бориш мамлакатидан чиқиб кетган ҳолатда одамлар савдосига оид жиноий ишларда видеосўроқ қўлланилиб, гувоҳнинг суд ўтказилаётган жойдан узоқдалиги сабабли унинг суддаги иштироки асоссиз деб топилганда бу чорага рухсат этилиши мумкин.

89 Германиянинг Судлар тўғрисидаги қонуни, 171b-модда.
90 Ўша жойда, 172-модда, 1а-параграфи.
91 Ўша жойда, 172-модда, 4-параграфи.
92 Ўша жойда, 175-модда, 2-параграфи.
93 Ўша жойда, 169-модда.
94 88-изоҳга қаранг, Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси, 247а-модда; 75-изоҳга қаранг, Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси, 24 (b)-модда.

Видеосўроқ қўлланиладиган барча ҳолатларда ушбу тасмалар бошқа мақсадларда фойдалинилмаслиги кафолати таъминланилиши керак.

Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чоралар

Германиянинг жиноий қонунчилиги жиноят гувоҳга таъсир кўрсатиши даражасига қараб ҳимоя қилиниш ва иштирок этиш ҳуқуқининг кўпдаражали тизимини назарда тутган.

Гувоҳнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси

Жиноят жабрланувчилари бўлмаган гувоҳлар ҳуқуқий маслаҳатчининг маслаҳатларини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Баъзи вазиятларда, масалан, гувоҳ ўз ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қила олмаганда, ва айниқса гувоҳларга нисбатан қасос хавфи эҳтимоли мавжуд бўлганда[95] гувоҳнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси тайинланади, унинг хизматлари эса давлат томонидан тўланади.

Ҳуқуқий маслаҳатчи гувоҳни сўроқ қилиш даврида дастлабки терговнинг бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат маслаҳатчига гувоҳнинг ҳимоя ҳуқуқига риоя қилинишини назорат қилиш, шунингдек зарур ҳолатларда ушбу ҳуқуқларнинг қўлланилишини талаб этиш имкониятини беради:

- ➔ Сўроқнинг номувофиқ олиб борилишига қарши эътирозни билдириш орқали;
- ➔ Жиноий жараёндан айбланувчини чиқариб туришни талаб қилиш ва ҳоказолар орқали.

Жабрланувчининг ҳуқуқий маслаҳатчиси

Гувоҳнинг ўзи жиноят жабрланувчиси бўлган ҳолатларда унга ҳуқуқларнинг кенг доираси тақдим этилади[96]. Ушбу ҳолатда Германиянинг жиноий қонунчилиги “бирлаштирилган даъвогарлар” деб номланувчи даъвогарлар (асосан шахсга нисбатан зўровонлик билан боғлиқ оғир жиноятлар жабрланувчилари) ва “бирлаштирилмаган даъвогарлар” деб номланувчи даъвогарлар (одатда мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар жабрланувчилари) орасидаги фарқни таъкидлаб ўтади.

(a) “Бирлаштирилмаган даъвогарлар” (non-joint plaintiffs)[97]

“Бирлаштирилмаган даъвогарлар” ўз ҳисобидан ҳуқуқий маслаҳатлар олиш ҳуқуқига эгалар. Гувоҳнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси юқорида келтирилган ҳуқуқларидан ташқари, шунингдек қуйидаги қўшимча ваколатларга эга:

- ➔ Иш материалларидан фойдаланишдаги чекланган имконият[98];
- ➔ Сўроқ даврида қўшимча маслаҳатчининг иштирок этишига ҳам рухсат этилиши мумкинлиги[99];

95 Theodor Kleinknecht, Lutz Meyer-Goßner, *Kurzkommentar zur Strafprozessordnung,* 44. Auflage (Мюнхен, 1999 й.), 68b-модда, 1-параграф.
96 69-изоҳга қаранг, ЕИ Кенгашининг Жиноий жараёнда жабрланувчилар ҳолати тўғрисидаги доиравий қарори, 6-модда.
97 88-изоҳга қаранг, Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси, 406f-модда.
98 Ўша жойда, 406e-модда.
99 Ўша жойда, 406f-модда.

➔ Апелляция ҳуқуқи кўзда тутилмаган бўлса ҳам, суд қарори тааллуқли аризага биноан тақдим этилади[100].

(б) “Бирлаштирилган даъвогарлар” (joint plaintiffs)[101]

Шунингдек, “бирлаштирилган даъвогарлар” бўлган гувоҳлар кўпроқ ҳуқуқларга эгалар. Баъзи жиноятларда[102], шунингдек одамлар савдосида ҳам, гувоҳнинг молиявий имкониятларидан қатъий назар дастлабки тергов босқичидан бошлаб ҳуқуқий маслаҳатчи давлат ҳисобига тайинланади[103].

100 Ўша жойда, 406d-модда.
101 Ўша жойда, 406f-модда.
102 Ўша жойда, 395-модда.
103 «Бирлаштирилган даъвогар» сифатида гувоҳ-жабрланувчи иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу, масалан, қуйидагиларни англатади:
- Ўз адвокати орқали иш материалларидан фойдаланиш имконияти;
- «Бирлаштирилган даъвогар» судьялар дастлабки тергов давомида судланувчиларни ёки гувоҳларни сўроқ қилаётганда иштирок этиш ҳуқуқига эга;
- «Бирлаштирилган даъвогар» гувоҳ сифатида чақирилганлигига қарамай бутун жараён давомида суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга;
- У маълум шароитларда судьялар ва гувоҳ-мутахассисларга қаршилик билдириш ҳуқуқига эга;
- У судланувчиларга, гувоҳларга ва гувоҳ-мутахассисларга саволлар бериш ҳуқуқига эга;
- У кўрсатмаларни тинглаш тўғрисида илтимоснома тақдим этиш ҳуқуқига эга;
- У судга нисбатан баённома билан чиқиши мумкин;
- У судга нисбатан якуний баённома билан чиқиши мумкин.

V. ЯКУНИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми мавжуд тузилмаларга асосланиши керак

Ушбу Қўлланма миллий ва маҳаллий даражалардаги мавжуд инфратузилмаларга асосланувчи жабрланувчиларнинг қайта йўлланиши ва ҳимоясининг профессионал тизимини яратишдаги комплекс жараённи яхшироқ тушунишга ёрдам бериши керак. Ушбу механизмда манфаатдор бўлган турли тузилмаларни аниқлаш, уларнинг потенциал ҳиссасини баҳолаш, шунингдек улар билан стратегик ҳамкорликка киришиш зарурдир. Баъзи мамлакатларда ЖҚЙМга аллақачон асос солинган бўлса ҳам, бошқа мамлакатларда идентификация тартибини ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни яратиш бўйича жараённи ташуббус этиш зарурияти ҳали ҳам мавжуддир.

Ушбу Қўлланмада ЕХҲТнинг барча ҳудудида ЖҚЙМ ривожланиши ва фаолиятининг турли босқичлари кўриб чиқилади. Ривожланган ЖҚЙМлари мавжуд мамлакатлар фаолиятни яхшилаш ва гувоҳларни ҳимоя қилиш ёки ЖҚЙМ фаолияти самарадорлигининг мониторингини ўтказишга имкон яратувчи ўз потенциалини ошириш бўйича келгуси чораларини қабул қилишлари лозим. Бошқа мамлакатлар келгуси фаолият учун асос яратиш мақсадида НДТлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасидаги ҳамкорлик масаласи бўйича ўқув-машғулотлардан фаолиятни бошлашлари мумкин.

ЕХҲТ миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизмларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олади

ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг Маастрихт учрашувида ЕХҲТнинг Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинган. Ҳаракатлар дастури ЕХҲТнинг иштирокчи-давлатларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва НДТлар орасидаги ҳамкорлик тизимини яратиш, одамлар савдоси жабрланувчиларини аниқлашга имкон берувчи бошқарув йўриқномаларини шакллантириш, шунингдек одамлар савдосига қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиб унинг амалга оширилишини назорат қила оладиган соҳалараро ва фанлараро гуруҳларни тузиш орқали ЖҚЙМларни таъсис этишни тавсия этади[104].

Техник ёрдам кўрсатиш бўйича ДИИҲБ дастури

ЖҚЙМни яратиш ва ривожланитиришга ёрдам кўрсатиш мақсадида ЕХҲТнинг одамлар савдосига қарши курашиш бўйича Ҳаракатлар дастури ЕХҲТ иштирокчи-давлатларига мувофиқ ўқитишни ва қўллаб-қувватлашни амалга оширишни ДИИҲБ учун вазифа сифатида белгилайди[105]. Ушбу Қўлланма бу ҳаракатлардаги босқичлардан бири

104 3-изоҳга қаранг, ЕХҲТнинг Ҳаракатлар дастури, V-бўлим. Ҳимоя ва ёрдам, 3-модда.
105 Ўша жойда, III-бўлим. Тергов, қонунни қўллаш ва суд таъқиби.

ҳисобланади. ДИИҲБ ЖҚЙМни ривожлантириш ва амалга ошириш мавзусидаги ўқув материалларни ишлаб чиқишни давом эттиради, шунингдек улар бир неча ЕХҲТ иштирокчи-давлатларида ЕХҲТнинг жойлардаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ва мувофиқ давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти тузилмалари билан маслаҳатлашиш жараёнида қўллаб кўрилади. Самарали ва имкониятдаги барча тузилмаларни ўз ичига олган ЖҚЙМни яратиш ва келгусида ўқитиш маҳаллий потенциалга асосланади, ва шу тариқа очиқ-ойдин ва соҳалараро ёндашувни рағбатлантиради ва таъминлайди.

Техник ёрдам кўрсатиш бўйича ДИИҲБ дастури ЖҚЙМнинг шаклланишига кўмак берувчи материалларни ишлаб чиқиш ва нашр этишда ёрдам кўрсатади. Дастур доирасидаги материаллар Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича ЕХҲТ Гуруҳи билан ҳамкорликдаги нашрларни, шунингдек бошқа ҳамкорликдаги ҳаракатларни, масалан, одамлар савдосининг гумондаги жабрланувчиларини идентификация қилиш ва сўроқларни ўтказиш бўйича бошқарув тамойилларини нашр этишни ўз ичига олиши мумкин. Ҳуқуқий андозалар ва қонунчиликни ривожлантириш, шунингдек мувофиқ қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳаракатлар тўғрисидаги материаллар Леджислэйшнлайн (Legislationline) **www.legislationline.org** интернет-саҳифасида жойлаштирилади.

Дастур ҳаракатларига тегишли материаллар ва ижобий амалиёт Одамлар савдосига қарши курашиш соҳасида маълумотлар билан алмашиниш бўйича ДИИҲБ маркази томонидан тақдим этилади. Дастур ҳаракатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давомида мавжуд ташаббусларнинг тажрибаси давлатлар орасидаги алмашинув предмети бўлади, ва шу тариқа иккитомонлама ва ҳудудий алоқалар кучайтирилади.

Якуний шарҳ сифатида, муаллифлар ЖҚЙМ концепцияси одамлар савдосига қарши курашиш бўйича мавжуд чораларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилашда ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган ёндашувнинг ролини кучайтиришда ёрдам беришига умид қиладилар. Одамлар савдоси жабрланувчиларининг сўзларида улар эксплуатациядан қутила олгандан сўнг, давом этувчи суистеъмолликлар, ҳокимият ва бошқа тузилмалар томонидан уларга нисбатан ноинсоний муносабат акс этиши керак эмас.

VI. БИБЛИОГРАФИЯ

Америка Қўшма Штатлари, Одамлар савдоси жабрланувчлари ва Ҳимоя қонуни 2000 (Оммавий қонун 106-386 – 28 октябрь, 2000 й.).
http://www.State.gov/documents/organization/10492.pdf

Анимус ассоциацияси/"Ла Страда", Болгария (Animus Association/La Strada Bulgaria), *Trafficking in Women. Questions and Answers* (Болгария, 2002 й.).
http://www.animusassociation.org/en/lastrada.html

Анимус ассоциацияси/"Ла Страда", Болгария, *La Strada Social Assistance Programme: Standards, Procedures and Methodology* (Болгария, 2003 й.).
http://www.animusassociation.org/en/lastrada.html

Аёллар савдосига қарши Бутунжаҳон Альянси (Global Alliance Against Trafficking in Women), *Human Rights in Practice. A Guide to Assist Trafficked Women and Children* (Бангкок, 1999 й.).

Варшавада инсонийлик мезони бўйича 2002 йил ЕХҲТ Учрашувида намойиш этилган одамлар савдосининг аёл-жабрланувчиси кўрсатмаларининг видеотасмаси.

Германия Жиноий Федерал полицияси, *Trafficking in Human Beings 2002* (Висбаден, 2003 й.).
http://www.bka.de/lageberichte/mh/2002/lagebildmh_en.pdf

Германия Федератив Республикаси, "Полиция ва одамлар савдоси ҳолатларида жабрланувчи-гувоҳларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича маслаҳат берувчи ташкилотлар орасидаги 29 ҳамкорликни тартибга солиш", Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги ва Қуйи Саксония ери Адлия вазирлигининг ҳамкорликдаги циркуляр фармойиши, 2001 й. 10 октябрь.

ДИИҲБ конференцияси тўғрисида ҳисобот, *Европа против торговли людьми* (Варшава, ЕХҲТ/ДИИҲБ, 2001 й.), Берлиндаги конференция, 2001 й. 15-16 октябрь.

"Ла Страда", Чехия Республикаси (La Strada Czech Republic), *Information on services provided by La Strada CR* (Прага, 2003 й.).
http://www.strada.cz

Маълумотлар ҳимояси тўғрисидаги Германия Федерал қонуни.

Қулчиликка қарши курашиш бўйича ҳалқаро ташкилот (Anti-Slavery International), *Human Traffic, Human Rights: Redefining victim protection* (Хоршам, 2002 й.).
http://www.antislavery.org/homepage/resources/humantraffichumanrights.htm

Қулчиликка қарши курашиш бўйича ҳалқаро ташкилот, *Recommendations of the European Union Roundtable Discussion* (Лондон, 2002 й 24 октябрь).

ХМТ Германия: 2003 йил учун ХМТ ГРЭД/ГҲРД: Германияда бошпана сўровчи кишилар учун реинтеграция ва эмиграция дастури (ГРЭД), Германия ҳукумати ёрдамидаги репатриация дастури (ГҲРД).

Anti-Trafficking Activities of the Yugoslav Team to Combat Trafficking in Human Beings 2001/2002 (Белград, 2001 й.).
http://www.osce.org

Buggisch, Walter, *Zeugenbedrohung und Zeugenschutz in Deutschland und den USA* (Берлин, 2001 й.).

Carchedi, Francesco, *Voluntary and involuntary prostitution deriving from trafficking of women, Some structural characteristics*, 2003 йил Прагада (Чехия Республикаси) ўтказилган "Христиан таъсири ва одамлар савдосига қарши тармоқ яратиш" семинари учун материал (Одамлар савдосига қарши Христиан таъсири).

Kartusch, Angelika, *Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми* (ЕХҲТ/ДИИҲБ, Варшава, 2001 й.)
http://www.osce.org

Kleinknecht, Theodor, Lutz Meyer-Goßner, *Kurzkommentar zur Strafprozessordnung, 44. Auflage* (Мюнхен, 1999 й.)

KOK, *Trafficking in Women in Germany. Women's Projects in Germany on the Issue of Trafficking in Women. A Documentation* (Берлин, 2001 й.).

Limanowska, Barbara, *Trafficking in Human Beings in Southeastern Europe: Current Situation and Responses to Trafficking in Human Beings in Albania, Bosnia and Herzegovina, Bulgaria, Croatia, the Federal Republic of Yugoslavia, the Former Yugoslav Republic of Macedonia, Moldova, Romania* (ДИИҲБ/ЮНИСЕФ/БМТИҲБК, Белград, 2002 й.).
http://www.seerights.org

Niesner, Elvira, Christina Jones-Pauly, *Frauenhandel in Europa. Strafverfolgung und Opferschutz im europäischen Vergleich* (Билефельд, 2000 й.).

On the Road, Article 18: *Protection of Victims of Trafficking and Fight against Crime (Italy and the European Scenarios). Research Report* (Мартинсикуро, 2002 й.).

Renzikowski, Joachim, "Frauenhandel – Freiheit für die Täter, Abschiebung für die Opfer", ва *Zeitschrift für Rechtspolitik,* 1999 й.

SECI, *Evaluation report of Operation Mirage. A SECI Effort to Combat Trans-Border Trafficking of Human Beings & Illegal Migration* (Бухарест, 2003 й.).

Wijers, Marjan, Lin Lap-Chew, *Trafficking in Women, Forced Labour and Slavery-like Practices in Marriage, Domestic Labour and Prostitution* (Утрехт, 1997 й.).

ЕВРОПА КЕНГАШИ

Европа Кенгашининг Вазирлар Қўмитаси томонидан 19 майда қабул қилинган Европа Кенгаши тавсиялари (CoE Recommendation) No. R (2000) 11, шунингдек тушунтириш меморандуми (Explanatory Memorandum).
http://www.humanrights.coe.int/equality/Eng/WordDocs/Rec(2000)11%20%20explanatory%20memorandum.doc

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (European Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms), 1950 й.
http://www.echr.ru/documents/doc/2440800/2440800-001.htm

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

Алоҳида шахсларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланишни ҳимоя қилиш ва бундай маълумотларнинг эркин алмашинуви тўғрисида Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 95/46/EC сонли 1995 й. 24 октябрда қабул қилинган йўриқномаси (Directive 95/46/EC of the European Parliament and of the Council of 24 October 1995 on the protection of individuals with regard to the processing of personal data and on the free movement of such data).
http://www.europa.eu.int/comm/internal_market/privacy/law_en.htm

Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар хартияси (Charter of Fundamental Rights of the European Union), OJ C 364 18/12/2000.
http://europa.eu.int/comm/justice_home/unit/charte/index_en.html

Жиноий жараёнда жабрланувчилар ҳолати тўғрисидаги ЕИ Кенгашининг 2001 йил 15 мартда қабул қилинган доиравий қарори (EU Council Framework Decision of 15 March 2001 on the standing of victims in criminal proceedings) (2001/220/JHA).

Одамлар савдоси жабрланувчилари бўлган учинчи мамлакатлар фуқароларига ёки ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда ноқонуний иммиграцияга қарши курашишда ёрдам берган учинчи мамлакатлар фуқароларига мамлакатда яшаш учун рухсат бериш тўғрисидаги ЕИ Кенгаши йўриқномасининг лойиҳаси (Draft EU Council Directive on the residence permit issued to third-country nationals who are victims of trafficking in human beings or who have been the subject of an action to facilitate illegal immi-

gration, who cooperate with the competent authorities) (14994/03). http://register.consilium.eu.int/pdf/en/03/st14/st14994.en03.pdf

Одамлар савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида Брюссель декларацияси, (Brussels Declaration on Preventing and Combating Trafficking in Human Beings)
Одамлар савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Европа конференцияси – 21-асрнинг глобал даъвати, 18-20 сентябрь, 2002 й.
http://www.belgium.iom.int/STOPConference/Conference%20Papers/brudeclaration.pdf

Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашишда гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ЕИ Кенгашининг1995 йил 23 ноябрда қабул қилинган резолюцияси (EU/EC Council Resolution of 23 November 1995 on the protection of witnesses in the fight against international organized crime), OJEC 327 07/12/1995.

ЕХҲТ[106]

ЕХҲКнинг Будапешт ҳужжати, Янги даврда чинакам ҳамкорлик йўлида (CSCE Budapest Document, Towards a Genuine Partnership in a New Era), 1994 й.

ЕХҲКнинг Инсонийлик мезони бўйича конференциясининг Копенгаген мажлиси ҳужжати (CSCE Document of the Copenhagen Meeting of the Conference on the Human Dimension of the CSCE), 1990 й.

ЕХҲКнинг Инсонийлик мезони бўйича конференциясининг Москва мажлиси ҳужжати (CSCE Document of the Moscow Meeting of the Conference on the Human Dimension of the CSCE), 1991 й.

ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг 1-қарори «Одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ЕХҲТ ҳаракатларини фаоллаштириш» (OSCE Ministerial Council Decision No. 1, Enhancing the OSCE's Efforts to Combat Trafficking in Human Beings), Вена, 2000 й. (MC(8).DEC/1).

ЕХҲТнинг Европа Хавфсизлиги Хартияси (OSCE Charter for European Security), 1999 й.

ЕХҲТнинг Истамбул ҳужжати (OSCE Istanbul Document), 1999 й.

ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг 6-қарори (OSCE Ministerial Council Decision No. 6), Бухарест, 2001 й. (MC(9).DEC/6)

[106] Барча ЕХҲТ ҳужжатларини ЕХҲТнинг http://www.osce.org веб-саҳифасидан топишингиз мумкин.

ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг Одамлар савдоси тўғрисидаги Декларацияси (OSCE Ministerial Council Declaration on Trafficking in Human Beings), Порту, 2002 й. (MC(10).JOUR/2)

ЕХҲТ Доимий кенгашининг 557-Қарори, одамлар савдосига қарши курашиш бўйича ЕХҲТ Ҳаракатлар дастури (OSCE Permanent Council Decision No. 557, Action Plan to Combat Trafficking in Human Beings), 2003 й. (PC.DEC/557).

ЕХҲТнинг одамлар савдосига қарши курашишнинг Бошқарув тамойиллари (2001 й. июнь).

Янги Европа учун ЕХҲКнинг Париж Хартияси (CSCE Charter of Paris for a new Europe), 1990 й.

БМТ

Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination Against Women), 1979 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/cedaw.htm

АНКБКнинг Умумий характердаги Тавсияномаси, № 19 Аёлларга нисбатан зўравонлик (CEDAW General Recommendation No.19 Violence against Women), 1992 й.
http://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/recomm.htm

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (Convention on the Rights of the Child), 1989 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/childcon.htm

Инсон ҳуқуқлари ва одамлар савдоси тўғрисидаги масала бўйича БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Бош Комиссарининг тавсия этаётган тамойиллари ва бошқарув қоидалари, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (UNHCHR Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking, Economic and Social Council), 2002 й. май. (E/2002/68/Add.1).
http://www.unhchr.ch/huridocda/huridoca.nsf/Documents/OpenFrameset

Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Халқаро Конвенция (International Convention on the Elimination of All Forms of Racial Discrimination), 1965 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/raceconv.htm

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт (International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights), 1966 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/pactecon.htm

Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясини тўлдирувчи Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш, унга барҳам бериш ва унинг учун жазо тайинлаш тўғрисидаги Протокол, 2000 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/protocol1.htm

Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси (Convention against Transnational Organized Crime), 2000 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/orgcrime.htm

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт (International Covenant on Civil and Political Rights), 1966 й.
http://www.un.org/russian/documen/convents/pactpol.htm

ЕХҲТ/ДИИҲБ НИМА?



Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИҲБ) инсоний мезон учун маъсул бўлган ЕХҲТнинг асосий институти ҳисобланади. Бу ДИИҲБ ЕХҲТнинг иштирокчи-давлатларига «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ ҳурмат қилишни, қонунчиликка асосланган ҳаракатларни, демократия тамойилларини ҳаётга татбиқ этишни таъминлашда ва … демократик институтларни яратишда, мустаҳкамлашда ва ҳимоя этишда, шунингдек бутун ҳамжамият миқёсида бағрикенглик муносабати тамойилларини ривожлантириш»да кўмак беришини англатади (1992 йилги Хельсинки ҳужжати).

ДИИҲБ Польшанинг Варшава шаҳрида жойлашган. У 1990 йил Париж хартияси асосида дастлаб «Эркин сайловлар бўйича бюро» номи билан очилган. Ўша вақтдан буён Бюро доимо ўсиб борган ва ривожланган. Бюро 1992 йил мандати кенгайтирилганда ва инсон ҳуқуқлари ва демократлаштиришни ўз ичига олганда ҳозирги номини олган. Айни дамда Бюрода 100дан ортиқ ходим фаолият юритади ва у ЕХҲТнинг барча ҳудудида фаол иш олиб бормоқда.

ДИИҲБ сайловларни кузатиш соҳасида Европадаги етакчи ташкилот ҳисобланади. ДИИҲБ ЕХҲТ иштирокчи-давлатларига сайловларни кузатиш бўйича миссияларни юборади. Бу сайловлар соҳасидаги ЕХҲТ мажбуриятларининг давлатлар томонидан бажарилишини баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Ҳар йили минглаб ДИИҲБ кузатувчилари ЕХҲТнинг барча ҳудудида сайловлар мониторингини ўтказадилар. Батафсил тарзда ва синчковлик билан ишлаб чиқилган услубиёт сайлов жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олишга ва энг юқори тўлиқ баҳони беришга имкон яратади.

ДИИҲБнинг демократлаштириш бўлими турли мавзуга оид соҳаларни қамраб олади: қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти, ҳаракатланиш эркинлиги, аёллар ва эркаклар орасидаги тенглик ва одамлар савдосига қарши курашиш. Ҳар йили ДИИҲБ 100 дан ортиқ мақсадли лойиҳаларни амалга оширади, ва бу билан демократик институтларни қуришда, инсон ҳуқуқларига риоя қилишда, шунингдек фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашда ва ҳуқуқий давлат яратишда амалий ёрдамни кўрсатади.

ДИИҲБ техник ёрдам лойиҳаларини амалга ошириш ва инсонийлик мезони соҳасидаги тренингларни ўтказиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмак беради. Бюро инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ турли мавзулар бўйича тадқиқотлар ўтказади ва ҳисоботлар тайёрлайди. Бундан ташқари, Бюро ЕХҲТ доирасида қабул қилинган инсонийлик мезони бўйича иштирокчи-давлатлар мажбуриятларининг бажарилишига оид ЕХҲТ мажлислари учун йиллик учрашувларни ташкиллаштиради. Терроризмга қарши курашиш мақсадида, Бюро инсонийлик мезони соҳасида одамлар онгини ошириш бўйича фаолият олиб боради ва терроризмни ривожланишига олиб келувчи омилларни аниқлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширади.

ДИИҲБ ЕХҲТ ҳукуматларига рома ва синтига нисбатан сиёсатни амалга оширишлари бўйича тавсиялар беради. Бюро ЕХҲТ ҳудудида рома ва синтининг сиёсий ҳуқуқ-

ларини кенгайтиришга, шунингдек рома ва синти жамоатларида фуқаролик жамиятининг ривожланишида кўмак беришга ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар дастурини амалга оширади.

Бюро рома ва синти билан боғлиқ масалалар соҳасида ЕХҲТ тузилмалари, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва НДТлар орасида ўзаро муносабатнинг ривожланишига кўмак беради.

ДИИҲБнинг барча фаолияти ЕХҲТнинг бошқа институтлари ва жойлардаги ЕХҲТ ваколатхоналари, шунингдек бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

ЕХҲТ/ДИИҲБ тўғрисидаги тўлиқроқ маълумотни www.osce.org/odihr веб-саҳифасидан олиш мумкин.

Миллий даражада одамлар савдоси жабрланувчиларини қайта йўллаш механизми ҳамкорлик тизими ҳисобланади. Унинг доирасида давлат органлари фуқаролик жамияти билан стратегик ҳамкорликда ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб, одамлар савдоси жабрланувчиларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича ўз мажбуриятларини бажарадилар.

ЕХҲТнинг одамлар савдосига қарши курашиш буйича Ҳаракатлар дастури ЕХҲТ иштирокчи-давлатларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти орасидаги ҳамкорлик тизимини қуриш, одамлар савдоси жабрланувчисини тўғри аниқлашга имкон берувчи йўриқномаларни, шунингдек одамлар савдосига қарши курашиш бўйича мониторинг ўтказиш сиёсатини ишлаб чиқа оладиган ва уни амалга ошира оладиган соҳалараро ва фанлараро гуруҳларни шакллантириш ёрдамида ЖҚЙМларни яратишни тавсия этади.

Ушбу Қўлланма одамлар савдосига қарши курашиш ва одамлар савдоси жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича тузилмани яратишда кўмак беришга ва бундай тузилмаларнинг барқарор фаолиятини амалга оширишга чақирилган бошқарув тамойилларни ҳавола этади. Қўлланма ЖҚЙМни яратиш жараёнида эътиборни қаратиш лозим бўлган асосий сиёсий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларга алоҳида тўхтаб ўтади. Бундан ташқари, ушбу Қўлланма давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг ЖҚЙМдаги келгуси ролини белгилайди, шунингдек одамлар савдоси жабрланувчиларига тақдим қилиниши лозим бўлган дастур ва хизматлар турларини таърифлайди.

Бюро по демократическим институтам и правам человека
ОБСЕ
БДИПЧ